

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

САМАРҚАНД ДАВЛАТ ЧЕТ ТИЛЛАР ИНСТИТУТИ

Фарход Хатамов

БОШҚАРУВ ИНСТИТУЛари
ХОДИМЛАРИНИНГ
ҲУҚУҚИЙ МАДАНИЯТИ

Монография

“Zilol buloq” нашриёти
Тошкент – 2021

УДК 339.13 (07)
ББК 86.385 (5 Рус)
М 78

Хатамов Ф.Ф. Бошқарув институтлари ходимларининг ҳуқуқий маданияти. Монография. – Тошкент: “Zilol buloq” нашриёти. 2021, - 160 бет.

Уибубо монографияда бошқарув тизими ходимларининг ҳуқуқий маданияти шакллантирилиши ва юксалиши муаммолари фалсафий-илмий жиҳатдан таҳлил қилинган.

Мазкур китоб қўлланма сифатида бошқарув органлари ходимлари ва барча ҳуқуқий онг ва маданият масалалари билан қизиқувчи тадқиқотчиларга мўлжалланган.

Маъсул муҳаррир: фалсафа фанлари доктори,
профессор Р.Т. Шодиев

Тақризчилар: фалсафа фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) М.Н. Меликова

фалсафа фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) Р.Р. Комилов

Самарқанд давлат чет тиллар институти Кенгашининг 2020 йил 25 февралдаги 7-сон қарори билан нашрга тавсия этилган.

ISBN 978-9943-6553-1-7

КИРИШ

Жаҳон тараққиётининг ҳозирги босқичида глобаллашув, интеграциялашув жараёнларининг жадаллашуви маънавий-маданий, ижтимоий-иктисодий, сиёсий-хуқуқий муносабатларга ҳам жиддий таъсири кўрсатмоқда. Айни пайтда қўпгина давлатларда инсон ҳаёти, унинг хуқуқ ва эркинликлари демократик қадриятлар сифатида қаралиб, давлат, сиёсий институтлар, хусусан, ижтимоий бошқарув институтлари ходимлари самарали фаолиятининг асосий кўрсаткичи мезони ана шу қадриятларга қанчалик мувофиқлиги билан белгиланади. Шу нуқтаи назардан жамиятнинг барча бошқарув бўғинларида, хусусан ижтимоий бошқарув институтлари ходимларининг хуқуқий маданиятини ошириш долзарб масала бўлиб, унинг илмий-фалсафий концепцияларини яратиш амалий аҳамиятга эгадир.

Жаҳонда фалсафий таълимотлар ва қратологик назарияларда, давлат бошқаруви ходимлари профессиограммасида хуқуқий маданият, хуқуқий нормалар ва жамиятда амал қиласдан қонунларнинг ушбу соҳадаги назарий-фундаментал, амалий-методологик асосларини такомиллаштиришни талаб қилмоқда. Шу нуқтаи назардан, жамиятда адолат, тенглик ва барқарорликни таъминлаш омили бўлган ижтимоий бошқарув ходимларининг хуқуқий маданиятини юксалтиришнинг назарий ва праксиологик жихатларини фалсафий категориялар асосида тадқиқ этиш ҳозирги замон илм-фанининг муҳим концептуал вазифаси ҳисобланади.

Мамлакатимизда ижтимоий бошқарув институтлари ходимларида хуқуқий билим ва хуқуқий маданиятни юксалтириш, уларнинг хуқуқий саводхонлигини ошириб бориш муҳимлигига алоҳида эътибор қаратилмоқда. “Асосий вазифа - бу юқори касб маҳорати ва замонавий тафаккурга эга, пухта йўланган, ҳар томонлама тўғри қарорлар қабул

қила оладиган, белгиланган мақсадларга эришадиган раҳбарлар ва мансабдор шахсларнинг янги таркибини шакллантиришдан иборат.”¹ Бу вазифаларни амалга оширишда, ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятни юксалтириб бориш қонун устуворлигини таъминлаш ва қонунийликни мустаҳкамлаш объектив заруриятдир. Шу нуқтаи назардан бу борадаги тажрибаларни умумлаш-тириш, мавжуд муаммоларни аниқлаб, уларнинг конструктив ечимларини топиш бугунги куннинг долзарб вазифасига айланмоқда.

Ҳуқуқий демократик давлат қуриш, бошқарув институтлари фаолиятини демократлаштириш, ўзини ўзи бошқарув механизмларини такомиллаштириш, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлашга оид кўплаб тадқиқотлар олиб борилмоқда. Жумладан: АҚШ ва Ғарбий Европа мамлакатлари олимларининг демократик ҳуқуқий давлат қуриш ҳамда бошқарув институтлари фаолиятини демократлаштиришга оид турли концепциялари қадимги даврда Платон, Аристотель давридан илгари сурилган. Фан тараққиётиинг кейинги босқичларида ҳам хориж давлатлари олимлари ушбу мавзуга доир кўплаб фундаментал аҳамиятга эга илмий-фалсафий изланишлар олиб борган бўлиб, улар жумласига Г.Гегель, Э.Дюркгейм, И.Кант, L.Stanley, Paulson², Ж.Локк, Н.Макиавелли, Алексис де Токвиль каби файласуфларни келтириш мумкин.

Шунингдек, мавзуга оид назарий-фундаментал қарапашлар МДҲ олимларидан С.С.Алексеев³, Н.А.Бердяев, И.Ильин, В.Соловьев каби кўплаб олимларнинг илмий тадқиқотларида асослаб берилган. Мазкур тадқиқотларда асосан ҳуқуқий маданият, фуқароларнинг ҳуқуқий онгини шакллантириш омиллари ва механизмлари, давлат бошқарув институтлари

¹Мирзиёев Ш.М. Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз. - Т.: Ўзбекистон, НМИУ, 2018. 162-163 б.

² Stanley L., Paulson. Introduction in Hans Kelsen introduction to problems of legal theory. – Oxford. 1992. – Р. 204.

³Алексеев С.С. Право. Азбука. Теория. Философия. Опыт комплексного исследования. -Москва: Статут, 1999. С.31 32.

фаолиятининг ижтимоий адолат ва тенглик принципларига асосланиши лозимлиги каби масалалар таҳлил этилган.

Жамиятда фуқароларнинг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятини ошириш, давлат бошқарув институтлари фаолиятининг ижтимоий адолат ва тенглик принципларига, миллий ва умуминсоний ҳуқуқий қадриятларга мувофиқ ташкил этишнинг ижтимоий фалсафий жиҳатларини Ўзбекистон файласуфлари М.Атауллаев¹, С.Бердиқулов, А.Қ.Валиев, М.Муллажанова, Ф.А.Мусаев², Б.Т.Тўйчиев, Н.Х.Ҳакимов, И.Э.Худойбердиев ва сиёсий жиҳатдан В.Х.Қўчқоровлар ўрганишган.

Мазкур тадқиқотчиларнинг замонавий илмий ёндашувлари ва чиқарган фундаментал хуносалари бизнинг изланишларимиз учун муҳим аҳамиятга эга. Маълумки, ижтимоий бошқарув институтлари деганда ана шу тизимларни ўз ичига олган, уларнинг дифференциал хусусиятларидан кенг бўлган, фаолиятини режалаштириш, қарор қабул қилиш, назорат асосида олиб борадиган субъектлар тушунилади. Шу боисдан ижтимоий бошқарув институтлари ходимларининг ҳуқуқий маданияти эса мазкур фаолиятни қанчалик қонунга мувофиқ олиб борилганда намоён бўлади. Афсуски, юқоридаги тадқиқотларда ижтимоий бошқарувнинг барча ички тизимлари ходимларининг ҳуқуқий маданияти ўрганилмаган. Айнан ушбу масаланинг илмий тадқиқоти мазкур монографиянинг мазмуни ва мақсадини ташкил этади.

¹ Атауллаев М. Жамиятни модернизациялашда ҳуқуқий қадриятларнинг ўрни (фалсафий-ҳуқуқий жиҳатлар) –Тошкент: Университет, 2017. -186 б.

² Мусаев Ф. Демократик давлат қуришнинг фалсафий – ҳуқуқий асослари. – Тошкент: Ўзбекистон, 2007. - 192 б.

I БОБ. ҲУҚУҚИЙ МАДАНИЯТНИНГ ФАЛСАФИЙ ТАЛҚИНИ

1.1. Ҳуқуқ ва ҳуқуқиий маданият – фалсафий тадқиқот обьектлари сифатида

Ҳуқуқ феноменини ўрганишга бағишилаб кўплаб тадқиқотлар ўтказилиб, уларда тадқиқотчилар бир нарсада, яъни ҳуқуқни позитив воқелик эканини таъкидлашда яқдиллиги таъкидланади. Тадқиқотларда ҳуқуқий мерос, манбалар асосида, биринчидан, ҳуқуқ аввало, тор доиралардаги шахслар ва гурухларнинг манфаатларига хизмат қилгани; иккинчидан, ҳуқуқ асосан тақиқ, жазолаш механизмларига қурилгани; учинчидан, то XIX асрнча мажбурлаш усули устувор бўлиб келгани масалалари ижтимоий-фалсафий жиҳатдан ёритилади. Бундай фалсафий таҳлил ҳуқуқ феноменига янгича қарашни, яъни унинг позитивигини тор гурухлар манфаатларига хизмат қилишидан келтириб чиқармасликни, унинг кенг ижтимоий борлиққа, аҳолининг барча қатламларига тенг тааллуқли эканидан келиб чиқишина тақозо этади.

Ҳуқуқиий маданият ва бошқарув фаолияти ўртасидаги диалектик боғлиқлик, уларнинг социоаксиологик негизлари орқали муҳим қадриятларга айланиши илмий адабиётларда ҳуқуқ алоҳида қадрият сифатида қаралсада, унинг бошқарув тизими билан боғланиб келиши негизида юзага келадиган қатор муаммолар тадқиқ этилмайди. Бу тадқиқотларнинг мақсади ва мавжуд муаммоларни назарий-фалсафий ва ижтимоий-амалий ҳал этиш тажрибаси билан боғлиқдир. Ушбу йўналишдаги тадқиқотларда нафақат назарий-фалсафий, шунингдек, ижтимоий-амалий аҳамиятга эга масалалар тадқиқ қилинади.

Ҳуқуқ феномени ва бошқарув фаолияти диалектик тарзда бир бирини тақозо этиб келиши, аммо уларнинг хар

қайси ўзининг имманент хусусиятларига эга бўлиб, ҳуқуқнинг регулятив функцияси амалиётда бошқарув сифатида талқин қилиниши каби фалсафий ҳуқуқий масалалар сифатида ўрганилади. Ҳуқуқ фалсафаси бу масалалар борасида маълум бир хулосаларга, фикрларга келган бўлсада, уларнинг ечимларини трансформацияга учраётган ижтимоий-ҳуқуқий борлик ва унда амал қилаётган бошқарув институтлари ҳал қиласди.

Ҳуқуқ феномени, унинг генезиси, давлат ва жамиятни бошқаришдаги аҳамияти, функционал хусусиятлари, инсон ҳуқуқи ва эркинликларини таъминлаш, халқаро гуманистик алоқаларни ташкил этиш ва йўлга қўйиш билан боғлиқ муаммолари ҳақида кўплаб тадқиқотлар ўтказилган¹. Кейинги йилларда улар миллий ҳуқуқий тизим ва демократик қадриятларнинг глобал воқеликка айланишига оид изланишлар билан янада бойитилди. Бугун миллий ва умуминсоний ҳуқуқ нормалари билан яшаётганимиз, шу билан бирга глобаллашиб бораётган дунёнинг янги бошқарув тизимларига муҳтожлиги реал воқеликдир. Ушбу ўзгаришларга мувофиқ ҳуқуқ феномени, унинг ижтимоий хаётдаги ўрни ва функционал вазифалари ҳам трансформацияга учрайди.

Буни ҳуқуқнинг социодинамик хусусияти ҳам тақозо этади. Демак, ижтимоий борликдаги ўзгаришлар ҳуқуқ феноменига таъсир этади. Бу ҳол ҳуқуқни ҳар доим ижтимоий-тариҳий босқичларга мувофиқ тадқиқ этиб боришни, ундаги трансформация жараёнларини кузатиб, аниқлаб, белгилаб боришни талаб қиласди. Ҳуқуқ феномени

¹Қаранг: Stanley L., Paulson. Introduction. In Hans Kelsen Introduction to problems legal theory. Oxford, 1992; Нерсесянц В.С. Юриспруденция. Введение в курс общей теории права и государства. - Москва: Юристъ, 1998; Нерсесянц В.С. Философия права. - Москва: Изд. гр. НОРМА ИНФРА М., 1998; Алексеев С.С. Право: азбука теория философия: Опыт комплексного исследования. - Москва: Статут, 1999; Сайдов А., Тожихонов У. Давлат ва ҳуқуқ назарияси. Иккى жилдли. 1 жилд. Давлат назарияси. - Тошкент: Адолат, 2001; Инсон ҳуқуқлари умумий назарияси. - Тошкент: ЎзР ИИВ Академияси, 2012.

генезисида ибтидоий табу (тақиқ институти) муҳим роль ўйнаган, унинг социомаданий аҳамияти ҳуқуқшунослар, этнографлар, маданиятшунослар ва файласуфлар томонидан очиб берилган¹. Кейинги ижтимоий-хуқуқий борлик, ҳаёт ана шу анъянани давом эттирди, сиёсий-хуқуқий манбалар (Ҳақиқатлар, Капитуларлар, Формуллар, Правдалар, Статутлар, Булла ва Актлар, Декретлар, Конституциялар) хуқуқ феноменининг мажбурий тарзда жорий этилганини, бундан, аввало, мулкдорлар, ҳукмдорлар манфаатдор бўлганини кўрсатади. Масалан, Сали Ҳақиқати (481-511 йиллар)да агар қирол қули ёки лити (ярим эркли) эркин аёлни ўғирласа, ўлим жазоси берилади, агар эркин қиз қулга тегса, у (қиз) эркидан маҳрум этилади, шундай жазога бегона қул аёлга уйланган эркин эркак ҳам тортилади, дейилади². 282 параграфдан иборат Хаммурапи қонунларида тан жароҳатлари етказишдан ташқари 31 ҳолда ўлим жазоси қўлланилиши таъкидланади³. Демак, хуқуқ феномени ҳукмдор кучлар томонидан ўрнатилган тартиб, қонунлар орқали шаклланиб келган, ижтимоий борлиқни ташкил этувчи ва бошқарувчи механизмга айланган. Хуқуқ феноменининг куч орқали шакллантирилгани ундаги позитив аҳамиятни инкор қилмайди. Бироқ барча тадқиқотчилар, айниқса сиёсий-хуқуқий йўналишда илмий изланишлар олиб борганлар хуқуқнинг позитив феномен сифатида шаклланганини қайд этавермайдилар. И.Кант хуқуқни ахлоқий императив билан боғлаганида унинг позитив томонига эътиборини қаратди⁴. Ахлоқ ва хукукнинг

¹ Қаранг: Тайлор Э. Первобытная культура. Москва: Политиздат,1989; Қадимий хуқуқий ёдгорликлар: Хаммурапи қонунлари. Доро I нинг Беҳистун қояларидаги ёзувлари. Таржима асар. Муаллифлар жамоаси: А.Самеджанов, А.Мухамедов, Н.Турғунова. Масъул мухаррир проф. Х.Т.Одилқориев. - Тошкент: Адолат, 2016.

² Қаранг: Хрестоматия памятников феодального государства и права стран Европы. Москва: Гос. Изд. юрид. лит ры, 1961. С.11.

³ Қаранг: Қадимий хуқуқий ёдгорликлар: Хаммурапи қонунлари. Доро I нинг Беҳистун қояларидаги ёзувлари. Таржима асар. - Тошкент: Адолат, 2016.

⁴ Қаранг: Кант И. Сочинения в шести томах. Т.4. Часть 2. - Москва: Мысль, 1965. - С. 140- 148.

диалектик тарзда амал қилиши, шаклланганлиги ҳақидаги ғоя фалсафа учун янгилик эди, албатта. Бироқ бу янгилик ахлоқий императивнинг устуворлигини таъминлашни эмас, балки ҳуқуқ феноменининг устуворлигини таъминлашни асосий вазифа қилиб қўйди, натижада ҳукуқнинг қонуний кучини улуғлаш, унга фақат позитив воқелик сифатида қараш анъянага айланди. Умуман, ҳукуқшунослар ҳукуқнинг позитив воқелик эканини таъкидлашга шу даражада берилиб кетишдики, ҳатто ишламаётган, реал ҳаёт талабларига жавоб беролмаётган, ижтимоий тараққиётга ғов бўлаётган қонунларга ҳам ҳамду санолар тўқишигача боришиди. Бу ўринда совет ҳукуқшуносларининг ёндашувларини эслаш мумкин. Бизнинг фикримизча, бугун ҳуқуқ феноменининг позитив воқелик эканини қайд этиш етарли эмас, ушбу позитивликнинг нималарда намоён бўлаётганини, позитивликнинг ҳуқуқий тизимдаги ўрни ва аҳамиятини, инсон ҳуқуки ва эркинликларини таъминлашга таъсирини очиб бериш муҳимдир.

Ҳуқуқ фалсафаси позитивликни маълум бир ҳуқуқ тизимида қарашга ундейди, ушбу тизимга хос хусусиятлар ижтимоий-ҳуқуқий борлиқقا қандай регулятив таъсир этаётганини (ёки таъсир этмаётганини) объектив ўрганишга ёрдам беради. Ҳуқуқ “ўзи ўзи учун мавжуд” воқелик эмас, у ўзидан ташқаридаги ҳаётни, яъни ижтимоий борлиқ, ушбу борлиқдаги муносабатлар, шахс ва жамият, давлат, бошқарув идоралари ўртасидаги координацион ва субординацион алоқаларни ташкил этиш, йўлга қўйиш учун мавжуддир. Унинг ушбу ташкилий ва регулятив функциялари позитив бўлиши, маълум бир муаммоларни ижобий ҳал этишга ёрдам бериши шарт, акс ҳолда ҳукуқнинг ўзи ижтимоий аҳамиятини йўқотади. Шунинг учун ҳукуқшунослар ҳуқуқ феноменини ўз ичига олувчи ҳуқуқий тизимни: “давлатнинг турли меъёрий хужжатларида, қонунларида ифода этилган объектив (позитив) ҳукуқнинг ўзи; ҳуқуқий идеология (ҳуқуқий онгнинг фаол томони); суд (юридик) амалиёт”

билан боғлаб қарашга ундаидилар¹. Демак, хуқуқ феномени хақида гап кетганида унинг ушбу тизимлар билан боғлиқ жиҳатларига эътибор бериш, позитив жиҳатларни нималар орқали аниқлашни тақозо этади. Объектив позитив хуқуқнинг давлат ва бошқарув институтлари меъёрий хужжатларида, қонунлари ва норматив актларида ифода этилиши аксиома сифатида қабул қилинган. Бироқ бу давлат ва бошқарув институтлари қабул қиласиган меъёрий-хуқуқий хужжатларнинг мутлақ объективлигини, мутлақ тўғрилигини ҳали исботламайди. Баъзи меъёрий-хуқуқий хужжатлар гипотетик ёки прогностик хусусиятга эга бўлиши, баъзилари эса умуман бажарилмаслиги мумкин. Бундай ҳолда хуқуқнинг позитив вокелиги нима бўлади? Бундай қонун ижодкорлигини қандай баҳолаш керак бўлади?

Бизнинг фикримизча биринчидан, ҳар қандай қонун, меъёрий-хуқуқий хужжатлар маълум бир ижтимоий-хуқуқий вазифаларни бажаришга қаратилгани учун ижобий ҳодиса сифатида баҳоланиши керак. Ҳа, ушбу хужжатни ишлаб чиқиш жараёнида субъективизмга берилган, маълум бир омиллар етарли ҳисобга олинмаган ва хуқуқ феноменининг ролига кўпроқ ургу берилган ёки бошқарув институтларининг фаоллигига ортиқча ишонилган бўлиши мумкин. Хуқуқий-меъёрий хужжатларнинг керакли натижага олиб келмаганининг боиси ранг-баранг, хилма-хил бўлиши, гоҳо ички ва ташқи омиллар таъсири эътиборга олинмай қолиши объектив ҳолдир. Қандай бўлганида ҳам, меъёрий-хуқуқий хужжатлар ижтимоий борлиқдан, ҳаётдан устун туро олмайди, шунинг учун уларни ижтимоий борлиққа, ҳаётга хизмат қилувчи воситалар, деб ҳисоблаш даркор.

Ҳаёт эса мутлақ ҳақиқатга қурилмайди, унинг социодинамик хусусиятлари барча воситаларга, шу жумладан, меъёрий-хуқуқий хужжатларга ҳам ўз таъсирини ўтказади, керак бўлганида уларни норматив хужжатлар

¹ Каранг: Алексеев С.С. Право: азбука теория философия: Опыт комплексного исследования. - Москва: Статут, 1999. - С. 47.

реестридан чиқариб олишга ундаиди. Иккинчидан, ижтимоий борлиққа, бошқарув фаолиятига ва инсон-жамият-давлат муносабатларига етарли ижобий таъсир этмайдиган меъёрий-хуқуқий хужжатлар, қонунлар маълум бир маънода хукуқдаги бўшлиқни тўлдиргани билан аҳамиятлидир. Самараси кам қонунлардан кўра, хукуқдаги бўшлиқ жамиятга, давлатга қимматга тушади, чунки бу бўшлиқдан деструктив кучлар дарров фойдаланиб қолади, бошқарув ишларини, институтлардаги субординация алоқаларини ўз қўлларига олишга интилишини сиёсий-тариҳий босқичлар тасдиқлайди.

Тўғри, етарли самара бермайдиган меъёрий-хуқуқий хужжатларни қабул қиласлик, қонун ижодкорлигига “етти ўлчаб бир кес” нақлига амал этиш лозим, агар шундай хужжат қабул қилинган бўлса, уни такомиллаштириш ёки ундан воз кечиши мақсадга мувофиқдир. Учинчидан, меъёрий-хуқуқий хужжатлар, қонунлар ҳали давлатнинг, бошқарувнинг тўла ўзи эмас, балки уларнинг бир томонидир. Шунинг учун ушбу томонни обьектнинг умумий мақсадига мувофиқлаштириш имкони мудом мавжуддир. Асосий мақсадимиз бошқарув институтларининг тўлақонли, самарали ва креатив ишлашидир.

Креативлик ва яратувчанликка қаратилган фаолликни, ижтимоий тараққиёт манфаатларини назарда тутган изланишларни англатади. Бу креативлик бошқарув институтининг тўлақонли ва самарали фаолият олиб бораётганини ифодалайди. Аслида хукуқнинг позитивлиги ҳам кишиларнинг, жамиятнинг тўлақонли, самарали ва креатив яшаётганида намоён бўлади. Буни хукуқшунослар хукуқнинг регулятив функцияси деб баҳолайдилар. Ҳа, хукуқнинг регулятив функцияси давлат ва ҳар қандай институтларга бошқарув механизмларининг оператив ва самарали ишлашига ёрдам беради, буни инкор қилиб бўлмайди. Лекин бошқарув фаолиятининг самарали кечиши фақат хукуқ регулятив функциясининг маҳсули, натижаси

эмас. Ҳатто субординация ҳам хуқуқнинг регулятив аралашиши билан чекланиб қолмайди, унда бошқаришнинг барча воситалари ва механизмлари қатнашади.

Позитив хуқуқ ва унинг бошқарув фаолиятига таъсири устида гап кетганда шахснинг жамият, кишилар, меҳнат жамоаси олдиғаги масъуллиги, бу масъулликнинг ирода, эрк ва қизиқишлиар билан боғлиқлиги алоҳида таъкидланиши зарур. Хуқуқнинг регулятив функцияси шахс масъуллигини белгилашга муҳим эътибор қаратади. Масъулликсиз бошқарув йўқ, шахснинг жамоадаги ўрни унга юқлатилган масъуллик ҳажми орқали белгиланади. Позитив хуқуқ ушбу масъуллик ҳажмини, унинг доираларини ва механизмларини белгилаб беради. Бошқарув ишларида масъуллик ҳажми барчада бир хил, баробар бўлолмайди, кимгadir улар кўпроқ берилади, кимлардир уларнинг амалий ижроси билан шуғулланади. Масъуллик ҳажми қарор қабул қилувчида кенгроқ, кўпроқ бўлади. Бу ҳаётий, табиий ҳол. Шу билан бирга масъулликнинг айрим бир кишиларга тўла берилиши бошқаришни маҳсус хуқуқ (масалан, маъмурий хуқуқ)га тааллуқли воқеликка айлантиради. Демак, позитив хуқуқ масъуллик элементи орқали маҳсус хуқуққа айланади. Мутахассисларнинг таъкидлашича, позитив хуқуқ ижтимоий ҳаётнинг ўзидан келиб чиқадиган, урф-одатлар, ахлоқий императивлар билан белгиланадиган табиий хуқуқдан фарқ қиласди, у маҳсус институтлар ва давлат томонидан ижтимоий зарур ва фойдали норма сифатида қабул қилинади, кишилар ҳаётига, муносабатларига, социумга жорий этилади¹. Шунинг учун мазкур нормативларда, қонунларда маълум бир камчиликлар, такомилини топмаган қоидалар бўлсада, улар жамият томонидан ижобий нарса сифатида қабул қилинади.

Агар жамият, давлат томонидан қабул қилинадиган меъёрий-хукуқий хужжатларни позитив воқелик деб атасак, мазкур хужжатлар келтириб чиқарадиган натижалар ҳам

¹Қаранг: Алексеев С.С. Право: азбука теория философия: Опыт комплексного исследования. -Москва: Статут, 1999. - С. 31-32.

позитив бўлиши даркор. Боис (хужжат, қонун) билан натижа (ютуқ, хулқ-атвор) моҳиятан айнан, яъни ижобий нарсадир. Минг афсуски, реал ҳаётда улар мудом айнан бўлавермайди. Хужжатлар қанчалик позитив аҳамият касб этмасин, уларнинг тўла амал қилишига халақит берадиган объектив ва субъектив тўсиқлар пайдо бўлаверади.

Бирорта қонун тўла-тўқис амал қилган, мутлақ позитив натижаларга олиб келган эмас, бундай хужжат бўлганини жамиятлар билмайди. Агар биз қонунларни, хужжатларни натижаларига қараб баҳолайдиган бўлсақ, боис функцияларини бажарувчи меъёрий-хуқуқий хужжатларга ижтимоий-хуқуқий борлиқ нуқтаи назаридан бир қатор талаблар кўйишимиз зарур бўлади. Чунки бундай хужжатлар шунчаки эрмак учун қабул қилинмайди, улар кишилар ва социум ҳаётидан жой олиши, реал воқеликка айланиши керак. Бу талабларга, бизнинг фикримизча, қуидагиларни киритиш мумкин:

- объективлик;
- долзарблик;
- реаллик;
- зарур механизмлар билан таъминланганлик;
- конструктивлик;
- креативлик;
- ижобийлик;
- узлуксизлик;
- рад этилиш.

Объективлик хуқуқка кўйиладиган бош талабдир. “Хуқуқ анатомияси” (С.С.Алексеев) ушбу талабга қурилади ва унинг хусусиятларига мувофиқ амал қиласди. Шу билан бирга, объективлик хуқуқ таянадиган, барча талабларида ундан келиб чиқадиган, базавий аҳамиятга эга реалликдир. Хуқуқ феноменининг қандай бўлишини, хужжатларнинг қандай ифодада келишини, норматив талабларнинг қандай механизмлар воситасида бажарилишини ана шу реаллик белгилаб беради. Бу реаллик жамият барқарорлиги, давлат

эҳтиёжлари, тараққиёт талаблари, бошқарув хусусиятлари кабилардан иборат. Демак, меъёрий-хуқуқий хужжатлар, қонунлар кимнингдир субъектив хоҳиши, эгоистик иродаси билан қабул қилинмайди, улар юқоридаги талаблар ифодаси сифатида келганидагина керакли натижалар беради.

Шу билан бирга, бу ўринда етакчининг, раҳбарнинг роли масаласи ўртага чиқади. Унинг роли, масъуллиги, етакчилик хусусиятлари қаерга кетади, ҳақиқатан ҳам, унинг фаолияти объективлик талабларига мувофиқ келадими, деган саволлар уйғонади. Жамият, давлат, социумдаги муносабатлар маълум бир барқарор бошқариш тизимларини тақозо этади. Бу тизим бошқариш учун масъулликни ўз зиммасига олган раҳбарсиз, ташкилотчилик салоҳиятига эга етакчисиз бўлиши мумкин эмас¹. Бошқаришдаги зиддиятлар кўпинча жамоа билан етакчи, раҳбар муносабатларига, симпатия ва антипатияларга бориб тақалади. Уларни ҳар доим ҳам меъёрий-хуқуқий хужжатлар билан регуляция килиб бўлмайди, бу ўринда жамиятда амал қиласидиган ва объектив нормаларга айланган ахлоқий императивлар, урфодатлар, бурч ҳақидаги тасаввурлар мухим роль ўйнайди. Хуқуқшунослиқда “табиий хуқук” деб аталадиган ушбу нормалар объективликнинг энг таъсирчан механизмларга эга эканини кўрсатади.

Объективлик кўпинча ижтимоий тараққиёт қонунларининг ифодаси сифатида келади. Бу қонунлар халқ манфаатлари, ижтимоий муносабатлар динамикаси, ишлаб чиқариш кучларининг ривожланиши, турли эҳтиёж ва талабларнинг мажмуаси, ижтимоий онгдаги ўзгаришлар, силжишлар кабиларда намоён бўлади². Объектив хаёт ва субъектив омиллар уйғунлиги, уларнинг ранг-баранг вазиятларда ўзгариб, эврилиб, гоҳо тўхтаб, ҳатто орқага

¹ Каранг: Политическая психология. - Москва: Академ. проект Екатеринбург: Деловая книга, 2003. - С. 406-410.

² Каранг: Ҳайдаров Х. Ислоҳотлар қонунияти. - Тошкент: Ўзбекистон, 2010. - 17-21 б.

қайтиб туриши меъёрий-хуқукий ҳужжатларга таъсир этсада, улардаги барқарорликни йўқ қилолмайди. Конунлар барқарорлиги билан объектив борлиқ талабларига жавоб бера олади, тинмай ўзгарадиган ҳужжатлар жамиятда, ижтимоий муносабатларда бошбошдоқликни, хаосни келтириб чиқаради. Объектив ҳаётда шундай барқарор нарсалар, қадриятлар мавжудки, меъёрий-хуқукий ҳужжатлар уларни хисобга олишга мажбур.

Долзарблик ижтимоий ҳаётнинг динамик хусусиятларидан, борликни ўзгартиришга, такомиллаштиришга бўлган интилишлардан келиб чиқади, жамиятдаги трансформацияга мойиллик, янги-янги нарсаларнинг яратилиши, бошқариш усуслари ва механизмларининг мураккаблашуви каби омиллар уни, яъни долзарбликни зарурят сифатида қабул қилишга ундейди.

Долзарблик ҳаёт кун тартибига қўяётган муаммога муносабат, унинг ечимларини излашдир. Муаммога муносабат субъектнинг фуқаролик позициясини, муаммони тушуниш ва унга ечим топиш қобилиятини ифода этади. Муаммони англаш бошқа, унга креатив муносабат бошқа. Метафизик талқинда муаммога муносабатни субъектив баҳолаш, фикрлаш ва мушоҳадаларга йўйиш мумкин, ушбу имкониятнинг киши миясида, онгига акс этиши мудом нафақат мия тузилишига, шунингдек шахсий ҳаётий тажрибага, бу тажрибани гносеологик синтездан ўтказишига боғлиқ бўлади.

Бу ўринда, бизнинг фикримизча, рус файласуфи И.А.Ильиннинг метафизик мушоҳадаларининг шахсий ҳаётий тажриба билан боғлиқлиги ёки объект билан субъектнинг яқинлиги ҳақидаги фикрларини келтириш мумкин. У ёзади: “Фалсафа ҳақида мулоҳаза юритиш учун у билан яшамоқ зарур; ким фалсафа предмети билан яшай олмас ёки яшашни истамаса, фалсафанинг ўзи ҳақида ҳам, унинг предмети ҳақида ҳам хулоса чиқаришдан ўзини тийиши шарт. Демак, фалсафа, ўз моҳияти бўйича, нафақат

хаётга бегона, балки ўз предмети ва манбаи орқали у билан боғлиқ. Фалсафа қандай англанмасин, у мудом билим бўлади. Аммо билим объект ва субъект ўртасидаги учрашув ёки яқинлик, ёинки, бирикиш шаклида келишидан бошқача бўлиши мумкин эмас”¹.

Гап фалсафанинг шахсий ҳаётий тажриба билан боғлиқлиги устида кетаётган бўлса-да, уни ҳар қандай метафизик, шу жумладан, хукуқ ҳақидаги метафизик мулоҳазаларга ҳам тааллуқли дейиш мумкин. Ҳатто хукуқ ҳақидаги метафизик мушоҳадаларнинг ҳаётий тажриба билан узвий боғлиқлиги илмий фалсафадагидан ҳам кўпроқдир. И.А.Ильин назарда тутган шахсий ҳаётий тажриба фалсафа предметини мудом реал ҳаёт, у кун тартибига қўяётган долзарб муаммолар билан боғлиқлигини мутлақ зарурий шарт қилиб қўяди, бу билан у ҳар қандай спекулятив, спиритуалистик ва трансцендентал ёндашишларга жой қолдирмайди.

Шу тариқа долзарблик предмет ва тажриба билан боғлиқликни ҳар қандай метафизик мушоҳадаларга мажбурий қилиб қўяди. Долзарблик, предмет ва тажриба билан боғлиқ бўлгани учун бирламчидир, хукуқ ҳақидаги метафизик мулоҳазалар эса унинг инъикоси, иккиламчидир. Меъёрий-хукукий хужжатларнинг, нормаларнинг реал ҳаётдан жой олиши уларнинг долзарбликка мувофиқ келиши, долзарб муаммони ечишга йўл топиши билан боғлиқдир. Самарали қонунлар ишлаб чиқмоқчимисиз, уларни долзарб муаммоларга йўналтиринг!

Реаллик долзарблик эмас, аммо долзарблик мудом реаллик билан боғлиқ. Реаллик – жамиятнинг стратегик мақсади, давлат дастурлари, бошқарув институтларининг ўз олдига қўйган вазифалари, шахс интилаётган ва бажаришни мўлжаллаётган режалар кабиларда намоён бўлади. Реаллик мавхумликнинг акси, у мудом аниқ мақсад ва вазифаларга қаратилади. Шунинг учун ҳам файласуфлар реалликни

¹ Ильин И.А. Фалсафа ва ҳаёт // Тафаккур, 2018, №4. - 24 б.

мудом жамиятнинг аниқ мақсадлари, ҳаётининг аниқ кўринишлари, томонлари билан боғлиқ ўрганадилар. Бу реалликни Универсум, Борлик маъносида ташқи обьектларда кўриш мумкин, инсон яратган реаллик эса ижтимоий борлиқдадир. Ҳукуқнинг самара бериши мазкур ижтимоий борлиқнинг эҳтиёжларини қондиришидадир. Агар тадқиқотимиз мақсадидан келиб чиқсан, бошқарув институтларининг фаолияти:

- 1) меҳнат жамоасини буюртмачиларнинг қизиқиш ва эҳтиёжларини тўла қондириш учун уюштириш, йўналтириш ва ташкил этиш;
- 2) ички резервлар ва инвестициялардан унумли фойдаланган ҳолда хизмат доирасини кенгайтириш;
- 3) бошқарув механизмларини такомиллаштириб бориш;
- 4) бозор конъюктурасини ўрганиб, фаолият йўналишларини унга мувофиқлаштириш;
- 5) фаолиятни қайта қуриш, янгилашга тайёр туриш ва бошқалар¹ ҳамда уларнинг ҳуқуқий механизmlар билан таъминланганлигига боғлиқдир. Бу ўриндаги реаллик бошқарув институтининг буюртмачилар эҳтиёжига хизмат қилишидадир. Мазкур эҳтиёж бошқарув институти фаолиятининг барча томонларига таъсир этади, ҳатто уни ўз фаолияти турини мутлақ ўзгартиришга ёки ундан воз кечишга олиб келиши мумкин. Банкротлик борасида амал қиласидиган меъёрий-хуқуқий ҳужжатлар бунга имкон беради ва ахоли эҳтиёжларига жавоб бермайдиган, самарасиз ишлаётган корхоналарни беркитишга ундейди. Реалликнинг ижтимоий борлик билан боғлиқлиги бошқарув институтлари фаолиятини ўз манфаатлари билан жамият манфаатлари ўртасида мутаносиблик бўлишини шарт қилиб қўяди. Кейинги йилларда “корпоратив эгоизм” кенг тарқалмоқда, бу

¹ Қаранг: Менежмент асослари.–Тошкент: Иқтисод-Молия, 1999; Абдукаримов И.Т.Молиявий хисоботни ўқиш ва таҳлил қилиш йўллари.–Тошкент: Иқтисодиёт ва хукуқ дунёси, 1998; Бошқарув таҳлили. Ўқув қўлланма. М.К.Пардаев, А.Х.Шоалимов, И.Р.Пардаев, Ж.И.Истроилов; М.К.Пардаев таҳрири остида.–Тошкент: Иқтисодиёт ва хукуқ дунёси, 2005.

хол бошқарув институти фаолияти билан аҳоли эҳтиёжлари ўртасида номувофиқликларни, ҳатто меҳнат шартномасига оид низоларни келтириб чиқармоқда¹. Бу ўринда реаллик-меҳнат шартномасига оид низоларда. Меъёрий – хукукий хужжатлар мазкур низоларни прогноз қилиш ва рационал ҳал этиш имкониятларини яратиб беради. Шундай имконият беролмайдиган, яъни низоларни ҳал этолмайдиган қонунлар тўлдирилишни, янгиланишни тақозо этади. Бу вазифани бошқарув институтлари ҳал қиласи. Шу нуқтаи назардан, бошқарув мудом реалликни бошқариш, реалликдан келиб чиқиб бошқаришдир, дейиш мумкин.

Меъёрий-хукукий хужжатлар ижтимоий ҳаётга, бошқарув институтлари фаолиятига ва мақсадга этиш жараёнларида қўлланиладиган усулларга таъсир этиш кучига эга. Бундай таъсир этиш механизmlарига қарор, буйруқ, рағбатлантириш, ҳайфсан эълон қилиш, вазифадан четлаштириш, имтиёзлардан маҳрум қилиш, жазолаш кабилар киради. Хукуқ шундай механизmlардан фойдаланиш имконини беради, аммо у улардан фойдаланишда ўзбошимчаликка, вазифасини сустеъмол қилишга олиб келмаслиги зарур. Масалан, ҳар қандай хато ёки меҳнат интизомини бузиш ходимга вазифасидан четлатишни ёки жазога тортишни қўллашга асос бўлолмайди.

Бошқарув ишлари мураккаб, ички зиддиятларга тўла, гоҳо прогнозлаш қийин фаолият турлариданdir. У мудом хукукий механизmlар билангина олиб борилавермайди². Маънавий-ахлоқий ва психологик омилларга таянмай, бирор бошқарув иши йўлга қўйилган эмас. Демак, бошқарувда бир-бирига диалектик боғлиқ, бир-бирини тўлдириб келадиган икки омиллардан, механизmlардан фойдаланилади:

¹ Қаранг: Рўзиев Р. Мехнат шартномалари.-Тошкент: Фалсафа ва хукуқ институти нашр., 2009. 4-6 б.

² Қаранг: Крамник В.В. Социально психологический механизм политической власти.–Ленинград, ЛГУ, 1991; Московичи С. Машина, творящая богов.–Москва: Лидер М., 1998; Блондель Ж. Политическое лидерство. Путь к всеобъемлющему анализу.–Москва: Рипор, 1992.

биринчиси–ташкилий ҳуқуқий (маъмурий-ҳуқуқий), иккинчиси–маънавий-ахлоқий (ижтимоий психологик).

Бугун ҳуқуқ феноменига катта эътибор берилаётганида унинг имкониятларидан тўла фойдаланишга даъватлар янграши табиий ҳолдир. Демократик ҳуқуқий давлат икки феноменга, яъни демократик қадриятларга ва ҳуқуққа таянади. Демократия плюрализмга, ҳуқуқ унификациялашувга ургу беради. Плюрализм ва унификациялашув туб моҳиятига кўра икки, қарама-қарши кутбдир. Ҳуқуқда ранг-барангликни бир норматив меъёrlарга, тартибга бўйсунтириб, ҳаётни унификациялаштириш хавфи мажуд. Ундаги жазолаш имкони бу унификациялаштиришни зўрлаб жамиятга сингдириши мумкин. Демократия эса унификациялаштиришни ёқтирмайди, у ранг-барангликни, плюрализмни кўллаб-кувватлади.

Аммо улар демократия ёки демократик бошқарув билан ҳуқуқ ёки ҳуқуқий бошқарув ўртасидаги тафовутларни, зиддиятларни тўла-тўқис ҳал этолмайди. Мазкур муаммо ҳар бир ижтимоий-тариҳий босқичда янги-янги кўринишида, жиҳатларда пайдо бўлаверади. Демак, биз демократиянинг плюрализми билан ҳуқуқнинг унификациялаштиришга интилиши ўртасида яшашга мажбурмиз. Ижтимоий тараққиёт ва бошқарув фаолияти эса уларни мутаносиблаштиришни, уйғунлаштиришни тақозо этади.

Яна бир муаммо шундаки, биз ҳали демократия шароитида ҳам, ҳуқуқий қадриятлар тўла амал қиласидиган жамиядда ҳам яшашга ўрганганимиз йўқ, шунинг учун бу ижтимоий-тариҳий босқични мутахассислар “ўтиш даври” деб аташади. Ривожланаётган давлатларда шаклланаётган демократия ва ҳуқуқий қадриятлар кўрсатадики, уларда яшаётган аҳоли этноэгоизмга берилиши, ўзининг тариҳий меросини модернизацияга қарши кўйиши мумкин. Анъаналарни улуғлаб яшаш, ўзини бошқа миллатлар ва этнослардан фарқлашга берилиш, диний меросни ягона халоскор омил билиш баъзан диний экстремизмни келтириб

чиқараётгани кузатилади¹. Шунинг учун ҳуқуқ ва бошқариш фақат прагматик мақсадларни назарда тутмайди, у ижтимоий тараққиёт учун зарур бўлган имкониятларни, резервларни ҳаракатга ҳам келтириши, деструктив ҳодисаларнинг вужудга келиши боисларини эса бартараф этиши ҳам керак. Бу ўринда ҳуқуқ ва бошқарув феноменларининг яна бир позитив томони намоён бўлади.

“Конструктивлик” тушунчаси қисмларни умумий талабларга мувофиқ бир-бирларига яқинлаштириш, боғлаш, улар ўртасидаги алоқаларни йўлга қўйиш, мустаҳкамлаш маъноларини беради. Агар унга ҳуқуқ ва бошқариш феноменлари нуқтаи назаридан ёндашсак, субъектнинг обьектларни бирлаштиришга, улар ўртасидаги алоқаларни маълум бир тизимга солиб, умумий мақсадга йўналтиришдаги фаолиятидир, десак бўлади. Бироқ муаммолар шундаки, бу обьектлар (қисмлар)нинг ҳам ўз мақсадлари ва вазифалари, функционал талаблари мавжуд. Конструктив фаолият дуч келадиган муаммолар асосан ушбу ўзига хосликларни бир-бирларига яқинлаштириш билан боғлиқдир. Масалан, пойабзал ишлаб чиқарадиган корхонанинг функционал талаблари ишчи-хизматчилардан пойабзаллар сифатини ва кўпроқ ишлаб чиқаришини таъминлашдан иборат. Мазкур корхона ўзининг институциянал хусусиятларига мувофиқ факат пойабзал ишлаб чиқаришни йўлга қўйиши ва бу йўналишдаги вазифаларини адo этиши учун зарур бўлган ташкилий ишларни амалга ошириши лозим.

Бошқа бир бошқарув институти, масалан, туман ҳокимлиги ва унга қўйиладиган функционал талаблар эса моҳиятига кўра ҳам, мақсади ва вазифаларига кўра ҳам мутлақ бошқачароқдир. Вилоят ҳокимлиги, Республика вазирликлари, Вазирлар Маҳкамасига қўйиладиган

¹Қаранг: Волкогонова О., Титаренко И. Этническая идентификация и искушение национализмом // Хрестоматия. Под общ. ред. А.Е.Тараса. – Минск: Харвест, 2003. - С. 337-366.

функционал талаблар эса янада бошқача, кенг ва мураккаб. Мазкур субординация принципларига амал қиласидан институтлар жамиятнинг бутунлиги, яхлитлиги, бир организмдек мавжудлигини мустаҳкамлади, ушбу мавжудликнинг таркибий қисми сифатида ҳаракат қиласиди. Ҳуқуқ ва бошқарув тизими уларнинг фаолиятини конструктивлик талабларига мувофиқ ташкил этади, ўрни келганида ҳуқуқнинг мажбурлаш кучидан ва бошқа механизмларидан фойдаланади. Меъёрий-хуқуқий хужжатлар, бошқарув фаолияти конструктивлик талабларига таянганида қисмлар ўртасидаги алоқаларни янада мустаҳкамлашни, умуммақсадга йўналтиришни, улар имкониятларини ижтимоий амалий натижаларга қаратишни назарда тутади. Конструктив бўлмаган қарор, қонун умуммақсадга зид, деструктив ҳолларнинг келиб чиқишига сабаб бўлиши мумкин.

Ҳуқуқ ва бошқарувда конструктивлик қанчалик кучли ва кўп бўлса, улар ижтимоий-хуқуқий борлиқни шунчалик барқарор қиласиди. Конструктивлик кам ёки умуман йўқ, мавхум ва мужмал меъёрий-хуқуқий хужжатлар керакли натижа бермайди, фаолиятни бесамар, бенаф қиласиди.

Креативлик яратиш, куриш, барпо этиш демакдир. Ҳуқуқ феномени яратувчанлиги билан эъзозли. Унинг ўзи яратувчанлик маҳсули, шунинг учун яратувчанлик унинг бош белгиси, имманент хусусиятидир. Ҳуқуқшуносликда ишлатиладиган “қонун ижодкорлиги” атамаси ҳуқуқ феноменининг яратувчанликдан униб чиққанини билдиради. Меъёрий-хуқуқий хужжатлар, норматив талаблар аввал ижтимоий-хуқуқий борлиқнинг у ёки бу ҳуқуқий эҳтиёжларини ўрганади, кейин уларни қондиришга қаратилган актларни ишлаб чиқади, қабул қиласиди. Маълум бир нормаларга таянмайдиган, ҳуқуқ феномени таъсиридан мутлақ ҳоли ижтимоий макон, ижтимоий борлик йўқ.

Қонун ижодкорлиги мавжуд нормаларга таянади ва уларни такомиллаштириш, модернизациялаш зарурлигини

англагач янги тартиблар яратишига киришади. Мутахассисларнинг таъкидлашича, қонун ижодкорлиги мураккаб иш, у унга таёргарлик кўришдан, ижтимоий-хукуқий борлиқ эҳтиёжларини, қизиқишларини ўрганишдан тортиб янги хужжатни эксперталар, умумхалқ муҳокамасига олиб чиқиб, қайтадан ишлаб чиқишгача бўлган жараёнларни ўз ичига олади. Шунинг учун ҳам янги қонунлар тайёрлаш ва қабул қилиш кўп вақтни олади¹.

Меъёрий-хукуқий хужжатлар кишиларни, жамиятни яратувчиликка ундаши билан қимматлидир. Уларнинг ижтимоий аксиологик қиммати жамиятни яхши яшашга, янгиликлар излашга, барпо этишга ундаганида, бу борада давлат имкониятларини ишга солганида, яратувчиларнинг хукуқ ва эркинликларини ҳимоя қилгани ва таъминлаганидадир. Айнан креативлиги туфайли кишилар қонун кучига ишонади, давлат ва социумдан мадад кутади, ўзининг ижодий маҳсулотларини эркин сотиш, тижоратлаш ва кўпайтиришга интилади. Бироқ креативлик навбатдаги креативликни шакллантириши, креативликка ундаши керак. Меъёрий-хукуқий хужжатларнинг яратувчан хусусиятга эга бўлиши қанчалик мухим ва долзарб бўлмасин, улар субъектларни ижодий фаолликка ундаши, ижтимоий тараққиётга етакловчи янгиликларни яратишига чорлаши билан зарур. Бу қонун ижодкорлигининг пировард натижаси хисобланади.

Бошқарув институтлари фаолиятида креативлик дарров сезилавермайди, гоҳо улар бир хил вазифаларни адо этаётгандек, ҳеч олға силжимайдиган ишлар билан банддек туюлади. Аслида икки-уч кишидан иборат жамоани бошқариш ҳам креативликка етарли мисоллар бера олади. Ушбу жамоани меҳнат интизомига мувофиқ фаолиятини ташкил этиш, кундалик иш режаларини тузиш, ишлаб

¹Қаранг: Законотворчество: проблемы и решения. – Москва: Юристъ, 1998; Одилқориев Х., Якубов Ш. Миллий хукуқий тизим ва хукуқий қадриятлар. Монография. – Тошкент: SMI ASIA. 2010.

чиқариш жараёнларидаги узлуксизликни таъминлаш, маҳсулот таъминоти билан шуғулланиш, тайёр маҳсулотларни бозорларга олиб чиқиш, уларни тез сотишни ўюштириш, келган даромадларни ёки зарарларни ҳисобкитоб қилиш кабилар мудом ижодий ишдир. Бу ишлар жараёнида кишилар билан ранг-баранг муносабатларга киришилади, қандайдир таклифни қабул қилишга, қайси биридандир воз кечишга тўғри келади.

Вазиятлар ва имкониятларнинг бетакрорлиги нуқтаи назаридан бошқарув мудом ижодий жараёндир. Ҳукуқ феноменининг реал воқеликка айланиш шарти ушбу ижодий жараёnlарни ҳисобга олганидадир.

Меъёрий-хукукий хужжатлар ижтимоий ижобий характерга, моҳиятга эга. Тақиқлаш, жазолаш уларни самарали қиласвермайди. Тақиқлаш ва жазолаш ҳам кишиларда, жамиятда ижобий фазилатларни шакллантиришга қаратилиши шарт, акс ҳолда “хукуқ волюнтаризми” юзага келади. Нима жамият учун, ижтимоий тараққиёт учун фойдали бўлса, нималар инсон манфаатлари ва камолотига хизмат қилса, ўша нарсалар ижобийдир. Шунинг учун ижобийликни расмий хужжатлар эмас, балки жамият ва инсон тараққиёти манфаатлари белгилайди.

Биз меъёрий-хукукий хужжатларни, норматив актларни баҳолаётганда ушбу талабларга таянишимиз, нима уларга зид бўлса, рад этишимиз зарур. Тўғри, маълум бир хужжатлар, норматив актлар айрим гурухларнинг корпоратив қизиқишлирага зид келиши мумкин. Масалан, кичик тадбиркорларни қўллаб-қуввалашга қаратилган қонунлар монополияга интилувчи гурухлар манфаатларига қарши чиқади, меҳнат жамоаларига корпоратив бошқаришни жорий этиш эса автократик-волюнтаристик бошқарувни ғайриқонуний ҳолга айлантиради. Демак, қонунларда мудом маълум бир фаолият турларини тақиқлаш, улардан воз кечишга мажбурлаш элементлари мавжуд бўлади. Аммо бу тақиқлар ижобий ҳодисаларга, фазилатларга катта йўл очиб

бериш, зарур бўлганида уларга давлат томонидан ёрдам бериш учун қилинади. Аслида қонунларнинг позитив воқелиги ҳам шундадир.

Меъёрий-хукуқий ҳужжатлар, норматив актлар узлуксизликни тақозо этади. Узлуксизлик деганда биз қонун ижодкорлигининг мудом изланишда, мудом такомиллаштириш ва жамият тараққиёти кун тартибига қўяётган муаммоларга ечимлар излашини назарда тутамиз. Ижтимоий ҳаёт динамикаси хукуқ феноменини ҳам, бошқарувни ҳам узлуксиз жараёнларга айлантиради. Демак, хукуқ ва бошқарув ижтимоий ҳаётдаги трансформацияларга муносабат тарзида мавжудdir. Бу трансформациялар жамиятдаги кучларнинг янада олға силжишга, ривожланишга бўлган интилишларининг ифодаси сифатида келади. Шундай кучлари йўқ жамият (бундай ижтимоий борлик бўлишини тасаввур қилиш қийин) охир-оқибатда турғунликка, стагнацияга учрайди. Демак, хукуқий ҳаётдаги узлуксизликни шакллантирувчи ва таъминловчи кучлар қанчалик фаол бўлса, креатив изланишларни қўллаб-куватласа, узлуксизлик шунчалик изчил ва кенг давом этади.

Узлуксизлик қонун ижодкорлигининг ички, имманент белгиси ҳам ҳисобланади. Меъёрий-хукуқий ҳужжатлар ё миллий ёки умуминсоний тажрибаларга асосланиб ишлаб чиқилади ва қабул қилинади. Бу моҳиятан қонунчиликдаги узлуксизликдир.

Бошқарув институтлари фаолиятида ҳам узлуксизлик мавжуд. Ҳеч бир бошқарув институти режалаштириш, назорат, ҳисоб-китоб, коллегиалликдан воз кечган эмас, балки ҳозирги демократик ўзгаришлар уларни шарт қилиб қўймоқда. Аслида уларнинг генезиси инсоният тарихининг қадимги даврларига бориб тақалади.

Хукуқ феномени узлуксизликни синхроник, мутлақ тадрижий воқелик сифатида тушунмайди, у мавжуд тартибларни тубдан ўзгаришишга ҳам мойил. Ундаги

янгиланиш, модернизация баъзан нигилизм бўлиб кўриниши мумкин. Миллий ҳуқуқий тизимдаги янгиланиш ўзига нисбатан узлуксиз бўлмаслиги ҳам мумкин, аммо у халқаро ҳуқуқий нормаларга таяниши, имплементация нуқтаи назаридан узлуксиздир. Масалан, АҚШнинг мустақиллик декларацияси (1776 йил 4 июль) миллий ҳуқуқий тажрибада йўқ эди, унинг узлуксизлигини (имплементация илдизини) XVII-XVIII асрлардаги Европадаги инқилоблардан излаш мумкин. Демак, узлуксизлик миллий ҳуқуқий тизимда бўлмаса, унинг илдизини ташки қонунларни ўзлаштириш, имплементациядан топиш мумкин.

Узлуксизлик – ижтимоий-ҳуқуқий борлиқقا хос перманент ҳодиса. Ҳеч бир миллий ҳуқуқий тизим ёки меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар догма ҳолида қотиб қолмайди, улар ижтимоий тараққиёт таъсирида такомиллашади, гоҳо мутлақ ўзгаради.

Меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар, қонунлар ва бошқарув усуслари жамият томонидан рад этилиши мумкин. Масалан, совет ҳуқуқи, унинг асосий фундаментал ғоялари мужассам қонунлари (СССР Конституцияси, хусусий мулкни тақиқловчи нормалар, КПСС роли мустаҳкамлашга қаратилган моддалар, қарорлар) бозор иқтисодиётига ўтиш билан рад этилди. Бундан ташқари, юридик адабиётларни ва расмий ахборотномаларни кузатиб бораётган киши қонунларга тинмай ўзгартиришлар киритилаётганига гувоҳ бўлади. Баъзи моддалар эса мутлақ янгиланганини, яъни эски матнагиси рад этилганини кўради. Бу жараённи инкор қонуни билан изоҳлаш мумкин.

Ҳуқуқ феномени юриспруденция нуқтаи назаридан локал, ўзи ўзи учун мавжуд воқелик сифатида қаралиши мумкин, лекин бундай ёндашиш ҳам мутлақ тўғри эмас. Ҳуқуқ мудом ижтимоий борлиқ, шахс ва давлат, инсон ва жамият, кишилараро муносабатлар, бу муносабатларни йўлга қўйиш, бошқариш институтларини ташкил этиш, ишчи-хизматчиларни рафбатлантириш ёки жазолаш

механизмларини яратиш, ишлаб чиқиши билан боғлиқдир. Ижтимоий-фалсафий нүктаи назардан қараганда у социумнинг таркибий қисми, атрибути. Бошқарув ишлари, фаолияти ҳуқуқ феноменисиз, ҳуқуқ механизмларисиз бўлиши мумкин эмас, замонавий жамиятлардаги барча бошқарув ишлари, тартиблар, кишилараро муносабатлар, инсоннинг ўз иродаси ва эркини намоён этиши унга боғлиқдир. Тўғри, ҳуқуқ феномени қанчалик етук ижтимоий-ҳуқуқий борликни шакллантирмасин, у инсон ва жамият хаётининг барча қирраларини қамраб ололмайди, бунга даъвогар ҳам эмас.

Бизни ҳуқуқ феноменининг бошқарув институтлари фаолитига позитив таъсири, бу таъсирга эришишда юзага келаётган тўсиқлар, муаммолар ва уларнинг ечимлари қизиқтиради. Шунинг учун биз диққатимизни ҳуқуқ феноменининг ўзига, унинг имманент хусусиятлари ва функционал вазифаларига эмас (бу ҳуқуқий маданият назарияси предметининг тадқиқот обьектидир), балки унинг бошқарув институтлари фаолиятини самарадорлаштириш имкониятларини аниқлашга, топишга ва шу аснода мавжуд муаммолар ечимини топишга қаратамиз.

Ҳуқуқ феномени, фалсафий талқинига кўра, ижтимоий-ҳуқуқий борликнинг расмий норматив хужжатлардаги ифодаси бўлиб, мазкур борлиқдаги ижтимоий муносабатларни, инсон эрки ва иродасини, уларни рўёбга чиқариш механизmlари тўпламидир. Уни давлат ва маҳсус институтлар ишлаб чиқса ва қабул қилса-да, у ижтимоий тараққиёт манфаатларига қаратилгани учун, кишиларда ижобий тажрибалар, қарашлар, қадриятлар ва фазилатларни шакллантиргани учун мудом позитив воқеликдир. Ундаги конструктивлик, креативлик ва ижобийлик устувор хусусиятлар ҳисобланади, у бошқарув фаолиятини умумманфаатлар билан уйгунаштиргани, субъектлар хатти-харакатларини рационал ташкил этгани учун ҳам қадрлидир.

1.2. Бошқарув фаолияти ва ҳуқуқий маданиятнинг ижтимоий ва аксиологик моҳияти

Ҳуқуқий маданият ва бошқарув фаолияти бир-бирига диалектик боғлиқ, аммо алоҳида қаралиши мумкин, косубстанционал воқеликлардир. Ҳуқуқий саводхонлик ижтимоий-ҳуқуқий борлиқка, ҳуқуқий ҳодисаларга шахснинг, жамиятнинг маҳсус, ҳуқуқий билимларга, ҳуқуқий хабардорликка, ҳуқуқий ахборотларга асосланган муносабатларининг ифодасидир. Бошқарув фаолияти кишилар фаолияти ва хатти-ҳаракатларини маълум бир мақсадга йўналтириш учун қўлланиладиган ташкилий, социопсихологик ва педагогик таъсир усуллари ҳисобланади. Уларнинг ижтимоий аксиологик (социоаксиологик) қадриятлар тизимидағи ўрнини очиб беришдан аввал косубстанционал хусусиятлари ҳақида тўхталиб ўтиш даркор.

Ҳуқуқий маданият икки тушунча “ҳуқуқ” ва “маданият” дан иборат бўлиб, унинг ядросини, ўзагини ҳуқуқ ташкил этади. Илм-фанда И.Кантнинг ҳуқуқ феноменига берган таърифи кенг тарқалган. Файласуф “ҳуқуқ нима” деган саволни қўяди ва унга қуйидагича таъриф беради: “Ҳуқуқ, деб ёзади Кант, бир шахс ўзбошимчалигининг бошқа бир шахс ўзбошимчалиги билан умумий эркинлик қонуни нуқтаи назаридан таққослаш мумкин бўлган шарт-шароитлар йигиндиси (мажмуаси)дир”¹.

Шу билан бирга, Кант ҳуқуқнинг социоаксиологик жиҳатларини ҳам кўрсатиб ўтади. Улар ҳуқуқнинг: “биринчидан, шахслар ўртасидаги амалий муносабатларга тааллуқли, чунки уларнинг хатти-ҳаракатлари (бевосита ёки билвосита) бир-бирларига таъсир этиши мумкин. Иккинчидан, ҳуқуқ тушунчаси шахснинг истакларига (демак,

¹Қаранг: Кант И. Сочинения в шести томах. Т.4. Часть 2.–Москва: Мысль, 1965. - С. 139.

соф эҳтиёжга) ўзбошимчаликнинг, эзгу амаллар ва қаҳрли хатти-харакатларда учраб турганидек, муносабати эмас, балки фақат бошқа шахснинг ўзбошимчаликка муносабатидир. Учинчидан, мазкур ўзаро ўзбошимчаликларда ўзбошимчаликнинг ҳатто материяси ҳам ҳисобга олинмайди. Масалан, объектга нисбатан мақсадига эргашадиган ҳар ким, мен сотаётган нарсадан у фойда олиши мумкинми ёки йўқ деган саволни ўз олдига қўймайди. Масала икки томон ўзбошимчалиги шакллари ҳақидадир, чунки улар мутлақ эрклиқ, ҳамда ушбу эркинлик бошқанинг эркинлигига, умумий қонунга мувофиқми деган тарзда қўйилади”.

Демак, гап ҳуқуқнинг бир томонлама англаниши устида эмас, балки бошқа “Мен”, яъни “умумий қонун” билан диалектик боғлиқлиқда қарашни тақозо этади. Бир шахснинг ҳуқуқи бошқа шахснинг ҳуқуқи билан таққосланиши, улар ўртасидаги меъёрий муносабатлар сифатида қаралиши зарур. Бу ўз навбатида, ҳуқуқни биринчидан, бошқанинг ҳуқуқи билан қарашни, иккинчидан, умумий қонунга мувофиқлигини ҳисобга олишга ундейди. Ҳуқуқ фақат бир шахсга тааллуқли воқелик эмас, у барчага, умумга тааллуқлидир. Шахснинг ҳуқуқи мана шу умум ичида, у билан мунтазам муносабатда намоён бўлади.

Шунинг учун И.Кант ушбу қоидадан ҳуқуқнинг умумбутун принципини келтириб чиқаради. Бу принцип куйидагича: “Кишининг эркин ўзбошимчалиги бошқанинг эрки билан, умумбутун қонунга мувофиқ бўлса, ҳар қандай хатти-харакат тўғридир”. И.Кантнинг фалсафий-ҳуқуқий меросини маҳсус тадқиқ этган академик А.Х.Сайдов ёзади: файласуф назарда тутган ҳуқуқ ва унинг социоаксиологик қадрлилиги: “биринчидан, шахс хусусий мулки ва шахсий ҳуқуқларининг кафолатланган мақоми; иккинчидан, жамият аъзоларининг қонун олдидага тенглиги; учинчидан, низоларнинг суд йўли билан ҳал этилиши; тўртинчидан,

мажбурий суръатда амалга ошириладиган қонунларнинг мавжудлиги”¹ дадир.

Шу тариқа И.Кант “хуқуқ инсонларнинг ўзаро бирга яшаси, мавжудлигининг ташқи муҳитига, жамиятда бир бирига алоқадор бўлган турли-туман шахсларнинг эркин иродаси ва ўзбошимчалигининг ўзаро чегараланиши ва таққосланишига дахлдор, деб ҳисоблаган”². Мазкур таъриф кенг қабул қилинганд. Ҳуқуқий маданият ушбу фундаментал аҳамиятга эга таърифдан келиб чиқади ва уни маҳсус сайд-харакатлар, билимлар, тарғиботлар орқали англашни билдиради.

Ҳакиқатан ҳам, ҳуқуқий билим, ҳуқуқий маданият ижтимоий аксиологик моҳиятига кўра, ҳуқуқий маданиятга оид ҳодиса. Пировард натижада улар ҳуқуқий маданият билан ўлчанади. “Кенг фалсафий маънода айтганда, – деб ёзади юридик фанлари доктори, профессор Ҳ.Б.Бобоев, – одам ўз эркини бошқа одам эркидан фарқлаган, бошқа одамлар ижтимоий муносабатларга киришган ва бу муносабатларнинг маълум бир юридик қонунларига қурилиши зарурлигини ёки қурилганини англашган заҳоти, унинг ҳуқуқий маданияти намоён бўлади.

Ҳуқуқда нормал тенг ҳуқуқлилик, яъни ҳуқуқий нормалар, қонунлар асосий ўринда туради. Маданиятда эса бойликлар – яратиш. Шунинг учун жамиятнинг ҳуқуқий маданияти унинг ҳуқуқий бойликларида акс этади, бу бойликларнинг давр талаби ва эҳтиёжларига мос келиши жамият ҳуқуқий маданият даражасини билдиради”³. Ҳуқуқшунос ҳуқуқий билимни алоҳида ижтимоий-ҳуқуқий воқелик сифатида тадқиқ этмайди, аммо уни ҳуқуқий

¹ Қаранг: Сайдов А. Иммануил Кантнинг фалсафий-ҳуқуқий мероси ва замонавий юриспруденция. З- нашри. – Тошкент: Инсон ҳуқувлари бўйича Ўзбекистон Республикаси миллий маркази, 2012. – 63 б.

² Қаранг: Кант И. Сочинения в шести томах. Т.4. Часть 2. – Москва: Мысль, 1965. – С. 64.

³ Қаранг: Бобоев Ҳ. ва бошқалар. Маданиятшунослик. –Тошкент: Янги аср авлоди, 2001. - 178 б.

маданиятнинг мухим қисми тарзида қайд этиб ўтади. Шунга яқин ёндашувни биз хуқуқшунослар У.Тожихонов ва А.Саидов китобларида ҳам учратамиз. Масалан, улар “Хуқуқ маданияти назарияси” дарслигига хуқуқий билимнинг кенг тизимга кириши, унинг хуқуқий онг ва жамиятдаги хуқуқий маданият билан боғлиқлигини таъкидлайдилар¹.

Баъзи тадқиқотчиларнинг фикрига кўра, “халқ, аҳоли, кишилар турли қатламлардан иборат, уларнинг барчаси бир хил тасаввур ва билимларга эга эмас, хуқуқ ҳақида маҳсус билимларга, тажрибаларга эга қатлам (уларга зиёлилар, хуқуқшунос олимлар, юридик институтлар ва уларнинг ходимлари, суд-хуқуқ тизими мутахассислари, ички ишлар идоралари, уларда фаолият олиб бораётган ходимлар ва бошқалар киради) қолган аҳоли қатламларида юридик билим, хуқуққа оид тасаввур ва хулқ-атвор нормалари ҳақида кўнікмалар шакллантириши мумкин. Айнан шу нуқтаи назардан қараганда, жамият, халқ, аҳоли, кишилар хуқуқий маданиятнинг ҳам субъектлари, ҳам обьектлариdir.

“Аксиологиянинг ҳар қандай изчил концепцияси (А.Саидов фикрига кўра, бундай концепциянинг асосчиси И.Кант ҳисобланади), жумладан, юридик аксиология ҳам қадриятлар ва баҳоланаётган воқеа, далил, асос (ҳодиса, обьект, муносабатлар ва ҳоказо)ни қадриятларнинг тегишли иерархияси ва тизими унинг қиймат жиҳатидан мазмун-моҳияти ва аҳамияти нуқтаи назаридан фарқлаш ва аниқлашни кўзда тутади. Бунда қадрият уни эмпирик мавжудот, ҳақиқатга мувофиқлик соҳасидан ажратишида (албатта, Кантча тафовут тарзи шарт эмас) мақсадлар, маъно-мазмун, аҳамият, бўлиши лозимлик, мукаррарлик, нормативлик, расмий тартиб қоида ва ҳоказолар соҳасига тааллуклидир.

Шу хилдаги фарқлаш нафақат (лозимликни мавжудлиқдан, қадриятлар дунёсини ҳодиса ва ҳоказолар

¹ Қаранг: Тожихонов У., Саидов А. Хуқуқий маданият назарияси. II том. – Тошкент: ЎзР ИИВ Академияси, 1998. 57-59 б.

оламидан ажратишининг энг сўнгги шаклидаги) Кантча ёндашувга, балки тўғридан-тўғри қарама-қарши, объектив идеалистик дунёқарашга ҳам хос (Афлотундан тортиб, то Хегел ва уларнинг замонавий издошларига қадар), унга кўра, борлиқ бойлик(яъни қадриятлар)дир, бироқ борлиқ деганда эмпирик воқеийлик эмас, балки чин, ҳақиқий мавжудлик, яъни борлиқ ғояси, мазмун-моҳияти, муқаррарлик, бинобарин, қиймат жиҳатидан аҳамиятлилик кўринишидаги мавжудлик тушунилади¹. Демак, соционормативлик ва социоаксиологик моҳият мазмунига кўра, бир бирига яқин воқеликлар, уларнинг яқинлиги маълум бир қийматга эга эканлигидадир.

Ҳуқуқий маданият ва бошқарув ижтимоий-тариҳий тараққиёт жараёнида эъзозланадиган қадриятлар сифатида шаклланган. Уларнинг социоаксиологик воқеликлар экани исбот талаб этмайдиган аксиомадир. Уларнинг негизи, сустанционал асоси – давлат ва жамият, уларнинг бутун организм сифатида яшави талабидир. Айнан ушбу талаб кишиларни бошқарув институтларига ишончини шакллантирган, эркин шахс, субъект сифатида ижтимоий муносабатларга киришиб яшашига имкон берган.

Хўш, ҳуқуқий маданиятнинг имманент хусусиятлари ва бошқарув фаолиятидаги ўрни нималарда акс этади? Уларнинг социоаксиологик тизимдаги киммати қандай, нималар билан ўлчанади? Қадриятларнинг эътирофи эмас, балки И.Кант назарда тутган “амалий тажриба”, эмпирик киммати мухим бўлса, бу тажриба ва кимматга қандай, нималар воситаларида эришилади? Мазкур саволлар, аввало, илмий методологик аҳамиятга эга. Уларни шу пайтгача на ҳуқуқшунослик, на ҳуқуқ фалсафаси кун тартибига қўйган. Шуни тан олишимиз зарурки, юқоридаги саволларга жавоб

¹Сайдов А. Х. Иммануил Кантнинг фалсафий-ҳуқуқий мероси ва замонавий юриспруденция. З-нашри. –Тошкент: Инсон ҳукуклари бўйича Ўзбекистон Республикаси миллӣ маркази, 2012. 69-70 б.

топиш осон эмас, топилган жавоблар ҳам турли эътиrozлар уйғотиши, ҳатто танқидга учраши мумкин.

Шундай бўлса-да, биз уларни излашга уриниб кўришимиз, бу борадаги қарашларимизни тартибга солиб, тизимлаштириб, ранг-баранг воқеликларни эса социоаксиологик нуқтаи назардан гурӯхлаштириб, илмий муаммоларга аниқлик киритишимиз зарур. Шунинг учун биз хуқуқий маданият ва бошқарув фаолиятига оид имманент хусусиятларни маълум бир социоаксиологик негизларда қарашимиз лозим бўлади. Ушбу социоаксиологик негизларни биз:

- ижтимоий-хуқуқий борлик;
- демократик хуқуқий давлат;
- инсон хуқуқлари;
- бошқарув институтлари;
- иерархия ва координация;
- конституционализм;
- лидерлик ва масъуллик кабиларда деб биламиз.

Шуни алоҳида таъкидлашимиз зарурки, хуқуқий маданият ва бошқарув фаолияти фақат ижтимоий қадриятлар сифатида эъзозланганида, ушбу қадриятлар сифатида кишилар ва жамият ҳаётига таъсир этганида эътиборлидир. Улар мудом социоаксиологик борлик қўйнидадир, маълум бир ижтимоий қадрият сифатида ижтимоий онгга ва кишилар хатти-ҳаракатларига, институтлар фаолиятига таъсир ўтказади. Юқоридаги негизлар социоаксиологик борлиқдаги обьектлар ва механизmlардир. Улар мазкур борлиқда бўла туриб хуқуқ ва бошқарув фаолияти учун негиз, таянч вазифасини ўтайди.

Ижтимоий-хуқуқий борлик хуқуқ феноменини ҳам, бошқарув фаолиятининг зарурлигини ҳам кун тартибига қўювчи социоаксиологик негиздир. Хуқуқ феномени ва бошқарув фаолиятига тааллуқли барча нарсалар, хусусиятлар ва функциялар ана шу борлиқдан ўсиб чиқади, ушбу борлик талабларининг ифодаси сифатида келади.

Фалсафада кенг қўлланиладиган “ижтимоий борлиқ” тушунчаси ҳуқуқ феномени талабларига қурилганида ёки ушбу талабларни ўз ичига олганида ижтимоий-ҳуқуқий борлиқ касб этади. Унда ижтимоий талаблар билан ҳуқуқий талаблар сингармоник бирликни ташкил этади, лекин ҳуқуқ асосий мезон, бирлаштирувчи ядро ҳисобланади. Бундай борлиқдаги барча хатти-ҳаракатлар, фаолият турлари, эришилган натижалар ҳуқуқий мезонлар билан ўлчанади. Барқарор ҳуқуқий қадриятларга амал қилиш, уларни сақлаш ва кўпайтириш, субъектлар фаолиятини ҳуқуқий талабларга мувофиқ ташкил этиш, бошқариш одатий ҳолдир. Ҳуқуқий қадриятларнинг қатъийлиги, ўзгармаслиги, барқарорлиги ҳеч кимда эътиroz уйғотмайди, балки уларнинг етишмаслиги кишиларда саволлар уйғотади¹. Шунинг учун ижтимоий-ҳуқуқий борлиқ ўзини-ўзи ҳуқуқий қадриятлар билан тўлдириб боради, бу қадриятларни эъзозлашни фуқаролар бурчига айлантиради.

Ижтимоий-ҳуқуқий борлиқка қараб кишилар жамият ва давлатнинг сиёсий-ҳуқуқий мақсадини англайди. Ҳар бир жамиядта шундай ҳуқуқий қадриятлар ва уларга таъсир этувчи етакчи омиллар бўладики, айнан улар ижтимоий-ҳуқуқий борлиқнинг асосий хусусиятларини аён этади. Масалан, шўролар давридаги ижтимоий-ҳуқуқий борлиқ хусусий мулкни инкор этиш, давлат бошқарувини партиялаштириш, барча ҳаётни ижтимоийлаштириш, ҳуқуқнинг жазолаш функциясига мутлақлаштириш, формал демократияга таяниш кабиларда намоён бўлган. Мазкур борлиқда ҳуқуқ субъекти асосан битта – партия бўлган. Барча қарорлар, қонунлар, дастурлар партиянинг ижозати ва қўллаб-қувватлаши орқали ҳаётга жорий этилган. Бозор демократияси бу тартибларга ўзгаришлар киритди, энди мулкий плюрализм мавжуд, хусусий мулк тан олинди, бошқаришнинг ранг-баранг кўринишлари шаклланди, ҳуқуқ

¹Қаранг: Современное государство и право: вопросы теории и истории. – Владивосток, 1992. – С. 21-25.

институтлари партия таъсиридан, унинг қарорларига бўйсунишдан озод қилинди ва суд, қонуннинг мустақиллиги таъминланди. Бундай умумий ҳолатлар ижтимоий-хукуқий борлиқнинг энг асосий белгилари дир. Хукуқий маданиятнинг имманент хусусиятлари ушбу белгилардан келиб чиқади ва хукуқ феноменини ижтимоий борлиққа узвий боғлади.

Ижтимоий-хукуқий борлиқ бошқариш институтлари фаолиятини, кишилар ўртасидаги алоқаларни, шахс ва давлат муносабатларини, инсон хукуқ ва эркинликларини соционормативлик принципига мувофиқ таъминлайдиган ижтимоий макондир. Бу маконда нафақат хукуқ феномени, шунингдек, маънавий-ахлоқий қадриятлар ҳам фаол қатнашади, эъзозланади. Маънавий-ахлоқий қадриятларнинг соционорматив фаоллиги хукуқий қадриятларга халақит бермайди, балки улар бир бирларини қўллаб-куватлашади. Хукуқий қадриятлар тўла таъсир этмаган жойда маънавий-ахлоқий қадриятлар ёрдамга келади, хукуқ феноменини тўлдириб, унга таъсирчанлик, ҳозиржавоблик, динамизм баҳш этади.

Шунинг учун ижтимоий-хукуқий борлиқнинг энг эътиборли томони хукуқий қадриятлар билан бирга маънавий-ахлоқий қадриятларни харакатга келтириш, натижада жамиятни бошқаришда олдинга қўйилган мақсадга етишнинг самарали усуулларини кашф этишдадир. Хукуқнинг мажбурлов механизми демократия шароитида кутилган натижа беравермаслигини халқаро тажриба кўрсатади, гуманистик ғояларнинг кенг тарқалиши гуманитар хукукни кадрлашга ундамоқда. Бу мақсадга фақат хукукни инсонийлаштириш орқалигина етиш мумкин¹.

Ижтимоий-хукуқий борлиқда кенг маънодаги ижтимоий муносабатлар устувор бўлади, шунинг учун бу муносабатларнинг барча соҳаларга детерминиситик таъсири ҳақида тўхталиб ўтиш даркор. Чунки ҳар бир жамиятда шундай ижтимоий муносабатлар шаклланган бўладики,

¹Қаранг: Ханс Петер Гассер. Международное гуманитарное право. Введение.– Москва: Юристъ, 1999. - С. 125-126.

уларни назардан қочириш жамият тараққиётига нотўғри ёндашишларни келтириб чиқаради. Илмий адабиётларда ўта ривожланган давлат, ривожланган давлат, ривожланаётган давлат, қолоқ давлат деган сўзлар беҳуда келтирилмайди, улар жамият тараққиётининг турли даражаларини ифода этади. Мазкур давлатлар ва жамиятларда ижтимоий муносабатлар ҳам турлича намоён бўлади, биррида постиндустриал муносабатлар, иккинчисида индустриал муносабатлар, учинчисида ярим индустриал ва феодал муносабатлари аралаш келади, яна биррида эса қолоқ феодал патриархал муносабатлар устун туради.

Ижтимоий-хуқуқий борлиқни фақат хуқуқ, унинг социоаксиологик моҳияти шакллантирмайди, унда аввало сиёсий бошқарув, сиёсий қадриятлар муҳим роль ўйнайди. Ижтимоий, иқтисодий ва маданий муносабатлар эса уни янги масалалар ва қирралар билан бойитади. Хуқуқнинг интегратив хусусияти, функциялари ҳам ана шу ранг-баранг муносабатларда кўзга ташланади, намоён бўлади.

Демократик хуқуқий давлат хуқуқ ва бошқарувнинг намоён бўлишига хизмат қиласидаги навбатдаги социоаксиологик негиздир. Хуқуқ ва бошқарув фақат давлат асосида, давлатнинг қўллаб-қувватлаши орқали ўзини тўла намоён эта олади. Шунинг учун “хуқуқий давлат бу инсон хуқуқлари соҳасидаги халқаро стандартлар бўйича яшовчи, тегишли қонунларга эга бўлган, самарали давлат тизимиға эга, энг муҳими шу хуқуқларга эҳтиёж сезадиган фуқароларга эга давлатдир. Давлат, унда инсон хуқуқлари қанчалик даражада тан олиниши, амал қилиниши ва ҳимоя этилишига қараб, шунчалик хуқуқий деб аталиши мумкин”¹.

Давлатнинг хуқуқ ижодкорлиги, барча соционорматив тартибларни ижтимоий ҳаётга татбиқ этиши, механизмлари орқали кишилар онгига сингдириши, зарур пайтларда мажбурлов воситаларидан фойдаланиши, гоҳо эса уларни

¹ Карапнг: Инсон хуқуқлари умумий назарияси. – Тошкент: Ўз Р ИИВ Академияси, 2012. – 15 б.

бекор қилиши давлатни энг таъсирчан сиёсий институтга айлантиради. Инсониятнинг бугунги тараққиёт босқичида хуқук ва бошқаришнинг бирорта ҳам шакли давлат ёрдамисиз, қўллаб-қувватлашисиз тўлақонли амалга ошолмайди. Айнан давлат бош ислоҳотчи бўлган ва ислоҳотларга бош-қош бўлган жойда модернизациялашиш кутилган натижаларга олиб келади.

Фалсафа фанлари доктори Ф.Мусаевнинг ёзишича, давлатнинг етакчилик роли, аввало, унинг ислоҳотлар учун масъулликни ўз бўйнига олганида намоён бўлади. “Эски тоталитар парадигмадан янги цивилизацияли демократик тараққиёт парадигмасига ўтаётганда мураккаб ва зиддиятларга тўла жараёнларни уюштирувчи, жамиятни демократик тараққиёт йўлига олиб чиқишини ўз зиммасига оловчи кучга эҳтиёж сезилади. Бу куч давлатдир. Шундай ижтимоий сиёсий институт бўлмаган жойда энг эзгу ғоялар ҳам орзу бўлиб қолаверади”¹.

Хукукий нуқтаи назардан давлат демократияни, инсон хукуклари ва эркинликларини таъминлашга қаратилган институтдир. Шу мақсаддан келиб чиқиб, у бошқаришни йўлга кўяди, кишилар ташаббусларини умуммақсадларга йўналтиради, конституциявий нормаларга риоя этиш чоратадбирларини кўради. “Давлатнинг асосий функцияларидан бири одамларни зўравонликдан химоя қилишдир. Бироқ ҳокимият ва давлат мажбурлашни, зўравонликни ўзининг монополиясига айлантирмаслиги лозим. Бу хусусда Ф.Хайекнинг “Озод инсонлар жамияти” асаридан қуидагиларни келтириб ўтмоқчимиз, – деб ёзади Ф.Мусаев, – ҳокимиятни чеклаш XVII-XVIII асрлардаги конституцион хукуматларнинг улуғ мақсади бўлган. Аммо бу харакатлар моҳиятан ҳокимият устидан назорат ўрнатиш уни чеклаш етарли, деган нотўғри фикрдан келиб чиққан.

¹ Мусаев Ф. Демократик давлат қуришнинг фалсафий хукукий асослари. Ўзбекистон Республикаси ФА, И.М.Мўминов номидаги фалсафа ва хуқук институти.– Тошкент: O’zbekiston, 2007. – 102 б.

Шу тариқа кўпчиликнинг ёки кўпчилик номидан ҳаракат қиласидиган ва қонунлар ишлаб чиқадиган вакиллик органларининг зўравонлиги юзага келган. “Оқибатда, дейди Ф.Хайек, биз бугун демократик деб ататганинг ҳокимият кўпчиликнинг эмас, балки тазийиқ ўтказаётган ва ҳокимият томонидан қўллаб-куватланишга муҳтож бўлмаган гурухларнинг манфаатларига хизмат қилмоқда. Шахс эркига қарши юзага келаётган бу хавфни фақат сўқир кишигинага кўрмаслиги мумкин”¹.

Ғарб мамлакатларида давлатга, у амалга ошираётган вазифаларга муносабатлар ҳар хил, файласуфлар демократик тараққиётни кескин танқид қилишдан қайтишмайди. Демократик ҳуқуқий давлат хисобланган, ўта ривожланган АҚШда ҳам ўз такомилига етган эмас. Э.Тоффлернинг ёзишича, “оммавий ишлаб чиқариш, оммавий истеъмол ва оммавий ахборот воситалари кўп мамлакатларда уларга монанд бўлган тизимни оммавий демократияни вужудга келтирди”.

Аммо Э.Тоффлер бутун оммавий демократия “рангбаранг демократия”га айланиб бормоқда, деб башорат қиласиди. Унинг назарида йирик давлатлар (империялар) мустақил давлатларга, йирик корпорациялар маҳаллий фирмаларга, йирик бизнеслар майдага бизнесларга бўлинмоқда, “концентрациялашган ҳокимият янгича синтезлашаётган икки бутунлай қарама-қарши тенденция” кўринишига ўтмоқда. Ушбу жараён “куч (зўравонлик), фаровонлик ва билим” орқали содир бўлмоқда”².

Файласуф давлатнинг мажбурлов кучи, фаровонлик ва билим демократия учун хавф уйғотмоқда, йирик давлатлар ана шу уч куч орқали бошқа давлатларга тазийиқ ўтказмоқда, деб билади. Уларнинг учови ҳам ҳуқуқ ва унинг

¹ Ўша асар. – 103 б.

² Қаранг: Мусаев Ф. Демократик давлат куришининг фалсафий ҳуқуқий асослари. Ўзбекистон Республикаси ФА, И.М.Мўминов номидаги фалсафа ва ҳуқуқ институти.– Тошкент: O’zbekiston, 2007. – 104 б.

социоаксиологик аҳамияти нуқтаи-назаридан хавфли эмас, балки демократик тараққиёт учун муҳим.

Демократик тараққиёт моделлари кўрсатадики, давлатнинг самарали фаолият юритиши фақат ижтимоий-сиёсий институтларнинг саъй-харакатларига боғлиқ эмас, бу институтлар фаоллиги, ижтимоий кучларни харакатга келтириш ва уларнинг салоҳиятларидан, фидойилигидан, креатив ташаббусларидан керагича фойдаланса-да, умуммақсад нуқтаи назаридан самара бермаслиги мумкин. Чунки, бошқарув ишларида, шу жумладан, давлат фаолиятида ҳам, сиёсий омиллардан ташқари бошқа омиллар ҳам мавжудки, улардан фойдаланмай умуммақсадга эришиш қийин.

Демак, демократик ҳуқуқий давлат ҳуқуқий қадриятлардан тўла фойдаланган ҳолда бошқарув институтлари тепасига келишга қодир шахслар учун зарур шарт-шароитлар яратади, уларни ноодатий, ностандарт, инновацион фикрлашини қўллаб-куватлайди, улардаги креативликни янги поғонага кўтаради. Бу ўринда гоҳо демократия билан ҳуқуқ бир-бирларига мутаносиб келмай қолиши мумкин, бу тарзда якуний хулосани давлат раҳбари ёки олий органлар чиқаради. Бизнинг фикримизча, бундай номутаносиб ҳолларнинг юзага келишидан қўрқмаслик лозим, уларни мудом раҳбар иродаси билан ижобий ҳал этиш мумкин. Бу аслида шарқона демократияга хос хислатлардан биридир.

Навбатдаги социоаксиологик негиз ҳуқуқ феномени ва бошқарув фаолияти таянадиган инсон ҳуқуқлари дадир. Бугун ҳеч бир ижтимоий-ҳуқуқий борлик, ҳуқуқий нормалар, бошқарув институтлари инсон ҳуқуқларини четлаб ўтолмайди. Инсон ҳуқуқлари, – дейилади “Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси”да, – “инсоният оиласининг ҳамма аъзоларига хос қадр-қиммат ва уларнинг teng, ажралмас

хуқуқларини тан олиш эркинлик, адолат ва ялпи тинчлик асоси” эканлиги қайд этилади¹.

Ушбу ҳужжатда барча кишилар ўзининг қадр-қимматига эга, эркин ва teng, бир-бирларига биродар, ҳар бир инсон яшаш, эркин бўлиш ва шахсий дахлсиз, ҳеч ким қийноққа олиниши мумкин эмаслиги эътироф қилинган. Жумладан, ушбу ҳужжатнинг 7 моддасида, “Барча одамлар қонун олдида tengdir ва ҳеч бир тафовутсиз қонун билан teng ҳимоя қилиниш ҳуқуқига эгадирлар деб белгиланган. Барча одамлар ушбу Декларацияга зид бўлган ҳар қандай камситишдан ва шундай камситишга ундайдиган ҳар қандай гижгижлашдан teng ҳимоя қилиниш ҳуқуқига эгадир”².

Инсон ҳуқуқлари – умуминсоний қадрият. Унинг ушбу социоаксиологик жиҳати ижтимоий-ҳуқуқий борлиқ ва бошқарув институтлари фаолияти учун дастуруламал ва ҳар қандай зиддиятли вазиятларда таянилиши зарур бўлган ҳужжатдир.

Инсон ҳуқуқларининг шахс ва индивид ҳуқуқларига муносабатлари, улар ўртасидаги фарқлар ва муштаракликлар юридик адабиётларда таҳлил қилинади. Жамиятшуносликда эса, кўпроқ шахс ва шахсий манфаатлар тилга олинади. Мазкур йўналишда инсон ҳуқуқларига оид нормаларнинг шахсга татбиқ этилиши, шахснинг ҳуқуқий мақомини белгилаш муаммоси пайдо бўлади. Мутахассисларнинг фикрича, шахснинг ҳуқуқий мақомига қўйидагилар киради:

- 1) шахснинг ҳуқуқий лаёқатини белгиловчи ҳуқуқий нормалар;
- 2) шахснинг ҳуқуқлари;
- 3) шахснинг мажбурияtlари;
- 4) ҳуқуқ субъектлиги (ҳуқуқ лаёқати, муомала лаёқати);
- 5) фуқаролик;
- 6) юридик жавобгарлик;
- 7) ҳуқуқий муносабатлар;

¹ Каранг: Право человека: – Тошкент: Адолат, 1992. – С. 9.

² Ўша асар. – С. 11.

8) қонуний манбаатлар;

9) ҳуқук тамойиллари¹.

Мазкур шартлар шахс олдига маълум бир мажбуриятлар ва масъулиятлар юклайди, у томондан амалга ошириладиган хатти-ҳаракатларга, айниқса бошқарув фаолиятига йўналиш беради. Уларни бузиш бошқариш фаолиятини бузиш, унинг самарали кечиши учун зарур меъёрларга амал қилмасликни келтириб чиқаради. Шуни эсдан чиқармаслик керакки, “шахс ҳуқуқлари – қонун чиқарувчининг “тухфаси” эмас, балки инсоннинг ҳаёт стандартини танлаши, муносиб ҳаёт билан таъминлашнинг реал имкониятидир. Қонун чиқарувчи ўзбошимчалик билан ҳуқук ва эркинликлари ҳажмини “қисқатириши” мумкин эмас, улар табиий ҳуқуқлар нормалари ва тамойиллари ҳамда инсонларнинг ўзаро ижтимоий алоқалари шартлари билан боғлиқдир. Шахснинг қонунчилика бириттирилган реал имкониятларини чеклашнинг чегарадан чиқиши, бундай ҳуқуқларнинг ўзбошимчалик билан чекланиши охир-оқибатда ижтимоий бошқарув тизимининг ишдан чиқишига олиб келади”².

Тўғрисини айтганда, айниқса унга ижтимоий фалсафий ёндашганда “инсон ҳуқуқлари” жуда кенг воқелик эканига гувоҳ бўламиз. Гоҳо уни “инсон” тушунчаси билан айнанлаштиришга ёки инсон манбаатлари даражасига кўтаришга дуч келамиз. Бундай ёндашувларда ҳуқук ижтимоий ҳаётни йўлга қўйиш, ташкил этиш, субординация ва координация алоқаларини тизимга солиш усули, механизми экани унтилади. Ҳуқук феномени кенг маънодаги бошқарув фаолиятига хизмат қилади, унинг қабул қиладиган қарорларини самарали бажарилишини таъминлайди. Инсон ҳуқуқлари ёки жамиятни бошқариш

¹ Қаранг: Инсон ҳуқуқлари умумий назарияси. – Тошкент: ЎзР ИИВ Академияси, 2012. 38-39 б.

² Ўша асар. – 39 б.

тўғрисида гап кетганда ҳукуқнинг ушбу функционал хусусиятларини унутмаслик керак.

Инсон ҳуқуқлари, аввало, қонунларни, меъёрий-хуқуқий ҳужжатларни, юридик амалиётни инсонпарвар қилишни назарда тутади. Инсонпарварлик у тарғиб этадиган асосий ғоя, фалсафий-хуқуқий ва аксиологик парадигма. Бу талабга амал қилмаслик нуфузли ҳалқаро ташкилотлар томонидан эътиrozлар эштишига олиб келади. Шунинг учун ҳуқуқ ва бошқарув фаолияти мудом инсонпарварлик тамоилига мувофиқ баҳоланади. Бу улардаги имманент хусусиятлар борлигини инкор қилмайди, балки ушбу хусусиятларга умуминсоний моҳият бахш этади.

Ҳуқуқ ва бошқарувни маълум бир институтларсиз, уюштирилган ижтимоий маконсиз тасаввур этиб бўлмайди. Институтционаллашув замонавий жамиятларнинг мавжудлик, самарали яшааш шартидир.

Институтлашув уюштирилганлик. Ижтимоий ҳаракатлар, шахсий ташаббуслар уюштирилгани туфайли ижтимоий-хуқуқий аҳамият ва долзарблик касб этади. Давлат институтидан тортиб то фуқароларнинг ихтиёрий уюшмаларигача ташкил этилсагина, яъни расмий нормативларга мувофиқ уюштирилсагина ижтимоий тараққиётга хизмат қиласди. Уюштирилмаган, яъни расмий норматив асосда ташкил этилмаган гурухлар бирлиги, ташкилоти мавжуд тузум талабларига мувофиқ эмас. Айнан шунинг учун улар яширин, ижтимоий талабларга мувофиқ келмайдиган, расмий норматив талабларга жавоб бермайдиган ташкилот ҳисобланади. Деструктивлик, экстеримизм авж олган давлатларда бундай, расмий тан олинмаган ташкилотларнинг вужудга келиши табиий ҳолдир. Бу ўринда Сурияда юзага келган “Ислом давлати” каби экстремистик ташкилотнинг қандай фожиаларга олиб келганини эслаш ўринли.

Институтлашув, ҳуқуқий нуқтаи назардан, амалдаги қонунларга мувофиқ ташкил этилганлик ҳисобланади.

Ташкил этилган институт расмий қонунлар талабларига мувофиқ бўлиши ва ўз фаолиятида ижтимоий тараққиётга хизмат қилиши шарт. Бу умунижтимоий талаб институтционал бўлинишни рад этмайди, чунки бутун жамият яхлит уюшма сифатида учрамайди. Ички дифференциациялашув турли ташкилотларни ва бўлимларни юзага келтиради, плюралистик бошқарув бундай ташкилотларнинг имманент хусусиятларига айланади.

Хатто яхлит сиёсий бирликнинг, уюшганликнинг намунавий тисоли бўлган давлат ҳокимияти ҳам турли институтларга бўлиниши демократик тараққиёт талабидир. Мазкур феноменнинг бевосита ҳуқук ва бошқарув фаолияти билан боғлиқ масалалари ҳақида тўхталиб Ф.Жўракулов ёзади: “Ҳокимият бўлиниши тизимиға оид қарорларни қабул қилиш жараёни куйидаги босқичларни ўз ичига олади: муаммоли вазиятни ифодалаш (1); ривожланиш ва такомиллаштириш борасидаги мақсадларни аниқлаш (2); қарорнинг оптималь вариантини топиш (3); қўйилган мақсадларга эришиш мезонларини аниқлаш (4); қарорларни асослаш учун моделлар қуриш (5); қарорларни имкон қадар демократик принципларга асосан мувофиқлаштириш (6); қарорларни тасдиқлаш (7); қарорларни амалга ошириш учун тайёрлаш (8); қарорни амалга ошириш жараёнини бошқариш ва қарор самарадорлигини якуний текшириш (9)¹.

Бу йўналишлар нафақат давлат ҳокимияти институтларининг бўлинишига, шунингдек, ижтимоий мақсадларга йўналтирилган ва функционал вазифаларига кўра, маълум бир ишлаб чиқариш, хизмат кўрсатиш, ўзини ўзи бошқариш орқали маданий ривожланишга эришиш, маънавий-ахлоқий қадриятларни шакллантиришга қаратилган барча институтларга тааллуклидир. Албатта, бошқариш институтлари ўзининг маҳаллий, миллий ва этномаданий жиҳатларига эга. Ташкил этиш ва бошқариш

¹ Қаранг: Жўракулов Ф. Ҳокимият бўлинишининг ижтимоий фалсафий асослари: хориж тажрибаси ва миллий амалиёт.– Тошкент: Нишон ношир, 2015. – 81 б.

жараёнлари умумий парадигмал хусусиятларга эга бўлса-да, ҳар бир ижтимоий муҳит ўзининг этногеографик ва этносоциал талабларига мувофиқ тизимлар яратади.

Демак, бошқариш институтлари ижтимоий муҳит ва ундаги ижтимоий муаммоларни ҳал этиш учун мавжуд. Аслини олганда ҳар қандай демократик ҳуқуқий давлат бошқариш институтларини аниқ ижтимоий муаммоларни ҳал этиш учун ташкил этади ва уларнинг фаолиятини жуғрофий аниқ, маълум бир ижтимоий муҳитда яшовчи аҳоли, кишиларнинг эҳтиёжларини тўла қондиришга йўналтиради.

Бошқариш ишлари иерархия (субординация) ва координация принципларига қурилади. Иерархия субординация принципи ижтимоий бошқарув тизими субъектларини бирининг иккинчисига бўйсуниши, кичик вазифалардагиларнинг юқори вазифалардагиларга итоат этиши, қуий институтларнинг юқори ёки олий бошқарув институтларига боғлиқлигини англатади. Иерархия субординация ижтимоий бошқарув фаолиятига оид қадриятлар ҳисобланади, бирорта жамият ва давлат уларсиз фаолият юритган, вазифаларини бажарган эмас. Уларнинг социоаксиологик аҳамияти ҳуқук ва бошқарув фаолиятини тизимли тарзда бир-бирларига боғлайди, қабул қилинган карорнинг изчиллик ва ҳар бир погонада керакли даражада бажарилишини таъминлайди. Ҳуқук феномени ҳам, бошқариш фаолияти ҳам биринчи навбатда иерархия субординация алоқаларини йўлга қўйишни кўзлайди, режалаштирилган вазифаларини шу заҳоти тизимлар ва институтлар ўртасида тақсимлашга киришади.

Иерархия субординация принципининг ишламаслиги бошқарув институтининг ишламаслиги демакдир. Яхши ташкил этилган ва режадаги вазифаларини кўнгилдагидек бажарадиган бошқарув институти аслида иерархия субординация ишларини йўлга қўйган ташкилот ҳисобланади. Мазкур фикр бизни, ҳуқук – ана шу иерархия субординация принципини йўлга қўювчи, бутун ташкилий

бошқарув ишларини ушбу принципга мувофиқ амалга оширишни таъминловчи восита, деган хуносага етаклайди. Ҳуқуқнинг регулятив функцияси биринчи навбатда иерархия субординацияни ташкил этишга қаратилади. Шунинг учун ҳуқуқ ҳақида гап кетганида, унинг ташкилий тизимлар ўртасидаги алоқаларни, қуий ва ўрта, юқори тизимлар ўртасидаги функционал боғлиқликларни эсдан чиқармаслик керак.

Иерархия субординация маъмурий буйруқбозлиқ бошқаришига яқин туради. Ҳар қандай маъмурий бошқарув иерархия субординацияни тақозо этади. Аммо уни координацион бошқариш принципи билан тўлдириб, бойитиб бориш мумкин. Демократик ҳуқуқий давлат иерархик бошқарувни координацион бошқариш усуллари билан қўшиб олиб боришни тақозо этади, иерархик бошқариш тизимининг самарали ишламаслиги унинг координацион алоқаларнинг етарли эмаслигидадир.

Координацион бошқариш ижтимоий тизимдаги турли мақсадларга эга институтларнинг функционал яқин фаолият йўналишларини уйғунлаштиришни, бирлаштиришни назарда тутади. Масалан, автомобиль ишлаб чиқаришни мақсад қилган ишлаб чиқариш корхонаси ўзининг асосий мақсадидан ташқари ишчи-хизматчиларининг маданий-маънавий эҳтиёжларини қондириш ишларини ҳам бажаради. Шундай эҳтиёжларни қондиришга маданият ва маънавият марказлари ҳам йўналтирилган. Шу фаолият йўналишида автомобиль ишлаб чиқариш корхонаси билан маданият ва маънавият маркази уйғун ҳаракат қилиши мумкин. Бундай ҳамкорлик ва бу борадаги ташкилий ишлар координацион бошқарувни ифодалайди.

Ҳуқуқ ва бошқарув фаолиятининг навбатдаги социоаксиологик негизи конституционализмдадир.

Конституционализм қабул қилинадиган қонун, қарор, фармон каби меъёрий-ҳуқуқий хужжатларнинг давлатда амал қилинадиган Конституция (Асосий Қонун)га асосланиши,

ундаги нормаларга риоя этилиши ва уни норматив қўллаб-куватланишини англатади. Асосий Қонунда кўрсатилган нормаларга таяниш, меъёрий-хуқуқий ҳужжатлар ишлаб чиқиш ва қабул қилишда улардан келиб чиқиш, агар қабул қилинган ҳужжатлар Асосий Қонунга зид келса, улардан воз кечиши конституционализм тамойилидир. Ушбу тамойил Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 16-моддасида “... Бирорта ҳам қонун ва бошқа норматив-хуқуқий ҳужжат конституция нормалари ва қоидаларига зид келиши мумкин эмас”¹ деб белгилаб қўйилган.

Конституционализм – бошқарув фаолияти учун ҳам социоаксиологик негиз бўлиб хизмат қиласди. Давлат ва жамиятни бошқариш Асосий Қонунда² “Конституциянинг қадриятилиги унинг бутун жамият, давлат, ижтимоий муносабатлар, ички ва ташқи сиёсат, бошқариш тизими, социум ва демократияга тааллуқли стратегик аҳамиятга эга дастуруламал эканида. Бундай ёндашув Конституцияга нафакат юридик дорматика (юриспруденция) нуқтаи-назаридан, шунингдек, фалсафий аксиологик ёндашиш зарурлигини кўрсатади”³.

Чунки Конституция “биринчидан, умумий ижтимоий ва сиёсий ҳуқуқий борлиқ яратади. Бу борлиқ айрим норматив ҳужжатлар, қонунларнинг ўзидан ҳам, улар шакллантирадиган институтлар ва хатти-харакатлардан ҳам кенг; иккинчидан, Конституция прогностик ҳужжат, у келажакни яратиш стратегиясини, ушбу мақсадга эришиш технологиясини ифода этади; учинчидан, “Конституциядаги нормалар, меъёрлар илмий ва ғоявий изланишлар маҳсули ҳисобланади. Уларни биз қанчалик реал ҳаёт, объектив борлиқ ва ижтимоий эҳтиёжлар билан бўғламайлик, уларнинг илмий ва ғоявий изланишлар маҳсули эканини инкор

¹ Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. – Т.: Ўзбекистон, 2018. - 4 б.

² Қаранг: Одилқориев Х.Т., Якубов Ш.У. Миллий ҳуқуқий тизим ва ҳуқуқий қадриятилар. Монография.– Тошкент: SMI ASIA, 2010. – 400 б.

³ Қаранг: Атауллаев М. Жамиятни модернизациялашда ҳуқуқий қадриятиларнинг ўрни (фалсафий ҳуқуқий жиҳатлари).– Тошкент: Университет, 2017. – 49 б.

қилолмаймиз. Конституция бизга, энг аввал, илмий ва ғоявий қарашлар сифатида таъсир этади, у ўз даврининг сиёсий ҳуқуқий фалсафасидир”¹; тўртинчидан, “Конституцияйи нормалар бевосита амал қиласди, яъни ҳеч қандай қўшимча шарҳсиз, қонуности хужжатисиз, бошқа норматив ҳужжатлар орқали тасдиқланмай, амалга жорий этилади. Унда белгиланган тартиб, қоида, нормалар шубҳа остига олинмайди, бошқа ҳужжат ва меъёрлар билан тўхтатилиб, бажарилишига тўсиқ қўйилмайди.

Конституция ўз мавжудлигича амал қиласди, у “ўзи ўзига баҳо, ўзи ўзига меъёрдир”. Халқ ақлу иродасини, орзуистаклари ва хоҳишлигини ифода этган Конституция мутлақ ҳақиқат сифатида қабул қилиниши юридик догматикада, юриспруденцияда эътироф этилган воқелик”².

Конституционализм ўрнатилган нормаларга тўла-тўқис амал қилиш тамойили ҳисобланади. Унинг баъзи моддалари илмий баҳс уйғотганида ҳам ўша нормага тўла риоя этиш талаб қилинади. Шу нуқтаи назардан конституционализм меъёрий-ҳуқуқий нормаларга амал қилиш тамойили, юридик догматикани эътироф этиш шартидир.

Бошқарув фаолияти билан амал қилиниши шарт тартиблар, меъёрий нормалар ўртасида баъзан номутаносибликлар, ҳатто зиддиятлар пайдо бўлиши мумкин. Агар бу номутаносибликлар, зиддиятлар миллий ҳуқуқий тизимда ҳал этилмаса, ҳалқаро ҳуқуқ ёки умуминсоний ахлоқий нормалар орқали ечилиши кенг тарқалган. Буни конституционализм тамойили ҳам тасдиқлайди. Энг муҳими имплементация ижодий, креатив жараён бўлиши лозим.

Бошқарув фаолиятининг марказида лидер, унинг фазилатлари туради. Лидерлик ва етакчилик фазилатлари аввало субъектнинг меъёрий-ҳуқуқий нормалардан

¹Атауллаев М. Жамиятни модернизациялашда ҳуқуқий қадриятларнинг ўрни (фалсафий ҳуқуқий жиҳатлари). – Тошкент: Университет, 2017. – 50-52 б.

² Ўша асар. – 55 б.

хабардорлиги, уларни жамоани ташкил этиш, уюштириш, бошқаришга татбиқ этишида кўзга ташланади. Ҳуқуқий маданиятли лидер нафақат ўз хатти-ҳаракатларини, шунингдек, жамоа фаолиятини ҳам қонуний талабларга мувофиқ олиб боради. Лидерлик шунчаки ташкилотчилик ёки ташаббускорлик эмас, у давлат ва жамиятнинг қонуний талабларига мувофиқ яшаш, ишлаш, фикрлаш тарзи ҳамdir.

Демократик ҳуқуқий давлат, ижтимоий-ҳуқуқий борлиқ лидерга алоҳида масъулият юклайди. Биринчидан, унинг фаолияти қонуний бўлиши, конституциявийлик тамойилларига мувофиқ келиши; иккинчидан, назарда тутилган мақсад, эришиладиган марра жамиятнинг, давлатнинг умуммақсадидан келиб чиқиши; учинчидан, меҳнат низолари фақат қонуний йўл билан ҳал этилиши; тўртингчиси, бошқарув тизими демократия тамойилларига мувофиқ тузилиши; бешинчидан, иерархияда масъуллик лидер шахсига юклатилиши лозим¹.

Лидердаги фазилатлар кўл остидагиларга тез “юқиш” хусусиятларига эга. Бу фазилатлар баъзи ҳолларда ижтимоий-ҳуқуқий борлиқ талабларига мувофиқ келавермайди. Эгоистик эҳтиёжлар, ўз манфаатини кўзлаш бу фазилатларни жамоага қарши қўйиши кузатилади. Жамоа билан етакчи, раҳбар ўртасидаги зиддиятлар, низолар ана шу сабаб авж олади, бу аслида “инқирозли тўқнашувлар”дир. Ижтимоий-ҳуқуқий борлиқда амал қиласидиган нормалар бу тўқнашувларни конструктив йўлга солиши учун аввало лидердаги “ҳуқуқий нигилизм”ни бартараф этиши зарур. Хусусий мулк мавжуд жамоада бунга эришиш осон кечмайди.

Ҳуқуқий маданият бевосита зиддиятларни, низоларни бартараф этишга йўналтирилмаган, у бундай мақсадни ва

¹Қаранг: Блондель Ж. Политическое лидерство. Путь к всеобъемлющему анализу.– Москва: Рипор, 1992; Румянцева В. Лидер: опыт изучения психологии неформального лидерства.– СПБ.: – Питер, 1996; Халипов В.Ф. Введение в науку о власти.– Москва: Феникс, 1996.

вазифаларни ўз олдига қўймайди ҳам, у ушбу зиддиятлар ва низоларнинг олдини олувчи омил сифатида келади. Унинг бу хусусияти билимнинг хусусиятига ҳамоҳангдир, айнандир. Ҳуқуқий маданиятдаги социоаксиологик моҳият ҳам шахсни ҳуқуқий билимли, саводли қилиш. У билимни хатти-ҳаракатларнинг аввали, субстанцияси деб билади. Ҳуқуқий маданиятдаги позитивлик шахсни фаолликка етакловчи куч, омил сифатида келишидадир. Лидерлик ва масъуллик ушбу кучга, омилга таянганида кишиларни қабул қилинган режалар, мақсад ва вазифалар атрофида уюштиради, уларда эришилиши назарда тутилган муваффақиятларга оптимизм уйғотади.

П БОБ. БОШҚАРУВ ИНСТИТУЛARI ХОДИМЛАРИ ҲУҚУҚИЙ МАДАНИЯТИНИНГ СОЦИОЛОГИК ТАХЛИЛИ

Мазкур бобда бошқарув институтларининг дифференциал ҳусусиятлари, уларда хизмат қилаётган ходимлар фаолиятининг ижтимоий меъёрлари тадқиқ этилади. Бошқарув институтлари олий, юқори ва қуий даражадаги бўғинлари фаолияти таҳлил қилиниб, уларнинг имманент белгилари аниқланади. Шу пайтгача ҳуқуқий маданиятнинг мансабдор шахслар ва бошқарув институтлари ходимларининг фаолиятлари билан боғлаб ўрганиш эътибордан чеккада қолиб келаётган эди. Жамиятда қарор топадиган ҳуқуқий қадриятлар, кишиларнинг онгидан ва турмуш тарзидан жой оладиган ҳуқуқий билим, маданият ва меъёрлар аввало бошқарув институтларида, улар ходимларининг кундалик фаолиятида шаклланган бўлиши даркор. Ушбу бобда давлат маҳаллий бошқарув институтлари ва улар ходимларининг ҳуқуқ феноменига, ҳуқуқий маданиятга муносабати масалалари очиб берилади. Бу муносабатлар бошқарувнинг турли поғоналарида турличадир. Бу аввало бошқарув институтларининг дифференциал ҳусусиятлари, мақсади ва вазифаларининг ҳар хиллиги билан боғлиқdir. Аммо бу ўзига хосликлар, имманент белгилар бошқарув институтларининг умумий ижтимоий-ҳуқуқий борлиқда, умумий ижтимоий-ҳуқуқий нормаларга бўйсуниб фаолият юритиши зарурлигини инкор қилмайди.

Шунингдек, ушбу бобда ҳуқуқий маданият меъёрларини аниқлашга ҳаракат қилинади. Бу меъёрлар умумий характерга эга, улардаги йўналишлар баҳслар уйготиши, баъзилари эса рад этилиши мумкин. Биз уларни илмий кузатувлардан олинган натижалар, етакчи мутахассислар билдирган фикрлар ва ишлаб чиқкан таклиф-

мулоҳазаларга таяниб ишлаб чиқдик. Бу хукуқ феноменини ва ҳукукий маданиятни реал ижтимоий-ҳукукий борлиқ талабларидан келиб чиқиб ўрганилганлиги, меъёрларга социометрик ёндашганлиги натижасидир.

2.1. Ижтимоий бошқарув институтлари ҳодимлари фаолиятининг ижтимоий меъёрлари (социометрияси)

Бошқарув фаолиятини илмий англаш доимо гносеологик, психологик, ҳукукий, ташкилий-меъёрий қийинчиликлар уйғотиб келган. Т.Парсонснинг фикрига кўра, жамиятни бошқариш ва ундаги жараёнларни англаш уларга маълум бир система сифатида ёндашишни тақозо этади. Бу ёндашишда жамиятдаги, системадаги барча икирчикирларни қамраб олиш, уларни изоҳлаш, ҳатто “улкан тизим”га мувофиқлаштириш мумкин эмас, мушкул, бироқ эҳтимолликни унтиш мумкин эмас. Эҳтимоллик унтилган жойда тоталитар бошқариш иштиёқи уйғонади ва бутун жараёнлар бир қолипга, андозага, расмий буйруқбозлиқ одатига бўйсунишга солинади, ижтимоий борлиқдаги ранг-баранглик барҳам топади¹.

Мазкур илмий методологик аҳамиятга эга фикр бизга бошқарувга аввало маълум бир тизим сифатида қарашга унрайди. Аммо бу тизим ўзининг қисмларига эга, бу қисмларнинг мақсад ва вазифалари ҳар хил. Жамият деб аталадиган тизим ушбу қонунга бўйсунишни тақозо этади. Бошқарув институтларига дифференциал ёндашув мазкур қонун талаби туфайлидир. Аслида дифференциал ёндашувни институтлар фаолиятининг ранг-баранг хусусиятлари талаб этади; бу талаб объектив борлиқдан униб чиқсан, яъни бошқарув институтларининг ижтимоий ҳаётдаги реал ўрни, функцияларининг ижтимоий муносабатлар билан боғлиқлиги ифодасидир.

¹Қаранг: Парсонс Т. Система современных обществ. – Москва: Аспект Пресс, 1998. – С. 712.

Бошқарув институтларини субъектига кўра (давлат бошқаруви, корпоратив бошқарув, ўзини ўзи бошқарув, ҳаваскорлар бошқаруви), объектига кўра (жамиятни бошқарув, ахолини бошқарув, меҳнат жамоасини бошқарув, оилани бошқарув, ўқув жараёнини бошқарув, машинани бошқарув, мусобақани бошқарув, табиатни бошқарув, жараёнларни бошқарув), функцияларига кўра (қисқа муддатли вазифаларга қаратилган бошқарув, ўрта муддатли вазифаларга қаратилган бошқарув, стратегик мақсадга қаратилган бошқарув), усулларига кўра (автократик бошқарув, демократик бошқарув, маъмурӣ бошқарув, монархик бошқарув, хаотик бошқарув), ижтимоий ҳаёт соҳаларига кўра (маънавий-ахлоқий бошқарув, сиёсий бошқарув, иқтисодий бошқарув, ҳуқуқий бошқарув, молиявий бошқарув, ижтимоий бошқарув), маконда ташкил этилишига кўра (маҳаллий бошқарув, шаҳар бошқаруви, туман бошқаруви, вилоят бошқаруви, республика бошқаруви, минтақавий бошқарув, глобал бошқарув), таъсири этишига кўра (психологик бошқарув, идеологик бошқарув, ахлоқий бошқарув, моддий бошқарув), иерархия субординацияга кўра (марказлашган бошқарув номарказлашган бошқарув, раҳбар ходим, буюртмачи ишчи, хизматчи, юқори ташкилот, қуйи ташкилот), йўналтирилганлигига кўра (бевосита бошқарув, билвосита бошқарув) кабиларга классификация қилиш мумкин. Бизнинг мавзумиз учун бошқарув институтларини субъектларига кўра классификациялаб ўрганиш етарли. Қолган жиҳатлар ҳам муҳим, албатта. Масалан, бошқарув фаолиятини объектларсиз, психологик ёки маънавий, ахлоқий меъёрларсиз тасаввур этиш қийин.

Моддий, молиявий ёки субординация кабиларсиз бошқарув бўлиши мумкин (масалан, ҳашарни бошқариш учун улар шарт эмас). Субъектларига кўра бошқарув барқарор, узлуксиз давом этишни, бири бирига уланиб келадиган жараёнлар, механизмлар ва усуллар билан боғлиқликни тақозо этади. Қисқа муддат давом этадиган

бошқарув фаолиятида институтционал тизим йўқ, у қўйилган мақсадга етган заҳоти тарқалиб кетади. Ундаги хаотик хатти-ҳаракатлар маълум бир муддатга, яъни назарда тутилган вазифани бажаргунча уюштирилади, уюштирилган қисмлар, бўлаклар ҳам барқарор эмас. Бундай уюшмалар ихтиёрийлик (ҳаваскорлик) тамойилига қурилгани боис тез тарқалиб кетиш хусусиятига эга.

Давлат бошқаруви барқарор институтционаллашгани билан бошқа бошқарув шаклларидан фарқ қиласди. Мазкур барқарор институтлашганлик ўзининг субординация, марказлашган идора, қарорлар ва уларнинг ижроси учун масъуллик, жавобгарлик, расмий кўрсатма бажарилиши, муносабатлар барқарор нормаларга қурилади ва улар орқали бошқарилади. “Ижтимоий борлиқ кишилар онгли фаолиятининг инъикоси сифатида бир-бирига диалектик боғлиқ субъект ва объект муносабатларидан иборатдир.

Ижтимоий борлиқ, унинг таркибий қисми, ҳатто ядроси бўлган давлат, унинг институтлари ва бошқарув тизими тасодиф маҳсули эмас, улар кишиларнинг онгли, рационал фаолияти натижаси сифатида шаклланган. Шунинг учун давлат бошқарув тизими энг аввало субъект ва объект муносабатларини рационал, ижтимоий сиёсий фаолият сифатида таҳлил қилишни тақозо этади”¹.

Тадқиқотчи Н.Нишонова рационал ташкил этилганликни, бошқарувни давлат бошқарувининг бош тамойили сифатида келтиради. “Давлат бошқарув тизими, деб ёзади – у, сиртдан қараганда давлатни, давлат институтларини бошқариш билан боғлиқ фаолият туридек кўринади. Эмпирик, кундалик ёндашиб нуқтаи назаридан бу тўғри. Бироқ давлат бошқаруви тизими давлатни ёки унинг институтларини бошқаришдангина иборат эмас, у инсон ва инсонлар, гурух ва гурухлар, миллат ва элатлар, иқтисодий бойликларни, ресурсларни, худудлар ва шаҳарларни, аҳоли

¹ Қаранг: Нишонова Н. Давлат бошқарув тизимида хотин-қизларнинг ижтимоий сиёсий фаолияти (фалсафий таҳлил). – Тошкент: Фан, 2013. – 12 б.

миграциясини, меҳнат жараёнларини, ижтимоий, маданий, демография ва интеграция соҳаларини, хуллас ижтимоий-сиёсий борлиқнинг тўлақонли ишлашини ва тараққиётини таъминлашга қаратилган мураккаб, ранг-баранг фаолиятдир.

Бошқарув аниқ (конкрет) қўринишида бетакрор ходисадир, у ҳеч қачон айнан такрорланмайди. Бошқаришнинг самарали ва рационал ташкил этилган қўринишлари (масалан, субординация ёки координация, автократик ёки корпоратив бошқариш) бўлса-да, улар ижтимоий сиёсий борлиқнинг умумий талаблари (масалан, жамиятда миллатлараро муносабатларни тўғри йўлга кўйиш)га итоат этади, лекин ҳар бир конкрет ҳолда бетакрордир. Айнан ушбу ҳолат, омил бошқаришни рационал ташкил этишга, яъни уни маълум бир тизим институтлар орқали олиб боришга ундейди”¹.

Институционаллашув ҳуқуқий адабиётларда “орган” ёки “идора” маъносида ишлатилади. Давлат органи дейилганида давлат бошқарувининг институционаллашган қўриниши назарда тутилади. Унинг дифференциал хусусиятлари қилиб қўйидагилар кўрсатилади:

- мазкур орган (ташкилот, институт) давлат бошқарув аппарати (механизми)нинг ажратилган ва мустақил қисми ҳисобланади;
- у ўз ваколатидаги вазифаларни бажаришда давлат номи билан ҳаракат қиласди;
- давлат ҳокимият ваколатига эга;
- давлат функциялари ва вазифаларини бажаришда қатнашади;
- ташкилоти (органи)га хос ташкилий ҳуқуқий ва амалий фаолият шаклларини қўллаши мумкин².

¹ Қаранг: Нишонова Н. Давлат бошқарув тизимида хотин-қизларнинг ижтимоий сиёсий фаолияти (фалсафий таҳлил). – Тошкент: Фан, 2013. – 13 б.

² Қаранг: Алимов Г.Х.А. Правовой статус и деятельность органов государственной власти в Республике Узбекистан. – Ташкент: Изд. центр “Академия”, 2004. – С. 31.

Мазкур хусусиятларнинг ижтимоий сиёсий ва хуқукий борлиқдаги ўрнини, аҳамиятини, қисқача бўлсада, очиб бериш зарур. Ана шунда юқорида қўллаган классификациямизни назарий асослаган бўламиз.

Г.Х.Алимовнинг ёзишича, “давлат бошқарув органи бўла туриб, шу билан бирга, давлат аппарати қисмига кирмаслик мумкин эмас”¹. Аслида давлат аппарати бошқарувни амалга оширадиган ва зарур қарорни қабул қиласидиган институт ҳисобланади. Давлат бошқаруви тўғрисида гап кетганида аввало давлат аппаратининг ваколатлари, вазифалари ва фаолияти назарда тутилади.

Бошқарув нафақат субъектдан, ушбу субъектнинг обьектга муносабатларидан, ўз навбатида, обьектнинг субъектта муносабатларидан иборатdir. Мазкур муносабатларни детерминациялаштирувчи, рационал йўналтирувчи ва ташкилий нуқтаи назардан, ижтимоий бирликка айлантирувчи давлат аппаратидир. Бошқарув аппаратининг иерархик алоқаларни ташкил этиш ваколати қисмлар, бўлимлар учун бажарилиши шарт бўлган қўрсатма, бу қўрсатмани муҳокама қилиш мумкин, лекин бажармаслик мумкин эмас. Бу ўринда хуқукий маданият бошқарув аппаратининг иерархик алоқаларни ташкил этишида ва қўрсатма ижросида яққол акс этади.

Давлат бошқарув органи давлат номидан ҳаракат қиласиди, давлат берган ваколатлар доирасида бошқарувни амалга оширади. Бу ўринда тадқиқотчи, назариётчи берилган ваколат билан хуқукий маданият ўртасида маълум бир зиддиятлар борлигига дуч келади. Ваколатни мудом чеклаш, қисқартириш ёки кенгайтириш мумкин, хуқукий маданият эса бошқарув аппарати истакларидан кенг. Хуқукий маданият ижтимоий-хуқукий борлиққа оид барча меъёрий-хуқукий нормаларни ўз ичига олади, ваколатни чеклаш ёки кенгайтириш эса ушбу базанинг барча томонларини қамраб ололмайди.

¹ Ўша жойда.

Бундан ташқари, ваколат бериш ҳуқуқий маданият талабларидан эмас, балки ижтимоий вазифаларнинг характеристиридан, ҳажми ва муҳитда шаклланган бошқарув анъаналаридан келиб чиқади. Ваколат мудом аниқ, бажарилиши мумкин бўлган вазифаларга қаратилган ҳуқуқий-ташкилий имкониятлар ҳисобланади. Улар моҳияттан ҳуқук феноменига яқин, бироқ бу моҳият ижтимоий муҳитда шаклланган анъаналарни, жамоа олдиғаги вазифаларни назарда тутишга мажбур. Корпоратив ва ўзини ўзи бошқариш ваколатларни трансформацияга учратиши табиий ҳолдир.

Бошқарув институтлари давлат вазифалари ва функцияларини бажаришда қатнашиб, ўзининг давлат аппарати ва органларига таалуқли эканини намоён этади.

“Ўзбекистон Конституциясида давлат мақсади ва бош вазифаларини бевосита белгиламайди. Унда давлат вазифалари ва функциялари мутлақ бошқача шаклда аниқлаб берилган. Давлат ҳокимиюти органлари, шунингдек, прокуратура фаолияти янгича белгиланган”¹.

2017 йил 8 сентябрда Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасида маъмурий ислоҳотлар концепциясини тасдиқлаш тўғрисида” Фармони қабул қилинди. Мазкур хужжатда мавжуд давлат бошқаруви институтлари ва ижрой ҳокимият ислоҳотларни муваффақиятли амалга оширишга, халқ хўжалигини модернизациялаштиришга ва аҳоли фаровонлигини юксалтиришга хизмат қилмаётгани таъкидланади.

Бошқарув институтлари фаолиятида сансоларлик, таъмагирлик, ўз вазифасига лоқайдлик, мавжуд муаммоларни хал этиш учун ташаббус кўрсатмаслик, фаолиятда шаффофлик, очиқлик ва ошкоралик йўқлиги, бу камчиликлар системалик хусусият касб этгани танқид қилинади. Унда: 1)

¹ Каранг: Алимов Г.Х. Правовой статус и деятельность органов государственной власти в Республике Узбекистан. – Ташкент: Изд. центр “Академия”, 2004. – С. 33.

ижро ҳокимияти органлари фаолиятининг институционал ва ташкилий ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш; 2) ижро ҳокимияти органларининг функциялари ва ваколатларини аниқлаштириш, координация ва ҳамкорлик жараёнларини такомиллаштириш; 3) иқтисодиётга маъмурий бошқарув аралашувини янада қисқартириш, бошқаришнинг бозор иқтисодиётига мос усулларини янада кенгайтириш; 4) тепадан пастга йўналтирилган бошқарув тизими механизмларини такомиллаштириш; 5) давлат бошқарув тизимида режалаштиришнинг замонавий стратегик шаклларини, инновацион ғоялар, ишланмалар ва технологияларни жорий этиш; 6) давлат хизматининг самарали профессионал тизимини шакллантириш, ижро ҳокимияти тизимидаги кооррупцияга қарши курашнинг ҳаракатчан механизмларини татбиқ этиш асосий вазифалар қилиб белгиланди¹.

Кўриниб турибдики, давлатимиз раҳбари эълон қилган концепцияда давлат бошқарув тизими, институтлари ижтимоий тараққиёт талабларига жавоб бермайди, уларни ҳам институционал, ҳам фаолияти моҳияти нуқтаиназаридан тубдан такомиллаштириш зарур. Улар фаолиятини янги ижтимоий меъёрлар ошкоралик, ҳалққа хизмат қилиш, коррупциядан холи қилиш, бюрократияни чеклаш, бозор демократиясига мувофиқ келадиган механизмларни ва инновацион ғояларни, технологияни жорий этиш, креатив фикрлайдиган ва ишлайдиган кадрларни давлат бошқарув ишларига тортиш кабилар билан ўлчаш зарур, деган фундаментал хулоса чиқарилади. Ушбу вазифаларни амалга ошириш учун давлат бошқарувида институционал ўзгаришлар қилинди, янги вазирликлар, инновацион тузилмалар ташкил қилинди, давлат органларининг ҳалққа хизмат қилишини таъминлаш изчил олиб борилмоқда, адолат

¹Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони. “Ўзбекистон Республикасида маъмурий ислохотлар концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”//Халқ сўзи, 2017, 9 сентябрь.

тамойиллари қарор топмоқда, органлар фаолиятидаги коррупцияга қарши муросасиз кураш олиб борилмоқда.

Ички ишлар органлари, адлия вазирлиги ходимлари, ёшлар ташкилотлари ва маҳалла фаоллари жиноятчиликка қарши, оиласвий низо, келишмовчиликларни бартараф этиш учун тарғибот, ташвиқот олиб боришмоқда. Бироқ жиноятлар, оиласвий ажралишлар ва низолар камайгани йўқ, энг ташвишлиси ушбу салбий ҳолларнинг олдини олишнинг самарали механизмлари яратилмади. Давлатимиз раҳбари Ш.М.Мирзиёев 2018 йил 27 июлда ҳукуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашиш масалалари юзасидан ўтказилган кенгайтирилган видеоселектор йиғилишида ҳукуқ органларининг саъ-харакатлари етарли самара бермаётганини, улар ҳанузгача самарали таъсир механизмларини тополмаганини танқид қилган. Баъзи бир маълумотларга қараганда, 2017 йил августдан 2018 йил августгача республика бўйича жиноят содир этиш ҳолатлари 13 минг 599 тага ёки 38,67 фоиз, жиноят қидирув йўналишидаги жиноятлар эса 8 минг 568 тага ёки 38,86 фоизга камайган¹.

Аслида бу рақамларга ишонилса, республикамизда жиноят, гайриқонуний хатти-харакатлар бартараф этилди, деса бўлади. Минг афсусуки, бу рақамларда ўтган ўн йилликларда авж олган “йўқни бор қилиб кўрсатиш” одатининг таъсири кузатилади. Бирор давлат тажрибасида бир йил ичida жиноятчиликнинг шунча фоизга қисқартирилгани мисоли учрамайди. Шу билан бирга мақола муаллифи келтиради: “Айrim ҳудудларда оила турмуш доирасидаги ва вояга етмаганлар ўртасидаги жиноятлар сони юқорилигича қолмоқда... Оила турмуш, қариндошлик ва қўни-қўшничилик муносабатларида келиб чиқаётган келишмовчиликлар қотиллик, тан жароҳати етказиш каби ўта оғир жиноятларни келтириб чиқариш ҳолатлари барча

¹ Қаранг: Худойшукуров З.Қонун устуворлиги, қатъий интизом ва ижро масъулияти// Ҳалқ сўзи, 2018, 7 август.

худудларда ҳам кузатилаётганлигини ҳисобга олиб, уларнинг барвақт олдини олиш ва жиноятни келтириб чиқариши мумкин бўлган шарт-шароитларни ўз вақтида бартараф этишга қаратилган чора-тадбирлар маҳалла, хотин-қизлар қўмитаси, ёшлар ташкилотлари, масъул давлат идоралари ва хукуқни муҳофаза қилувчи органлар томонидан яқин ҳамкорликда ўтказилмаётганлиги, муқаддам судланганлар билан профилактика ишлари талаб даражасида олиб борилмаябди”¹.

Бундай чалкаш ва юзаки фикрларнинг “хукуқбузарликлар олдини олишга” таъсир этишини тасаввур қилиб бўлмайди. Унда давлат бошқарув институтларида халқ билан мулоқот қилиш кўникмаси ҳали шаклланмагани кўзга ташланади.

Давлат бошқарув тизимининг дифференциал хусусиятлари куйидагилардан иборат: “биринчидан, давлат асосий ишлаб чиқариш қуролларининг мулк эгаси, у жамиятнинг барча аъзолари, шунингдек, айрим фуқаролар манфаатлари йўлида ривожланишнинг асосий йўналишларини белгилайди; иккинчидан, давлат барча фуқароларнинг уюшмаси сифатида фаолият кўрсатади; учинчидан, давлат бошқарув ва мажбурловнинг маҳсус аппаратига эга; тўртинчидан, давлат турли-туман ишонтириш ва мажбурлов усулларидан фойдаланиш имконини берадиган кенг тармоқли юридик воситалар тизимиға эга; бешинчидан, давлат мустақиллар; олтинчидан, бутун мамлакат миёсида давлат тўла ҳокимиятга эга ягона ташкилотдир”².

Давлатнинг имкониятлари унга бошқарувнинг турли-туман шакллари ва усулларидан фойдаланиш имконини беради. Ҳукукий маданиятни юксалтириш функционал нуқтаи назардан давлатнинг ихтиёридадир, айнан у бутун жамиятга оид тадбирларни самарали амалга ошириши

¹ Ўша жойда.

² Сайдов А., Тожихонов У. Давлат ва хукуқ назарияси. 1 жилд. Давлат назарияси. – Тошкент: Адолат. 2001. - 126 б.

мумкин. Ҳуқуқий маданият индивид поғонасида олганда, шахснинг ихтиёрий иши, у ҳуқуқий билимини юксалтиришга ички эҳтиёж сезганида интилади. Корпорация, ўзини ўзи бошқариш органлари ва ихтиёрий уюшмалар поғонасида эса у жамият учун муҳим сиёсий ҳуқуқий воқелик касб этади. Башқарувнинг дифференциал ҳусусиятлари турли кишиларни ёки турли мулк эгаларини акциялари орқали тадбиркорлик фаолиятига жалб этиш, акциядорлар жамиятига уюштиришга асосланган фаолият туридир¹. Ундаги ўзига хослик корпоратив муносабатларни йўлга қўйиш ва корпоратив ҳуқуқ предметини шакллантириш, регуляция қилишdir.

Шу нуқтаи назардан корпоратив ҳуқуқни ё фуқаролик ҳуқуқига ёки тадбиркорлик (хўжалик) ҳуқуқига киритиш ҳуқуқшунослар ўртасида кенг тарқалган. Бироқ масаланинг бу томони бизга тааллуқли эмас. Бизга тааллуқли жойи шундаки, корпоратив бошқарув алоҳида фаолият тури сифатида ўз предмети, субъектлари, мақсадлари ва бошқарув механизмларига эга. У тадбиркорлик фаолиятига курилган, акционерлар уюшмасини ва уларнинг манфаатларидан келиб чиқувчи жараёнларни ташкил этиш ва бошқаришни англатади.

Халқаро тажрибадан келиб чиқсак, ушбу бошқарув қўйидагиларга асосланади:

- 1) акциядорлар корпорацияни ташкил этиш имконига ва ҳуқуқига эга субъектлардир;
- 2) акционерлар чекланган масъуллик ҳуқуқига эга;
- 3) акциялар ва ҳуқуқлар бошқа субъектларга ўтказилиши мумкин;
- 4) вакиллари орқали марказлашган бошқарув тизимиға эга;

¹ Каранг: Davies P. Governers Principles of Modern Company Law L.: Sweet Maxwell 1997; Корпоративное право: Учебник. Под. Ред. И.С.Шиткиной. – Москва: Волтерс Клювер, 2008; Карагусов Ф.С. Основы корпоративного права и корпоративное законодательство Республики Казахстан. – Алмати: Изд. “Бастау”, 2011.

5) киригтан акциясига (капиталига) мувофиқ жамиятни бошқарувда алоҳида ҳукуққа ва статусга эга¹.

Акциясига (капиталига) эга кишилар ихтиёрий тарзда, акциялари (капиталлари) орқали тадбиркорлик жамиятлари тузиши, ушбу жамиятни зарур капиталлар билан таъминлаши, уни бошқариш органларини яратиши, тушадиган даромадларни назорат қилиб, акционерлар ўртасида тақсимлаши мумкин. Мазкур вазифаларнинг ҳар бири ўз хусусиятларига эга. Бу вазифани акционерлар жамиятидаги биргаликда бошқарув институти ёки вакиллик органлари орқали бошқарув бажаради. Мутахассисларнинг фикрича, мазкур икки бошқарув шаклидан кейингиси, яъни вакиллик органлари орқали бошқарув маъқулроқдир². Шуни алоҳида таъкидлашимиз керакки, акционерлар жамияти кичик тадбиркорлик эмас, ҳукуқшунослар уни йирик бизнес уюшмасига тааллуқли фаолият тури деб ҳисоблашади³. Бу эса корпоратив бошқарувга алоҳида талаблар қўяди.

Социологик сўровномамиизда “Сиз бошқарув институтларининг қайси бирида хизмат қиласиз?” деган савол билан мурожаат этгандик. Респондентларнинг 3 фоизи “Корпоратив бошқарувда” деб жавоб берган. Биз ушбу респондентларнинг бошқа саволларга жавобларини кузатдик. “Сизда бошқарувни асосан ким олиб боради?” деган саволга уларнинг 60 фоизи “Корхона раҳбари”, 21 фоизи “Раис”, 14 фоизи “Бизнес жамоа” ва 4 фоизи “Акциядорлар йигини”, 1 фоизга яқини “Корпорация ходимлари” деб жавоб берган.

Кўриниб турибдики, корпоратив бошқарув ҳали ташкилий нуқтаи назардан ҳам, ҳукуқий нуқтаи назардан ҳам барқарор бошқарув институтига айланганича йўқ. “Корхона раҳбари” деганда респондентлар акциядорлар уюшмасида етакчи ўринда турган ёки акциядорлар бирлаштирилган

¹ Қаранг: D.Kraakman and ...The Anatomy of Corporate Law. OXFORD University Press, 2004. – P. 5.

² Қаранг: Карагусов Ф.С. Основы корпоративного права и корпоративное законодательство Республики Казахстан. – Алмати: Изд. “Бастау”, 2011. – С. 88.

³ Қаранг: Ўша асар. – С.89.

корхонанинг расмий раҳбарини назарда тутишади. Бу аслида фаолияти чекланган ёки давлат билан ҳамкорликда ташкил этилган тадбиркорлар уюшмасининг раҳбариdir.

Буни ҳақиқий демократик бошқарув усули ёки ихтиёрий уюшмаларга хос жамоавий бошқарув шакли дейиш қийин. У формал нұқтаи-назардан демократик бошқарув институти, албатта, бироқ асосий қарорни корхона раҳбари қабул қилиши ва бошқарувга оид барча ҳужжатларга у имзо чекиши, масъуллиги нұқтаи-назардан эса, унда демократияни үйинга айлантириш имконияти кўп. Айнан шунинг учун ғарб олимлари расмий маъмурий бошқарув билан корпоратив демократик бошқарув ўртасида жиддий фарқ борлигини, маъмурий бошқарув ички демократик бошқарувга мудом хавф уйғотишини таъкидлашади¹.

Юқоридаги корпоратив бошқаришга оид респондентларнинг “Фаолиятингизга оид янги қонунлардан хабардормисиз? “деган саволимизга берган жавоблари биз учун муҳим аҳамиятга эга. Уларнинг 44 фоизи саволимизга “Йўқ”, 32 фоизи “Унча эмас”, 12 фоизи “Ха” деб жавоб беради. Олган жавобларимиздан маълум бўладики, корпоратив бошқарув аъзоларининг атиги 12 фоизи ўз фаолиятига оид янги қонунлардан хабардор, 32 фоизи эса унча хабардор эмас. Мазкур ходимлар Ўзбекистонда бундан ўн икки йил олдин қабул қилинган акциядорлик уюшмалари ва фаолиятига оид меъёрий-хуқуқий ҳужжатларга мувофиқ фаолият олиб борадилар.

Маълумки, 2016 йилдан бошлаб, Президентимиз Ш.М.Мирзиёев ташаббуси билан қабул қилинган Ҳаракатлар стратегияси ва жамиятни модернизациялаш ва демократик ривожлантиришнинг янги босқичига мувофиқ бизнес жамоалар, тадбиркорлар ва акциядорлар уюшмаларига оид кўплаб Фармонлар, Қарорлар қабул қилиндики, уларни билмай корпоратив бошқарувни самарали олиб бориш

¹Қаранг: Даль Р. А. Введение в экономическую демократию. – Москва: Наука СП “ИКПА”, 1991. - С. 14-16.

мумкин эмас. Респондентларнинг атиги 12 фоизи қабул қилинган янги меъерий хужжатлардан хабардор. Яна шунча респондент саволга жавоб бермаган.

Юқоридаги савол “Уларда фаолиятингиз самарадорлигини оширишнинг барча масалалари қамраб олинганими?” деган савол билан тўлдирилди. Респондентларнинг 67 фоизи “Ҳа”, 14 фоизи “Айтишим қийин” ва 8 фоизи “Йўқ” деб жавоб қайтаради. Уларнинг 11 фоизи жавоб беришни маъкул топмаган. Юқоридаги жавоб билан ушбу жавоблар ўртасида зиддиятлар борлигини кузатамиз. Мантиқий тартибга мувофиқ агар янги қонунлар ва меъерий-хукукий хужжатлардан респондентларнинг 44 фоизи хабардор, 32 фоизи эса унча хабардор бўлмаса, қандай қилиб улар қабул қилинган меъерий-хукукий хужжатларнинг бошқарув фаолиятига таъсирини баҳолаши мумкин? Жавоблардаги зиддият бизни Хоразм ва Қорақалпогистон Республикасидаги акциядорлик жамиятларнинг фаолиятини бевосита кузатишга ундади.

2018 йилги маълумотларга кўра, Хоразм вилоятида 42 та, Қорақалпогистон Республикасида 28 та акциядорлар уюшмаси, фаолияти чекланган корпорациялар рўйхатга олинган. Ушбу 70 та акциядорлар уюшмаси ва корпорациялардан узлуксиз фаолият олиб бораётгани 42 та, улардан 7 тасининг фаолияти вақти-вақти билан тўхташ хусусиятига эга. Қолган 21 уюшма, корпорациялар ҳақида маълумотлар етарли эмас, шу билан бирга, уларнинг фаолияти тутатилган, банкрот бўлган ҳам эмас. Узлуксиз фаолият олиб бораётган акциядорлар уюшмаси, корпорацияларда ички бошқарувни йўлга қўювчи Устав ва корпоратив орган ташкил этилгани маълум бўлади. Бундай хужжатлар қабул қилишда Ўзбекистон Республикасининг маҳсус меъерий-хукукий хужжатлари ва Мустақил Давлатлар

Ҳамдўстлиги ҳамда Европа акциядорлар жамияти қабул қилган норматив хужжатларга таянилган¹.

Акциядорлар билан гаплашганда, асосан икки муаммо кўзга ташланди: биринчиси, корпоратив бошқариш ҳақида аниқ тасаввурларнинг ва меъёрий-хуқуқий хужжатлар базасининг шакллантирилмагани; иккинчиси, корпоратив бошқарувга формал, юзаки ёндашувнинг одатга айланганидир.

Корпоратив бошқарув тўғрисидаги билимларни ким шакллантиради, қандай институт унга бош-қош бўлади, масъулиятни ўз устига олади? Ахир бу инновацион гоя ўзидан ўзи тадбиркорлар онгида пайдо бўлмайди ва амалиётга сингмайди? Мазкур саволлар билан мурожаат этганимизда, бундай вазифани Адлия вазирлиги ҳузуридаги департамент шуғулланишини айтишди. Ҳа, Адлия вазирлиги қошидаги департамент корпоратив бошқарув масалаларини илмий ва амалий ҳал этиш билан шуғулланади. Мазкур институтда ҳуқуқшунослар фаолият кўрсатади, улар ичida олимлар ҳам бор.

Масалан, банклар акциядорлар жамияти сифатида корпоратив бошқарувга таянади. Мижозларнинг ўз маблағларини банкларда сақлаши уларни банк корпоратив бошқарувига тааллукли қилиб қўяди ва уларга бошқарувда қатнашиш ҳуқуқини беради. Бироқ амалда мижозларни корпоратив бошқарувда қатнашиши кузатилмайди. Тўғри, айрим йирик мижозлар, айниқса чет эл валюталарида сармоя киритган мижозлар, банк фаолияти, у олаётган фойда, ушбу фойданинг тақсимланиши, қачон акциядорлар йиғилиши ўтказилиши билан кизиқиб юрадилар. Лекин бошқа майда сармоядорлар, оддий мижозлар корпоратив бошқарувдан мутлақ бехабардирлар. Буни, албатта, департамент айбига йўйиш мумкин эмас, мижозлар акциядорлик ўюшмалари

¹ Каранг: Добровольский В.И. Применение корпоративного права: практическое руководство для корпоративного юриста. – Москва: Волтерс Клювер, 2008. – С. 6-8.

ҳақидағи меъёрий-хуқуқий ҳужжатлардан мутлақ бехабар, уларнинг аксарияти бундай ҳужжатлар борми ёки йўқ деб қизиқиб ҳам кўрмаган. Бу эса формал ишлашга ўрганган банк тизими ходимларида ошкоралик, тенглик, адолат каби ижтимоий тамойилларга амал қилишнинг бузилишига олиб келади.

Мижозлар, акциядорлар фаоллик кўрсатган жойдагина корпоратив бошқарув самарали ишлайди, эскича формал ишлаш барҳам топади. Европа акциядорлар кенгаши ва Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги томонидан қабул қилинган модуллар корпоратив бошқарув учун умумий дастуруламал, уни миллий хуқуқ тизимга ва миллий ижтимоий ҳаётга татбиқ этиш эса ҳар бир давлатнинг ички ижтимоий-хуқуқий фаоллиги натижасидир.

Акционерлар жамиятининг негизини акционерларнинг хусусий мулки (акцияси, қимматбаҳо қофози, пуллари, тадбиркорлик билан шуғулланиш учун зарур асбоб-ускуналари) ташкил этади. Мулкнинг умумийлиги акциянерларга корпоратив бошқарувда қатнашиш имконини беради. Бу мулк йирик капитал, йирик тадбиркорлик субъектининг юзага келишини таъминлайди. Бундай мулк шаклланган жойда тадбиркорларнинг корпоратив бошқарувга аралашуви табиий ҳолдир. Аммо уларнинг овози акционерлик жамиятига кўшган улушига баробардир.

Агар давлат акциянерлик жамиятининг 51 фоиз акциясига эга бўлса, у қабул қилинадиган қарорлар, режалар, фаолият турлари ва келган даромадларни тақсимлашда ҳал қилувчи овозга эга бўлади. Бу моҳиятан демократик бошқарув ва ижтимоий меъёрлар адолатли ишлашининг кафолати ҳисобланади. Аммо бу вакиллик бошқаруви ва оддий мижозларнинг бошқарувда қатнашишига халақит бермаслиги, тўсик бўлмаслиги керак. Тажриба кўрсатадики, акционерларнинг улушига нисбатан корпоратив бошқарувда ўрин эгаллаши, ҳал қилувчи овозни кўп акцияси бор муассаса

олиши баъзан бошқа мижозлар, субъектлар ҳуқуқларини менсимасликка, инобатга олмасликка сабаб бўлади.

Мазкур масалалар илмий адабиётларда турли баҳсларни, тортишувларни келтириб чиқармоқда. Бу ўринда марказлашган бошқарув билан локал, яъни акционерлар жамиятига кирган тизимларни бошқарувни уйғунлаштириш зарурияти туғилади. Акционерлар жамиятини бошқарув органи аслида шу вазифани бажаришга йўналтирилган¹. Демак, акционерлар жамияти фаолиятида қатнашиш билан унинг органини бошқариш ўртасида фарқлар мавжуд. Акционерлар истаган таклифни, фикрни билдиришлари мумкин, бироқ корпорациянинг умумий стратегияси уларнинг барча таклифларини ҳам қабул қиласкермайди.

Корпоратив бошқарувда ходимларнинг ижтимоий ва касбий фаоллиги, билими, саводхонлиги муҳим аҳамиятга эга. Фалсафа фанлари доктори А.Хусеинованинг ёзишича, “олий маълумотли аёллар, ННТ фаолиятида нафақат кенг қатнашадилар, шунингдек, улар фаолиятига юқори талаб ҳам қўядилар. Лекин ўрта маҳсус маълумотли аёлларнинг аксарияти ташкилотда маош жуда пастлигини билдирадилар. Суҳбатлар чоғида ушбу аёллар ижтимоий-сиёсий фаолият (фаоллик) хусусиятини яхши тасаввур этмасликлари аниқланган, улар камдан кам ҳолда бирор ташаббус билан чиқадилар”².

Тадқиқотчининг хуносасига кўра, “киши ўз фаолиятининг ижтимоий-сиёсий аҳамиятини етарлича баҳолай олмайди, у бошқаларнинг ҳам социум учун жон куйдираётганини, бутун ҳаёти, фаолияти жамият тараққиётига йўналтирилаётганини қадрламайди. Унинг учун “эл”, “халқ”, “миллат” ва “давлат” деган тушунчалар оддий сўздан фарқ қилмайди, у қандай тарзда ижтимоий манфаатларни назарга илмаса, менсимаса, эл-юрт, миллат,

¹Қаранг: Кашанина Т.В. Корпоративное право. – Москва: Юристъ, 1999. – С. 168-172.

² Хусеинова А. Фуқаролик жамияти ва аёллар. – Бухоро: Aqro Print, 2009. – 67 б.

давлат тараққиёти ҳақидағи дағыватларни ҳам шундай осонгина четлаб ўтади ёки рад этади. Ижтимоий-сиёсий борлық ўта мураккаблиги билангина әмас, балки миллионлаб, юз миллионлаб кишилар ҳаёти ва тақдирига боғлиқлиги, қабул қилинган ҳар бир ижтимоий-сиёсий қарор ана шу миллионлаб кишилар турмуш тарзига таъсир этиши билан ҳам маҳсус билимларни, сиёсат фалсафасига оид қарашлар, тасаввурлардан хабардор бўлишни тақозо этади”¹.

Тадқиқотчи Республика Тадбиркор аёллар Ассоциациясининг фаолиятини, бошқарув тизимини таҳлил қилади, ташкилотнинг хотин-қизларни корпоратив бошқаришга жалб этиш муаммоларини аниқлайди. Тўғри, А.Хусеинова корпоратив бошқарувнинг дифференциал хусусиятларини ўрганмайди, уни хотин-қизларнинг бизнесдаги фаоллиги масалалари қизиқтиради. Биз учун муҳим томони шундаки, корпоратив бошқарув маҳсус билимни, ҳуқуқий маданиятни биринчи ўринга қўяди.

Тадқиқотчининг келтиришича, Ўзбекистондаги аёллар масалалари билан шуғулланувчи 212 та ННТ, Ассоциация ва коперативлардан 64 фоизини олий маълумотли, 32 фоизини ўрта маҳсус маълумотли хотин-қизлар бошқаради². Лекин бу рақамлар ҳуқуқий маданият масаласини кун тартибидан сокит қилмайди, балки аёллар ассоциацияларининг бозор иқтисодиёти шароитида самарали ишлаши айнан хотин-қизларнинг ижтимоий-ҳуқуқий фаоллигига боғлиқлигини кўрсатади. Шу тариқа ижтимоий-ҳуқуқий фаоллик ва ҳуқуқий маданият тадбиркорлик учун зарур ижтимоий меъёрларга айланади. Ўзини ўзи бошқарув дейилганда – биз кишиларнинг маълум бир ижтимоий функцияларни бажаришга қаратилган, ихтиёрий тарзда тузилган, бошқариш

¹ Қаранг: Хусеинова А. Фуқаролик жамияти ва аёллар. – Бухоро: Aqro Print, 2009. – 69-70 б.

² Қаранг: Нишонова Н. Давлат бошқарув тизимида хотин-қизларнинг ижтимоий сиёсий фаолияти (фалсафий таҳлил). – Тошкент: Фан, 2013. – 172-173 б.

шакллари ва усулларини ихтиёрий тарзда танлайдиган жамоавий фаолият турини назарда тутамиз.

Ўзбекистон Республикасининг “Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида” 2013 йил 22 апрель (Янги таҳрири)даги қонунида “Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариши фуқароларнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунлари билан кафолатланадиган, уларнинг ўз манфаатларидан, ривожланишнинг тарихий хусусиятларидан, шунингдек миллий ва маънавий қадриятлардан, маҳаллий урф-одатлар ва анъаналардан келиб чиққан ҳолда маҳаллий аҳамиятга молик масалаларни ҳал килиш борасидаги мустақил фаолиятидир” деб таъриф берилади¹.

Мазкур ҳужжатда ўзини ўзи бошқариш органларининг дифференциал хусусиятлари маълум бир ҳудудда тузилиши ва ушбу ҳудудлардаги муаммоларни ечиш билан банд бўлиши, ахолининг вакиллик органи экани, бу вакиллар сайланиб туриши, фаолиятида демократизм, ошкоралик, ижтимоий адолат, инсонпарварлик, жамоатчилик ташаббусини қўллаб-қувватлаш каби ижтимоий меъёрларга таяниши, улар маҳаллий ҳокимият органлари тизимига кирмаслиги, юридик шахслар ҳуқуқларидан фойдаланиши, фуқаролар йиғини қарорларига мувофиқ фаолият юритиши кўрсатилган.

Мутахассисларнинг таъкидлашича, ўзини-ўзи бошқариш институтлари фаолиятида оммавий давлат муносабатлари ва хусусий муносабатлар уйгун келади. “Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариши учун ҳам давлат ҳуқуқий, ҳам хусусий ҳуқуқий субъектларнинг мавжудлиги характерлидир. Хусусий ҳуқуқий субъектларга фуқаролар, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари томонидан ташкил қилинган корхоналар, жамоатчилик бирлашмалари ва ҳоказолар киради. Шу билан бир вақтда фуқароларнинг

¹ Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2010, № 9. 1 модда.

ўзини ўзи бошқаришида халқ ҳокимиятчилигининг субъекти сифатида ахоли (фуқаролар), фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ва уларнинг мансабдор шахслари иштирок этувчи ҳуқуқий муносабатлар катта ўрин эгаллади. Юқоридагилардан, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқаришининг предметида ҳам оммавий давлат муносабатлари, ҳам хусусий муносабатлар мавжуд бўлган халқ ҳокимиятчилигининг аралаш, яъни давлат ижтимоий ҳокимият шакли деб таърифлаш мумкин”¹.

Бу ўринда гап ўзини-ўзи бошқаришнинг демократик, дифференциал вазифаларига кўра, халқ эҳтиёжларини тўла қондиришга хизмат қиласидиган институт экани ҳақида кетади. Ижтимоий моҳиятига кўра, ўзини ўзи бошқариш кишилар ижтимоий-ҳуқуқий фаоллигининг ифодасидир. Бу фаолликни ҳуқуқий маданият маҳсулси сифатида қараш зарур. Ҳуқуққа оид билимларга эга, ушбу билимларини креатив тарзда реал ҳаётга татбиқ этмоқчи бўлган киши ўзини-ўзи бошқариш органлари фаолиятида қатнашади, ташаббуслар кўрсатиб, ҳам сиёсий ҳуқуқий билимини, ҳам ҳаётий тажрибасини оширади.

Респондентларимизнинг 18 фоизи ўзини-ўзи бошқариш органларида фаолият юритишини ёки маҳалла, фуқаролар йигинлари ишларида қатнашишини билдиради. Бу фаоллик “а) ҳар бир фуқаронинг моддий ва ижтимоий маданий турмуш шароитини яхшилаш; б) фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари фаолиятини ҳамда сайлов тизимининг демократик принципларини янада такомиллаштириш; в) жамият ва давлат қурилишининг энг муҳим масалалари муҳокамаси ва ҳуқуқий актлар лойиҳаларини умумхалқ муҳокамасига қўйиш амалиётини янада кенгайтириш; г) давлат аппарати фаолияти ва унинг таъсирчанлигини кучайтиришда жамоатчилик назорати шаклларини ҳар томонлама кенгайтириш; д) фуқароларнинг ўзини-ўзи

¹Қаранг: Олламов Я. Фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариши халқ ҳокимиятчилигининг асоси. – Тошкент: Шарқ, 2011. – 16 б.

бошқариш органлари раҳбар ходимлари таркибини мунтазам янгилаш туриш, уларнинг аҳоли олдида ҳисоб бераб туриши принципларини янада изчил амалга ошириш йўллари билан амалга оширилади”¹. Ҳақиқатан ҳам, аҳолининг ижтимоий сиёсий фаоллигини уюштиришда ўзини-ўзи бошқариш органлари муҳим демократик институт ҳисобланади, бирорта сиёсий тузум улар имкониятларини рад этган эмас.

Давлат бошқаруви ва ҳалқ ҳокимиятчилигининг уйғун келиши демократик бошқарувнинг имманент хусусияти сифатида кенг эътироф этилади². Шу билан бирга юкоридаги респондентларимизнинг атиги 6 фоизигина ўзини-ўзи бошқариш органи фаолиятидан қоникишини билдиради. Улар 71 фоизи ўзини-ўзи бошқариш органлари фаолиятига салбий баҳо беради, улар фаолиятидан қониқмаслигини айтади. Атиги 9 фоиз респондент улар фаолиятига ижобий баҳо беради, 14 фоизи эса жавоб бермаган.

Бу ўринда бизнинг фикримизча, икки нохуш одат шакланаётгани кузатилади. Биринчиси, баъзи ҳудудларда ўзини-ўзи бошқариш органлари навбатдаги маъмурий бошқарув идораларига айланиб бораётгани, улар ходимларининг ўз хоналарида ўтириб ишлашга одатланаётгани, натижада аҳолидан, унинг ташвишларидан узокроқ бўлишга интилаётгани кўзга ташланади. Иккинчиси, улар давлат маҳаллий ҳокимиятининг навбатдаги хизматкорига, унинг қўрсатмаларини сўзсиз бажарувчи ижрочиларга айланаётгани сезилади. Кейинги йилларда фуқаролар йигинларининг раислари таркибида ёшариш амалга оширилган бўлса-да, уларда ҳам бевосита “ҳалқ ичига юриш” асосий фаолият турига айланмаяпти. Кабинетдан чиқмаслик, фаоллар ташаббусига таяна олмаслик, ёшлар

¹ Мусаев Ф. Демократик давлат қуришнинг фалсафий ҳуқуқий асослари. – Тошкент: Ўзбекистон, 2007. – 36-37 б.

² Қаранг: Олламов Я. Й., Сайдова Х.А. Фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш ҳуқуки: назария ва амалиёт масалалари. – Тошкент: ТДЮИ нашриёти, 2006; Маликова Г. Ўзини-ўзи бошқариш кучли фуқаролик жамиятининг таянчи. – Тошкент: ТДЮИ, 2005.

кучини ижтимоий зарур ва фойдали меҳнатга йўналтиrolмаслик, баъзан “мен сенга тегмайман, сен менга тегма” тарзидаги бепарволик ўзини-ўзи бошқариш ишларини самарали олиб боришга халақит бермоқда.

Масалан, маҳаллаларда ҳашар йўли билан ёрдамга муҳтоҷ оилаларга, кекса ва ёлғиз кишиларга уйларини таъмирлаб бериш, йўлларни тозалаш ва ободонлаштириш каби ишларга ёшлар жалб этиларди. Бу ўзбек халқига хос бўлган олижаноб хислат, қадрият эди. Бугун “вазифасига кирмаган ишларга жалб этиш тақиқланади” кўрсатмаси асосида биз ушбу анъанадан воз кечаяпмиз. Гоҳо бир тўда ёшларни сигарет чекиб, пиво ичиб, ўтаётган қизларга гап отиб ўтирганига дуч келамиз, ваҳоланки, уларни тўрт қадам нарида юзага келган ахлатни олиб ташлашга, ҳатто ўзлари ташлаган писта пўчоқларини олишга чакирмаймиз. Ижтимоий ҳаётга индиферентлик ёшлар хаёлидан тез жой олиши мумкин. Бу борада ўзини-ўзи бошқариш органлари самарали таъсир кўрсатишлари мумкин, бироқ бугун улар фаолиятида эскича ишлаш, илмий тадқиқотлар натижаларидан мутлақ бехабарлик, уларни ўз фаолиятига татбиқ этолмаслик устунлик қиласди.

Фуқаролар йиғинлари раислари ва уларнинг маслаҳатчилари билан суҳбатлашганда улар давлат маҳаллий ҳокимиятидан мустақил ишлаши кераклигини ёдга хам олишмайди. Ўз фаолиятининг фундаментал қоидасини билмаслик, аслида эскича тасаввур ва ишлаш, ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятига салбий таъсир кўрсатади, албатта. Ҳокимлар ўтказадиган йиғилишларга қатнашиш, кун бўйи кераксиз маърузаларни тинглаш, қофозбозлик фуқаролар йиғинлари раиси ва улар ёрдамчиларининг асосий ишига айланиб бораётгани ташвишли ҳол. Газета-журналларга обуналар уюштириш, макулатура ва металлом йиғиш, кўчаларни, майдончаларни супуриш кабилар уларнинг кундалик ишига айланиб қолган. Бундай

вазифаларни бажаришга уларни асосан маҳаллий ҳокимият мажбур қилиши кузатилади.

Ўзини-ўзи бошқариш органларида фаолият олиб бораётган ёки улар фаолиятида катнашаётган фаоллар респондентларга бошқарув тизими кўп дуч келаётган муаммолар нималардан иборатлигини кўрсатишни илтимос қилгандик. Уларнинг жавоблари қуидагича тақсимланди (респондентлар бир неча жавобларни кўрсатганлари учун умумий кўрсаткич 100 фоиздан юқори):

- носоғлом мухит 42 фоиз;
- эскича ишлаш 37 фоиз;
- ҳуқуқий саводсизлик 34 фоиз;
- бошқаришдаги қобилиятсизлик 29 фоиз;
- ислоҳотлар моҳиятини тушунмаслик 21 фоиз;
- меҳнат кодексининг бузилиши 20 фоиз;
- ўзбошимчалик 19 фоиз;
- субординациянинг бузилиши 10 фоиз;
- ходимлараро низолар 9 фоиз;
- маошни тақсимлаш 8 фоиз;
- шартномаларнинг бузилиши 7 фоиз;
- меҳнат унумдорлиги 4 фоиз,
- бошқаришда аниқ мақсаднинг йўқлиги 2 фоиз.

Респондентларнинг 42 фоизи ўзини ўзи бошқариш органлари дуч келаётган муаммолар носоғлом мухит, 37 фоизи эскича ишлаш усулидир, деб кўрсатади. Ушбу икки кўрсаткич ўртасида бевосита боғлиқлик мавжуд, чунки носоғлом мухитда янгича иш усувларини излаш, креатив фаоллик кўрсатиш қийин. Агар фуқаролар йиғинларида ҳаёт тажрибасига эга кишилар ишлашини эсласак, уларнинг носоғлом мухитни бартараф этиш йўлларини топишига ишонгинг келади. Лекин фуқаролар йиғинлари оиласалардаги носоғлом мухит билан рўпара келгандаридаги уни бартараф этишга ҳар доим ҳам тайёр эмаслиги аён бўлади. Буни оиласалардаги ажралишларнинг йилдан-йилга ошиб бораётгани ҳам тасдиқлайди. Яна бир ибратли мисол келтирамиз.

Масалан, Республика Бош прокуратураси хузуридаги Ахборот таҳлил мультмедиа маркази маълумотлари бўйича, 2017 йил якунларига кўра, республикамизда оиласарнинг ажралиш кўрсаткичи ортган. Яъни 31,9 мингтани ташкил этиб, олдинги йилдагига таққослаганда 32,9 фоиз қўп. Ушбу манбада келтирилишича, республикамизда ўтириш муаммолари оиласар сонини Ички ишлар вазирлиги 12 932 та, жойлардаги фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари келтиришича 8 264 та¹.

Рақамлар кўрсатиб турибдики, жойлардаги ўзини-ўзи бошқариш органлари маҳаллий ҳаётдан, оиласардаги муаммолардан етарли даражада хабардор эмас. Ишга формал ёндашиш, реал муаммоларни ҳал этиш технологиясини билмаслик улардаги камчиликлар ҳисобланади.

Юқоридаги жавоблар ичida ҳуқукий маданият учинчи ўринда (34 фоиз) туради. Бу ўринда гап ўзини-ўзи бошқариш органлари ходимларида ҳуқукий маданият керакли савияда эмаслигини кўрсатади. Социологик сўровномага жалб этилган респондентларнинг ҳар учдан бири ҳуқукий маданият ижтимоий муаммо бўлиб қолаётганини тасдиқлайди. Ушбу гурӯҳ респондентларни биз алоҳида ажратиб, улар жавобларини ўргандик. Уларнинг ходимларнинг ҳуқукий билими борасидаги фикрлари кўйидагича кўрсаткичлар беради: “Кониқарсиз” 52 фоиз; “Кониқарли” 29 фоиз; “Яхши” 19 фоиз. Респондентларнинг ярмидан кўпи ходимлардаги ҳуқукий маданиятни “кониқарсиз” баҳолайди.

Умуман, ушбу фикрларнинг тўғрилигини “Муассасангизда маданият бурчаги борми?” деган саволга олган жавобларимиз ҳам тасдиқлайди. Респондентларнинг 51 фоизи “Йўқ”, 27 фоизи “Эслай олмайман”, 11 фоизи “Яхши” деб жавоб берган. Қолган респондентлар (12 фоиз) жавоб беришни маъқул кўрмаган. Агар давлатимиз раҳбари

¹ Қаранг: Соғлом оила жамият ривожланишининг асоси // Халқ сўзи, 2018, 6 июль.

ишчанликнинг ибратли намунасини кўрсатиб деярли ҳар куни икки-учта Фармон эълон қилаётган ва узлуксиз тарзда видеоселектор йигилиши ўтказаётган бўлса, улар билан аҳолини, меҳнат жамоаси ва ходимларни таништириб бормаслик ўтказилаётган ислоҳотларга бефарқликдан бошқа нарса эмас. Бугун жамиятимизда ўтказилаётган ислоҳотлар динамикаси, шиддати ва қўлами ҳуқуқий маданиятни асосий масала қилиб қўймоқда.

Шу нуқтаи назардан ўзини-ўзи бошқариш органлари фаолиятини белгиловчи ижтимоий меъёр, шубҳасиз, аҳолининг ҳуқуқий саводхонлигидир. Бу вазифани ўзини-зи бошқариш органларининг якка ўзи амалга ошира олмайди, демак, ҳуқуқий тарғибот ва ҳуқуқий тарбия билан шуғулланишга даъват этилган турли ташкилотлар, муассасалар ва институтлар билан координациялашув талаб этилади. Ўзини-ўзи бошқариш органларининг дифференциал ҳусусиятлари ҳам мана шу координацион алоқаларни йўлга кўйиш, ташкил этишдадир. Жавоблар кўрсатадики, ташкилотчилик алоҳида, кишилар билан ишлаш санъатидир. Шунинг учун ҳам респондентлар жавобларида ташкилотчилик қобилияти, бошқариш санъати, кишилар билан ишлай олиш кўнкимаси каби ижтимоий психологик омилларга урғу берилиши кузатилади.

Махсус тадқиқотлар натижалари ҳам кўрсатадики, “жамиятимизда раҳбарлик фаолияти ва унинг самарааси талаб даражасида эмаслиги аён бўлиб қолаётир. Бунинг ҳар хил объектив ва субъектив омиллари бор, албатта. Субъектив омиллардан бири шуки, жамият аъзоларидан бир қисмининг онги, дунёқарashi ҳали бошқарув фаолиятига тайёр эмасга ўхшаяпти. Раҳбарликнинг моҳиятини, мақсад ва вазифаларини тушунмаслик оқибатида айрим етакчилар ўз фаолиятига лоқайд муносабатда бўлмоқдалар. Баъзи кишилар эса боқимандалик кайфиятидан тўла кутулган эмас. Шу билан бирга, айрим раҳбарлар ўз ҳақ-ҳуқуқларини, бурч ва мажбуриятларини етарли даражада билмайдилар. Айниқса,

буғунги кунда ҳар бир раҳбар жуда кўп соҳаларни, ҳар бир соҳанинг ўзига хос муракқабликларини яхши билиши, олдига қўйган мақсадини ҳис этиши, раҳбарлик маданияти ва этикасини чуқур англаши лозим”¹.

Ҳаваскорлик бошқаруви деганда биз кишиларнинг ихтиёрий ижодий, дам олишга қаратилган, маданий маърифий, илмий техник уюшмаларида амалга ошириладиган фаолият турини назарда тутамиз. Уларнинг ядросини ҳаваскорлик уюшмалари ва ушбу уюшмалар фаолиятини йўлга қўйишга қаратилган ихтиёрий ўзини ўзи бошқариш усуллари, шакллари ташкил этади. Бундай ҳаваскорлик уюшмалари маданият ва маънавият саройлари, Ёшлар ижоди уйлари, мактабдан ташқари муассасалар, маҳаллалар қошида ташкил этилган.

Мутахассисларнинг фикрига кўра, бундай ҳаваскорлик уюшмалари маънавий ижодий ва бошқарув функцияларни бажаради. Маънавий ижодий функцияларга ахлоқий тарбия, халқ ижоди ва санъатини тарғиб қилиш, дам олиш ва ҳордиқ чиқаришни уюштириш; бошқариш функцияларига эса давлат ва жамоатчилик бошқаруви, ахолига маданий хизмат кўрсатиш, иқтисодий бошқариш киради².

Мазкур дифференциал хусусиятлар ҳаваскорлик бошқаришини давлат бошқарувига қарши қўймайди. Давлатнинг маданият ва санъат соҳасига бефарқ қолишини тасаввур этиб бўлмайди. 2016-2018 йиллар ичida Ўзбекистон Республикасининг Президенти томонидан бевосита маданият ва санъатга оид 8 та Фармон ва уларга оид давлат дастурлари қабул қилиниши бу фикримизни тасдиqlайди. Бу, ўз навбатида, ҳаваскорлик бошқарувидаги мустақилликка, ижодий эркинликка халақит бермайди. “Ўзининг ички ранг-баранглиги, ҳақиқат, эзгулик, софлик ва етукликни

¹ Боймуродов Н. Раҳбар психологияси. – Тошкент: Янги аср авлоди, 2016. – 21 б.

² Каранг: Алимасов В., Манзаров Ю. Ўзбекистонда маънавий-маърифий соҳа: назария ва амалиёт(фалсафий социологик тадқиқот). – Тошкент: Наврӯз, 2014. – 24 б.

излашдаги беоромлиги, доимо изланишда ва ривожланишда бўлиши билан маданият, ижод тирикдир. Маданият ва ижоднинг бу дифференциал хусусияти давлатни бир жойда қотиб қолмасликка ундейди, ҳатто айтиш мумкини, улар бошқаришнинг айрим томонларига оппозицияда бўлади.

Инсоният тарихи давлат бошқаришининг у ёки бу томонларига, кўринишларига нисбатан оппозицияда турмаган маданият ва ижод борлигини билмайди. Давлат бошқаришининг моҳияти нафақат, юкорида санаб ўтганимиздек, зарур шарт-шароитларни яратиб беришдан, шу билан бирга, маданият ва ижод соҳасидаги ранг-баранг оқимларни, шу жумладан, оппозицияни ҳам умумхалқ ва умумдавлат мақсадига йўналтира олишдан иборатdir¹. Ҳаваскорлик бошқарувининг ижтимоий меъёрлари айнан ушбу вазифани бажаришда акс этади.

Ҳаваскорлик бошқарувини кенг маънода ҳам талқин этиш, қараш мумкин. Қаерда кишиларнинг ҳаваскорлик уюшмалари бўлса, ўша ерда уларнинг ҳаваскорлик бошқаруви шакллари ҳам мавжуддир, чунки ҳар қандай кишилар бирлиги маълум бир ташкилий-хуқуқий ва ижтимоий психологик таъсир механизmlарини, усуllарини тақозо этади. Худди шунингдек, ҳаваскорлик бошқаруви шакллари давлат бошқаруви, корпоратив бошқарув, ўзини-ўзи бошқарув органлари билан ёнма-ён фаолият юритиши, уларга ёрдамчи сифатида функцияларини тўла бажаришга ёрдамлашиши, қабул қилинган қарорлар аҳамиятини кенг аҳолига етказишда самарали тадбирлар амалга ошириши мумкин. Ҳаваскорлик бошқаруви профессионал бошқарув ўрнини боса олмайди, бу шубҳасиз.

Бироқ, у демократик бошқарувнинг энг оммавий, ихтиёрий ва самарали кўриниши сифатида ижтимоий борлиқдаги жараёнларни рационал бошқаришга етаклаши

¹Қаранг: Алимасов В., Манзаров Ю. Ўзбекистонда маънавий-маърифий соҳа: назария ва амалиёт (фалсафий социологик тадқиқот). – Тошкент: Наврӯз, 2014. – 74 б.

билан қимматлидир. Ҳаваскорлик бошқаришининг маданият ва ижод соҳасида кенг тарқалгани бежиз эмас, кишилар у билан бўш вақтларида, маданият ва ижод сирларини очишга, билишга интилганларида шуғулланганлари учун оммавий ихтиёрий ва ижодий характер касб этади. Маданият ва маънавият муассасаларида ташкил этиладиган координацион кенгашлар, ҳаваскорлик уюшмаларининг Низоми асосида иш олиб борувчи ижодий комиссиялар, у ёки бу оммавий тадбирни уюштириш мақсадида ташкил қилинадиган жамоатчилик бошқаруви ҳаваскорлик бошқарувига ёрқин мисолдир.

2.2. Марказий ва маҳаллий бошқарув институтлари ходимларининг хукуқий маданияти

Жамиятда хукуқнинг ижтимоий қадриятга айланиши ва шундай қадрият сифатида ижтимоий-хукуқий борлиқни яратиши, аввало давлат бошқарув институтлари ходимларининг хукуққа муносабатлари ва хукуқий саводхонлигига боғлиқдир. Давлат ва унинг институтлари жамиятни ўз атрофида бирлаштирувчи сиёсий куч, ядро сифатида ижтимоий ҳаётга таъсир этади, аҳолининг ижодий, сиёсий ташаббусларини қўллаб-қувватлаши орқали унда зарур бўлган қадриятларни, социал нормаларни, ахлоқий императивларни шакллантиради.

Шунинг учун ҳам ижтимоий ҳаёт ўзидағи барча ютуқларни ҳам, камчиликларни ҳам аввало давлат, унинг институтлари фаолияти, улар қабул қилган қарорлар ва режалар билан боғлайди. Бизни Т.Гоббс назарда тутган “давлат фалсафаси”¹ эмас, балки давлат институтлари ходимларидаги хукуққа муносабатлар, янада аникроқ айтадиган бўлсак, уларнинг хукуқий саводхонлиги қизиқтиради. Мазкур мақсаддан келиб чиқиб, биз дикқатимизни давлат идоралари, уларда хизмат қилувчи

¹Қаранг: Гоббс Т. Сочинения в томах. Т.1. – Москва: Мысль, 1989. – С. 80.

ходимларга қаратамиз. Ҳуқуқшунос олимлар фикрига кўра, давлат идоралари хилма-хилдир.

Уларни:

- 1) пайдо бўлишнинг манбаига кўра бирламчи ва иккиламчи идоралар;
- 2) ҳудудий фаолиятининг доирасига кўра республика, вилоят, маҳаллий ўзини-ўзи бошқариш идоралари;
- 3) ваколатларнинг табиатига кўра умумий ваколат идоралари ва маҳсус ваколат идоралари;
- 4) ҳокимиятни амалга ошириш тартибига кўра коллегиал ва якка тартибдаги идоралар”¹. Бизнинг мавзумизга иккинчи ва тўртинчи жуда яқин, шунинг учун биз мавзуни ана шу йўналишлар билан боғлаган тарзда очиб беришга интиламиз.

Ҳуқуқшунос олимлар классификациясидан келиб чиқсан, давлат бошқарувининг ҳудудий (республика, вилоят ва маҳаллий ўзини-ўзи бошқарув) погоналаридаги идораларини маълум бир аппаратлар бошқаради. Мазкур аппаратлар дифференциал хусусиятларига кўра 1) бошқарув ишлари билан маҳсус шуғулланувчи фуқаролар гурухи; 2) “давлат функцияларини бажаришга ваколатли бўлган ва ўзаро бўйсуниш ёки келишиш асосида боғланган давлат органлари ва муассасалар тизими”; 3) “халқ иродасини амалга ошириш, ўз вазифасини бажариши учун зарур воситалар ва мажбуrlаш қуролларига эга бўлган органдир”². Биз давлат органлари (аппаратлари)нинг ушбу дифференциал хусусиятлари қаторига ахолининг ҳуқуқий маданиятини юксалтиришни ҳам қўшамиз. Чунки мазкур вазифага оид мақсад ва йўлларни фақат давлат органи белгилаб беради.

Давлат бошқарувининг республика погонасига олий бошқарув органлари, яъни Ўзбекистон Республикасининг Олий Мажлиси, Ўзбекистон Республикасининг Президенти

¹ Каранг: Сайдов А., Тожихонов У. Давлат ва ҳукуқ назарияси. 1 жилд. Давлат назарияси. – Тошкент: Адолат, 2001. – 212 б.

² Каранг: Ўша асар. – 214 б.

ва олий ижро органи Ўзбекистон Республикасининг Вазирлар Маҳкамаси, Ўзбекистон Республикасининг Конституцион суди, Ўзбекистон Республикасининг Олий суди киради. Мазкур олий идораларнинг дифференциал хусусиятлари, функционал вазифалари, фаолият доиралари Ўзбекистон Республикасининг Конституциясида белгилаб берилган.

Олий органлар ишлаб чиқсан ва қабул қилган меъёрий-хуқуқий хужжатлар, нормалар барчага тааллуқли, мажбурийдир. Бу ўринда аввало Ўзбекистон Республикасининг Конституциясини келтириш лозим. Конституция миллий давлатчилик ва жамият тараққиётининг магистрал йўлларини белгилаб берувчи хуқуқий хужжатдир. Шунинг учун у “мустақил давлатнинг моҳияти, асосий хусусиятлари, бугуни, эртаси ҳамда келажагини белгилаб берганлиги билан қадрлидир”¹.

Мавзумиз учун энг муҳими шундаки, Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси инсон хуқуқ ва эркинликларини олий қадрият даражасига кўтаради, инсон жамият давлат манфаатларини уйғунлаштиришнинг сиёсий, иқтисодий, маънавий ва хуқуқий асосларини кўрсатиб беради, демократия ва фуқаролар ташабbusларини қўллаб-куватлади, улардан конструктив фойдаланишга, тараққиётга хизмат қиласидан инновацион изланишларга чорлайди².

Жамият хуқуқий маданиятини юксалтириш ҳам конституциявий принциплар нуқтаи назаридан амалга оширилади. Чунки демократик хуқуқий давлат қуриш – фуқароларнинг хуқуқий онги, хуқуқий билими ва ижтимоий-хуқуқий фаоллигига бевосита боғлиқ. Демак, конституциявий хуқуқ фуқароларнинг хуқуқий саводхон ва ижтимоий-хуқуқий борлиқнинг фаол субъектлари сифатида характер

¹ Одилкориев Х.Т., Якубов Ш.У. Миллий хуқуқий тизим ва хуқуқий қадриятлар. Монография. – Тошкент: SMI ASIA, 2010. – 178 б.

² Қаранг: Ўразаев Ш.З. Мустақил Ўзбекистон Конституцияси. – Тошкент: Ўзбекистон, 1994. – 54-57 б.; Қаюмов Р.Қ. Ўзбекистон Республикасининг конституциявий хуқуқи. – Тошкент: Академия, 1998. – 36 б.

қилишга, яшашга ундаиди, уларнинг бу борадаги ҳуқуқ ва эркинликларини кафолатлайди. “Инсон ва фуқаронинг ҳуқуқ, эркинлик ва мажбуриятлари тенглик ҳамда тенг ҳуқуқлилик асосида амалга оширилади. Бу принцип Конституцияда тўрт жихатдан таърифланган:

- барча фуқароларнинг қонун ва суд олдида тенглиги;
- фуқаролар ҳуқуқ ва эркинликларининг тенглиги;
- эркаклар ва хотин-қизларнинг тенг ҳуқуқлиги;
- конституциявий ҳуқуқ ва эркинликларнинг кафолатланганлиги;

Инсонларнинг ажралмас ҳуқуқлари ҳам мавжуд бўлиб, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари чегараланишига йўл қўйилмайди.

Мазкур принцип инсонга туғилишидан табиатан тегишли бўлган, ундан ажралмас ҳуқуқ ва эркинликларининг давлат томонидан тан олинишидан келиб чиқади; ҳуқуқ ва мажбуриятлар бирлиги принципи.

Шахс нафақат муайян ҳуқуқ ва эркинликлар эгаси, балки мажбуриятлар соҳиби ҳамдир. Турли-туман ҳуқуқий муносабатлар иштирокчиси бўлмиш фуқаро фақат ҳуқуқ ва имтиёзлардан фойдаланиб қолмасдан, жамият, давлат ва бошқа фуқаролар олдида муайян мажбуриятлар ҳам ўтайди”¹.

Бу ерда урғу фуқароларнинг тенглиги масалаларига берилаяпти. Ҳа, фуқароларнинг эрки, тенглиги муҳим ижтимоий-ҳуқуқий меъёр ҳисобланади, уларнинг мажбуриятларига муносабатлари ҳам ана шу меъёрлар билан ўлчанади. Шу билан бирга, бизнинг фикримизча, конституциявий ҳуқуқ ҳуқуқий маданиятни, ҳуқуқий саводхонлик феноменларини мажбурият даражасида қўяди. Фуқароларнинг ўз мажбуриятларини керакли даражада ва савияда амалга ошириши уларнинг ижтимоий-ҳуқуқий борлиққа муносабатлари, ушбу муносабатларни келтириб

¹ Одилқориев Х.Т., Якубов Ш.У. Миллий ҳуқуқий тизим ва ҳуқуқий қадриятлар. Монография. – Тошкент: SMI ASIA. 2010. – 182-183 б.

чиқарувчи омиллар бўлган хуқуқий онги, хуқуқий билими, хуқуқий позициясига боғлиқдир.

Давлат институтлари ходимларининг Конституцияни билиши ана шу тарзда уларнинг мажбуриятига айланади. Бу мажбуриятдан уларни ҳеч ким ва ҳеч нима озод қилолмайди, аксинча уларнинг бошқарув фаолияти бевосита Конституция принципларига мувофиқ бўлишини белгилайди. Давлатнинг олий органлари ўзлари ишлаб чиқсан ва қабул қилган қонунларга, меъёрий-хуқуқий хужжатлар талабларига бўйсуниши нафақат уларга юклатилган конституциявий хуқуқий мажбурият, шу билан бирга, ўрта ва қуйи бошқарув органлари ўзига намуна қилиб оладиган андоза, дастуруламалдир.

Шунинг учун олий идора ходимларининг ўзбошимчалиги, автократизмга, таъмагирликка ва коррупцияга берилиши, адолат принципларини топташи давлат ва халқقا қимматга тушади, шахсга сифинишдек иллатни келтириб чиқаради, хурфиксикликни бўғади, жамиятнинг табақаланишиб, ижтимоий қатламлар ўртасидаги антогонизмни авж олдиради. Қўшни республикалардаги “рангли инқилоблар”, халқ оммасидаги норозиликлар ана шундай салбий иллатлар боис рўй берган.

Олий бошқарув институтлари қанчалик нуфузли, юксак ва мўътабар идоралар бўлмасин, уларни ҳам ўз мақсади, ҳаётий идеали, келажак ҳақидаги тасаввурлари, шахсий орзуумидлари бор кишилар бошқаради. Улар ҳам ғайриҳаётий хаёлларга берилиши, бурчини унтиб қўйиши ёки уни тўла англамаслиги, яқинлари ҳақида қайфуриши, саломатлигини йўқотиб тушкунликка тушиши, ҳатто бад ўйларга берилиши мумкин¹.

¹Қаранг: Макиавелли Н. Государь; Рассуждения о первой декаде Тита Ливия; О военном искусстве: Сборник. – Минск: ООО Попурри, 1998. С.110 112. Одам ва олам. Қилга осилган килич. Қадимги ривоятлар ва тарихий хикоятлар Муҳтор Худойкулов талқинида. – Тошкент: Наврўз, 2014. – 16-19 б.

Қадимги ҳинд китоби “Яджнавалкъя смрити”да олий бошқарувга эга подшо фазилатлари ҳақида қуйидагилар дейилади: “Подшо энг олий даражада гайратли, сахий, яхшиликни билувчи, доноларнинг сўзларига қулоқ тутувчи, босик, кўрқмайдиган, таг зотли, ҳаққоний, софдил, чидамли, чаққон, хотираси кучли, ёмонларга яқинлашмайдиган, эзгуликка содик, билиб иш тутадиган, жасур, сир сақлайдиган, ўз камчиликларини яшира оладиган, фалсафа ва бошқа доно таълимотлардан хабардор бўлиши лозим”¹.

Албатта, бу фазилатларнинг барчаси бир шахсда учраши қийин. Шаҳар ҳокими ҳақида фикр юритиб, Форобий ҳам унда ўн икки фазилатлар уйғунлашиб келишини истайди. Аммо у реалист сифатида таъкидлайди: “Мана шу барча хислатларнинг бир одамда жамланиши амри маҳол, зеро бундай туғма фазилатлар соҳиби бўлган одамлар жуда кам учрайди ва улар нодир инсонлардир”. “Мабодо, деб давом эттиради Форобий, шу хислатларнинг барчасини ўзида жамлаган бир одам топилмаса, икки киши биргалашив, шу хислатларга эга бўлишса (яъни бири донишманд, иккинчиси қолган хислатлар соҳиблари бўлса) шу икковини фозиллар шахрига раҳбарликка қўйиш зарур.

Мабодо бир гуруҳ одамлар биргаликда ана шу хислатларга эга бўлишса, (яъни бирида бу, иккинчисида у, учинчисида яна бошқа хислатлар бўлса) ана шу фозиллар гуруҳини юрг раҳбарлигига қўйиш зарур. Шу гуруҳ аъзолари биргалашив, ўзаро келишиб ҳаракат қиласа ҳар бири фозил ҳоким бўлиши мумкин. Мабодо бирор замонда фозиллар шахрида ҳокимлик қилаётган бир ёки бир неча кишида бошқа зуур хислатлар бўлсаю, аммо донишмандлик бўлмаса, фозиллар шаҳри яхши ҳокимсиз қолади, бундай шаҳар ҳалокатга юз тутади”².

¹ Қаранг: Одам ва олам. Қилга осилган килич. Қадимги ривоятлар ва тарихий хикоятлар Мухтор Худойкулов талқинида. – Тошкент: Наврӯз, 2014. – 6 б.

² Форобий, Абу Наср. Фозил одамлар шаҳри. – Тошкент: Абдулла Қодирий номидаги Халқ мероси нашриёти, 1993. – 160-161 б.

Аслида файласуф демократик бошқарув ҳакида гапирайпти. Юксак ижтимоий фазилатларга эга кишиларнинг биргалашиб давлатни, ҳокимиятни бошқариши “ҳалокатга юз тутиш”дан асрайди. Ушбу утопик истак, ғоя келажакка қаратилгани билан эътиборли, аммо замонавий давлатлар реал, конструктив, прагматик мақсадларга қурилган, улар ўзининг сиёсий стратегиясини ижтимоий борлиқнинг аниқ талаблари ва эҳтиёжларидан олади. Улар (давлатлар, уларнинг бошқарув институтлари) мазкур талаблар ва эҳтиёжларни ўзининг сиёсий стратегик мақсадларига мувофиқ аниқлаштиради, тўлдиради ва бойитиб бутун жамиятга тавсия этади. Жамиятнинг ҳуқуқий маданиятини юксалтириш миллий концепцияси (1997) шу тартибда ишлаб чиқилган.

Олий бошқарув томонидан ишлаб чиқиладиган ва қабул қилинадиган қонунлар, нормалар ва давлат дастурлари алоҳида хусусиятга эга ҳуқуқий маданиятдир. Масалан, парламент маданиятини олайлик. Парламент қабул қиладиган қонунлар:

- 1) Конституцияга мувофиқ келиши;
- 2) муҳим янги қоидаларга эга бўлиши;
- 3) ҳуқуқий тизимга унинг узвий қисми сифатида қўшилиб кетиши;
- 4) аҳоли бирон бир қисмининг ҳуқук ва эркинликларини камситадиган ҳеч бир қоидага эга бўлмаслиги;
- 5) қонун талабларининг бажарилмаслиги учун жавобгарлик белгиланган бўлиши зарур¹.

Шунинг учун Парламент маданияти қонунларнинг ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солишнинг максималлиги; кўрсатма ва тақиқ белгиларининг аниқлиги; норматив кўрсатмаларнинг мантиқий жиҳатдан изчил баён этилиши, уларнинг системага эга бўлиши; зиддиятлар ва қарама-қарши

¹ Тожихонов У., Сайдов А. Ҳуқуқий маданият назарияси. Дарслик икки томлик. 2 том. – Тошкент: ЎзР ИИВ Академияси, 1998. – 6 б.

фикрлар тўқнашуви нинг бўлмаслиги; қонуннинг шиорга айланниб қолишига йўл қўймаслик; норматив материалнинг аниқ, қисқа ва равшан бўлиши; норматив акт тилининг равшан, оддий ва тушунарли, матннинг осон эсда қоладиган бўлиши; фойдаланиладиган техник усувларнинг бир хил ва изчил бўлишида¹ акс этади.

Мазкур вазифаларга диққат билан қараган киши қонун ишлаб чиқиш ва қабул қилиш осон иш эмаслигига, у алоҳида фаолият, маданият тури эканига икror бўлади. Ранг-баранг манфаатлар ва қизиқишларга қурилган демократик жамиятда ҳамма амал қилиши шарт бўлган нормаларнинг яратилиши жуда қийин. “Қонун барча амал қилганидагина самара беради. Агар қонун бажарилмаса, у қонун эмас, шиор бўлиб қолади. Ҳаётий эмаслиги маълум бўлган қонунни чиқаргандан чиқармаган афзal. Ишламаётган қонунлар қонун чиқарувчининг ва давлатнинг обўсига путур етказади. Қонунга амал қилмаслик жамиятни парокандаликка олиб келади, уни юксак даражада ташкил топган “организм”дан мўрт ва шаклсиз массага айлантиради. Қонунлар ишламаслигининг оқибатларидан бири уларни яхши билмаслиқдир”². Олимлар мазкур салбий ҳолни жойлардаги талабчанлик ва ижро интизомининг йўқлиги билан боғлашади. Бизнинг фикримизча, бу ўринда Парламент маданиятининг юкори эмаслиги ҳам сабаблардан биридир. Буни олимларимизнинг ўзлари ҳам эътироф этадилар. Улар ёзишади: “Юксак ҳуқуқий маданиятга эгалиги, ҳуқуқий кўрсатмаларни билиши билан мақтана оладиган мутахассислар ва раҳбарлар, албатта, кўп эмас.

Бугунги кун воқелиги тизимли муаммоларга тезкорлик билан муносабат билдиришни талаб қилади, уларнинг ечимлари йўқлиги мамлакатда олиб борилаётган ислоҳотларда акс этмоқда. Бироқ, бу борада қўлланилаётган

¹ Тожихонов У., Саидов А. Ҳуқуқий маданият назарияси. Дарслик икки томлик. 2 том. – Тошкент: ЎзР ИИВ Академияси, 1998. – 6 б.

² Ўша асар. – 7 б.

норма ижодкорлиги ёндашуви қонун хужжатларининг мамлакат иқтисодиёти тармоқларига таъсирини баҳолаш заруриятини ҳисобга олмаяпти ҳамда жамоатчилик фикрини инобатга олган ҳолда фуқароларнинг ҳаёти ва фаровонлигини яхшилашга доир вазифаларга эришишни таъминламаяпти. Шу билан бирга, умумий тусга эга қонунлар кўплиги шунингдек, уларни амалга оширишнинг муайян механизмисиз айрим қарорларнинг қабул қилиниши, умуман давлат ва жамият ривожига салбий таъсир кўрсатмоқда, ижтимоий муносабатларни, асосан, қонуности хужжатлари билан тартибга солишга олиб келмоқда"¹.

Давлатимиз раҳбари Ш.М.Мирзиёев ташаббуси билан амалга оширилаётган ислоҳотлар ва қабул қилинган Ҳаракатлар стратегияси мамлакатни танқидий таҳлил, халқ билан очиқ муроқот, кишиларнинг ташаббусларига кенг йўл беришни тақозо этдики, Миллий Парламент, Вазирлар Маҳкамаси, Конституцион суд, Олий суд каби олий бошқарув институтлари фаолиятига демократик тараққиётнинг янги босқичи нуқтаи-назаридан қарашга унадди. Ўтган ўн йилликларда ушбу бошқарув институтлари фаолиятида ҳам турғунлик, йўқ нарсани бор қилиб кўрсатиш, расмиятчилик, халқдан узоқлашиш, коррупция, таъмагирлик каби иллатлар мавжудлиги аён бўлиб қолди. Қабул қилинган қонунларнинг ишламаслиги натижасида Республика Бош прокуратураси ва унинг тизимларида порахўрлик одатга айланди, кишиларнинг бошқарув идораларига бўлган ишончи сўна бошлади. Мазкур иллатлар давлатимиз раҳбарининг “Мамлакатимизни 2016 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг асосий якунлари ва 2017 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишлари”га бағищланган Вазирлар Маҳкамасининг кенгайтирилган мажлисидаги маърузаси (2017 йил

¹Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони. “Норма ижодкорлиги фаолиятини такомиллаштириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”//Халқ сўзи, 2018, 9 август.

14 январь)да очик айтилган ва олий бошқарув институтлари ходимларининг фаолияти янгича баҳоланиши таъкидланган. Президентимиз демократик ривожланишни янги босқичга кўтариш учун учта энг муҳим талабга риоя этиш зарурлигини уқтиради: “Биринчи давлат раҳбари Президентдан бошлаб барча бўғиндаги раҳбарларнинг якуний натижалар учун шахсан жавобгарлиги. Иккинчи ҳамма соҳада аниқ тартиб ва қаттиқ интизомни таъминлашимиз даркор. Яна бир бор таъкидлайман, ишни биргаликда бажарамиз, натижа учун эса, ҳар биримиз шахсан жавоб берамиз. Учинчи талаб сафларимиз ва кадрларимизнинг соғлигини таъминлаш, ишдаги ҳар қандай салбий ҳолатларнинг олдини олиш ва бундай иллатларнинг илдизини қуритиш. Ўтган йили ишдаги жиддий камчиликлар ва шахсий масъулиятсизлиги учун Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирини, “Ўзстандарт” агентлиги, “Ўзбекэнерго” акциядорлик жамияти, “Асакабанк” ва бошқа бир қатор бошқарув органлари ва ташкилотлар раҳбарларини лавозимидан озод этдик. Айнан шу сабабларга кўра Бухоро, Жиззах, Сурхондарё, Сирдарё ва Тошкент вилоятлари, шунингдек, бир қатор шаҳар ва туман ҳокимлари лавозимидан озод қилинди”¹. Бу салбий ҳоллар бошқарув институтлари ходимларининг ҳуқуқий маданиятидан дарак беради.

Бошқарув институтларининг қуий поғонасига вилоят, шаҳар, туман, қишлоқ, овул идоралари ва мазкур ҳудудларга оид масалаларни ташкил этиш, олиб бориш билан шуғулланувчи турли (молия, адлия, таълим, спорт, маданият, соғлиқни сақлаш ва бошқалар) муассасалар киради.

Тадқиқотчилар бу идоралар ва муассасалар фаолиятини бошқариш маълум бир шахсларга, яъни мансабдорларга юқлатилишини таъкидлашади. Демак, юқоридаги турли идоралар ва муассасалар фаолиятини, улардаги ҳуқуқий

¹ Қаранг: Мирзиёев Ш.М. Миллий тараққиёт йўлимини қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз. Т.1. – Тошкент: Ўзбекистон НМИУ, 2017. – 290-291 б.

маданият ахволини, аввало, мансабдор шахслар орқали аниқланиши мумкин. “Мансабдор шахслар деганда, давлат органларининг хуқуқларини рўёбга чиқариш бўйича ташкилий бошқарув функцияларини бажарувчи ҳамда фуқаролар учун хуқуқий оқибатларни келтириб чиқарувчи юридик аҳамиятга эга бўлган ҳаракатларни амалга оширувчи ва хизмат мажбуриятларини бажармаганликлари учун оғир жавобгарликка тортилиши мумкин бўлган шахслар назарда тутилади.

Мансабдор шахсларнинг хуқуқий маданияти уларнинг хуқуқий билимлари, қадриятларни тушунишлари, онги, ўз фаолиятларида хуқуқий қадриятларни ўзлаштиришлари ва қўллашларини ўз ичига олади. Конун доирасида ўз хизматларини юқори савияда амалга ошириши мансабдор шахснинг хуқуқий маданиятини белгилайди”¹.

Бошқарув ишларида иштирок этадиган ҳар бир субъект институт мавқеига, аҳоли ўртасидаги обрўсига таъсир этади, унинг муносабатлари фақат унинг шахсий хулқ-автори эмас, у ўз фаолияти орқали бошқарув институти ҳақидаги ижтимоий фикрни шакллантиради.

Респондентларимизнинг 42 фоизи давлат бошқарув институтларида хизмат қилишини маълум қилишган. Айнан ушбу гуруҳдаги ходимларнинг анкетамиздаги саволларга жавобларини кузатдик. Уларнинг “Сизда бошқарувни асосан ким олиб боради?” деган саволимизга берган жавоблари куйидагича бўлди:

- ҳоким ва унинг муовинлари 68 фоиз;
- корхона раҳбари 37 фоиз;
- раис 3 фоиз;
- акциянерлар ва уларнинг умумий йифини 2 фоиз;
- бизнес жамоа 1 фоиз.

Жавоблар кўрсатадики, маҳаллий бошқарув институтларида мансабдор шахсларнинг ўрни ва таъсири

¹ Тожихонов У., Саидов А. Хуқуқий маданият назарияси. 2 томли. 2 том. – Тошкент: ЎзРИИВ Академияси, 1998.17 б.

катта. Бошқарув фаолиятини асосан ҳоким ва унинг муовинлари олиб боради (68 фоиз). Аммо улар фаолиятидан атиги 18 фоиз респондент қониқади. 54 фоиз респондент бошқарув ишларидан қониқмаслигини, 21 фоиз эса унчалик қониқмаслигини билдирган. 7 фоиз респондент анкета саволларига жавоб бермаган. Демак, респондентларнинг ярмидан зиёди маҳаллий бошқарув институтлари фаолиятидан қониқмайди.

Агар ушбу фикрларни мазкур бошқарув институтларида хизмат қилаётган ходимлар билдираётганини эсласак, ахволнинг мураккабликлар ва зиддиятларга тўла эканига икрор бўламиз. 2005 йили Республика ижтимоий фикрни ўрганиш жамоатчилик маркази томонидан ўтказилган маҳсус социологик тадқиқотда мамлакатдаги демократик ривожланишга кўмаклашувчи ижтимоий омиллар аниқланган.

Респондентларнинг 57,9 фоизи инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилишнинг кенгроқ кафолатлари, 56,1 фоизи ижтимоий адолатни таъминлаш, 34,0 фоизи жамиятнинг маънавий-ахлоқий ҳолатдаги ўз ролининг жамоатчилик томонидан англаниши (айниқса ўсиб келаётган авлоднинг), 33,3 фоизи оммавий ахборот воситаларида жамоатчилик фикри акс эттирилиши ва инсон манфаатлари ҳимоя қилинишининг таъсирчан тизимиға айланиши, 28,6 фоизи Олий Мажлиснинг янги ролини тўлиқ даражада очилиши, 26,2 фоизи мамлакат хавфсизлиги кафолатли таъминланиши, 24,5 фоизи жамоат ташкилотлари ва нодавлат ташкилотлар ролининг ошиши, 24,4 фоизи иқтисодий ҳаётнинг эркинлаштирилиши (бизнесда кўпроқ эркинлик берилиши), 23,8 фоизи суд ҳокимиятининг реал мустақиллиги, 16,8 фоизи адвокатуранинг кучли самарали тизими, 15,4 фоизи фуқароларнинг ислоҳотларни кўллаб-

кувватлашга йўналтирилган цивилизацияли сиёсий фаоллиги, деб жавоб беришган¹.

Ҳар икки респондентлардан бири инсон ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлашнинг ҳолатидан қониқмаётганини, ярмидан кўпи ижтимоий адолатни таъминлаш оқсаётганини, ҳар учдан бир респондент сиёсий ва ижтимоий фаоллик учун зарур шарт-шароитлар етишмаётганини, Олий Мажлис фаолиятининг сустлигини кўрсатади.

2012 йили ўша марказ томонидан ўтказилган социологик сўровнома ижтимоий ва иқтисодий масалаларни маҳаллий ҳокимиятлар томонидан қандай ҳал этилаётганини ҳамда уларга нисбатан ижтимоий фикрни билишга қаратилган. Сўров иштирокчиларининг 80,1 фоизи ўзлари яшаётган туман ва шаҳарлардаги ижтимоий-иқтисодий ҳолатни “яхши” ва “барқарор” деб баҳолаганлар. Қишлоқ минтақалари аҳолисининг 81,3 фоизи ва шаҳар аҳолисининг 78,9 фоизи ижтимоий-иқтисодий ҳолатдан қониқишини билдирган².

Ижтимоий фикр кишиларнинг, аҳолининг шу ондаги кайфиятини акс эттириш хусусиятига эга, шунинг учун унда тез ўзгаришлар бўлиши табиий ҳолдир. Юқоридаги рақамлар (фоизлар)нинг қанчалик объектив эканини аниqlашнинг имкони йўқ. Лекин, агар аҳвол шу даражада аҳолини қониқтираётган бўлса, нега Ш.М.Мирзиёев давлат раҳбари бўлгач, реал вазият бутунлай бошқача бўлиб чиқди? Нега ҳалқقا хизмат килиш, инсон манфаатларини химоя қилишга бутунлай янгича, танқидий объектив ёндашиш зарур бўлиб қолди? деган саволлар пайдо бўлади.

Шу ўринда ижтимоий фикрни ўрганиш марказининг 2014 йили ўтказган социологик сўровномаларига мурожаат

¹ Қаранг: Қаюмов Ў. Мустакил Ўзбекистонда янги демократик жамиятнинг шаклланиши // Ижтимоий фикр. Инсон ҳуқуқлари. 2006. №2 (34). – 95 б.

² Қаранг: Ўзбекистон: жамоатчилик фикри 2012. // Ижтимоий фикр. Инсон ҳуқуқлари, 2013. № 1(61). – 17 б.

этишимиз лозим. Унда олинган жавоблар бизнинг мавзумизга бевосита тааллуқлидир. Сўровномада респондентларга (1100 киши) “Сизнингча, мамлакатимизда мустақиллик йилларида фуқароларнинг қуидаги ҳокимият институтлари, ҳукуматга қарашли бўлмаган ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш ташкилотлари, оммавий ахборот воситаларига бўлган хурмати ва ишончи қай даражада ўзгарди” деган савол билан мурожаат этилган.

Жавоблар қуидагича кўрсаткичлар берган: Ўзбекистон Республикаси Президентига 2010 йили 100 фоиз, 2013 йили 100 фоиз ва 2014 йили 100 фоиз, Олий Мажлисга (юкоридаги тартибда) 87,2; 88,4 ва 88,7 фоиз, Вазирлар Маҳкамасига 87,5; 87,6 ва 86,7 фоиз, маҳаллий ҳокимият органларига: вилоят, шаҳар, туман ҳокимликларига 63,5; 78,2 ва 79,1 фоиз, фуқароларнинг маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органларига: маҳаллага, кишлоқ фуқаролар йиғинига 85,0; 85,4 ва 87,2 фоиз, прокуратурага 77,1; 77,7 ва 77, 9 фоиз, судга 77,8; 74,3 ва 77,9 фоиз, милицияга 70,1; 63,9 ва 70,8 фоиз, солиқ хизматига 71,8; 60,5 ва 70,8 фоиз, нодавлат нотижорат ташкилотларига 56,6; 51,1 ва 53,9 фоиз, оммавий ахборот воситаларига 72,8; 68,6 ва 72,6 фоиз, Омбудсман (Олий Мажлиснинг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили)га 67,9; 68,0 ва 68, 3 фоиз, Инсон ҳуқуқлари миллий марказига 62,2; 62,7 ва 62,9 фоиз¹.

Мазкур рақамларга қараб, мамлакатимизда ҳамма соҳаларда ўсиш кузатилаётганигини, аҳолининг мамнунлигини, бошқарув институтларига ишончи тинмай ошиб бораётганини кузатасиз. Агар оммавий ахборот воситаларига бўлган муносабатларда тўлқинли ўзгариш кузатилса, у ҳам юқорига сиљиши хусусиятига эга. Бир йил ўтгач, яъни Ш.М.Мирзиёевнинг Ўзбекистон Республикаси Президенти лавозимига сайланиши билан ҳолат мутлақ бошқача экани аён бўлади. Масалан, Президентимизнинг

¹ Қаранг: Ўзбекистон: мустақилликнинг 23 йили // Ижтимоий фикр. Инсон ҳуқуқлари, 2014. № 3 (67). – 28 б.

2018 йил 5 майда эълон қилган “Фаол тадбиркорлик ва инновацион фаолиятни ривожлантириш учун шарт-шароитларни яратиш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Қарорида айтилишича ўтган ўн йилликларда “мамлакатда фаол тадбиркорлик ва инновацион фаолиятни ривожлантириш учун шарт-шароитларни янада яхшилашга тўсқинлик қилувчи” қатор тизимли муаммолар мавжудлиги, жумладан, худудларнинг мавжуд ресурс базаси ва салоҳиятидан фойдаланиш, жойларда тадбиркорларга кўмаклашиш, ишбилармонлик мухитининг паст даражада қолаётгани, аҳоли ўртасида инновацион тадбиркорликни оммалаштириш ишлари олиб борилмаётгани уқтирилади¹.

Давлатимиз тадбиркорликни, инновацион изланишларни кенг қўллаб-куватлаётган ҳозирги пайтда нега маҳаллий ҳокимият бошқарувидағи худудларда жиддий ижтимоий-иктисодий ўзгаришлар сезилмайди? Бу саволга баъзан жойларда қурилаётган бино ва иншоотларни кўз кўз қилишади. Бироқ бу қурилишлар бошқарув институтлари фаолиятининг ягона кўрсаткичи, ижтимоий меъёрлари бўлиб қололмайди.

Аҳолининг маориф, соғлиқни сақлаш, молия, банк тизимларидан норози экани, худудларда керакли ижтимоий инфраструктуранинг шаклланмаганлиги, сервиснинг пастлиги, бошқаришда қоғозбозлик ва тўрачилик сақланиб қолаётгани бошқарув институтларида ташаббускорлик, хукуқий маданият юқори эмаслигини кўрсатади. Ўзбекистон Республика Олий Мажлиси Конунчилик палатасининг депутати Абдурашид Тўхтабоев худудларни ривожлантириш бўйича юзага келган қатор муаммоларни тилга олади. “Биргина Қарақалпогистон Республикасидан 2014 йили 10,4 миллиард сўм, 2015 йили 13,1 миллиард сўм, 2016 йили эса 101,4 миллиард сўмлик қўшимча даромадлар республика

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қарори. “Фаол тадбиркорлик ва инновацион фаолиятни ривожлантириш учун шарт-шароитларни яратиш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”// Халқ сўзи, 2018, 8 май.

бюджетига олиб кўйилган! Бошқа худудларимизда ҳам ахвол шунга ўхшаш бўлганини айтиб ўтиш шарт эмас, албатта”. Депутат хулоса қиласи: “Маҳаллий давлат ҳокимлиги органларининг молиявий эркинлиги йўқлиги туфайли жойлардаги ҳокимлар аҳолининг ҳақли талаб ва истакларини, муаммоларини ечишга қурби етмасдан, фақат қуруқ ваъдалар билан чекланиб қолгани сир эмас”¹. Бу ўтган ўн йилликларда шаклланган бошқарув усуллари эди.

Бугун бундай бошқарув шаклан ўзгармоқда, буни реал хаётнинг, ижтимоий муносабатларнинг ўзи қўрсатиб туриди. Давлатимиз раҳбари Ш.М.Мирзиёевнинг 2017 йил 13 декабрдаги “Маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг молиявий эркинлигини ошириш, маҳаллий бюджетларга тушумларнинг тўлиқлигини таъминлаш бўйича солиқ ва молия органлари жавобгарлигини кучайтиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Фармони маҳаллий давлат бошқарув институтлари фаолияти имкониятлари ва ваколатларини кенгайтиришга қаратилган муҳим қадам бўлди. Аммо бу Фармон эртасига ёқ ҳудудларда хукм сурაётган бοқимандалик, ретроградлар таъсирини бартараф этади, деган жўн хулосага бормаслик даркор. Шарқона ҳаёт тарзининг, ҳалқ менталитетининг ўзига хос қонуниятлари бор 1) улар аввало секин-аста, эволюцион тарзда ўзгаришга мойил; 2) ҳар бир инновация ҳалқ турмуш тарзидан ва онгидан жой олиши учун маълум бир муддат ва тажриба керак; 3) ижтимоий-хуқукий борлиқ ўша ўзгаришларни самарали амалга оширишнинг зарур механизмларига эга бўлиши даркор; 4) маданий-маънавий муҳит, ахлоқий қадриятлар уларни қўллаб-куvvatлаши, зарур бўлганида ўзида трансформацияни амалга ошириши зарур.

“Тажриба кўрсатадики, деб ёзади фалсафа фанлари доктори С.Норқулов, ижтимоий ҳаёт ўзидан-ўзи трансформацияга учрамайди, фақат бошбошдоқлик, хаос

¹ Тўхтабаев А. Худудларни ривожлантиришга сарфланадиган маблағлар қаердан пайдо бўлди? // Ҳалқ сўзи, 2018, 2 август.

ўзидан туғиладиган бетартиб қучга таянади ва деструктив күчларни харакатга келтиради. Трансформация тизимли ўзгариш сифатида уюшқоқликни, ўзгаришлар учун масъулликни ўз устига оладиган ташкилотни, институт бўлишини тақозо этади. Шундай экан, ўтиш даврида сиёсий онг ва сиёсий институтлар масъулликни, ташкилотчиликни бўйнига олиб, трансформацион ўзгаришлар ташаббускори бўлиши даркор. Ўзбекистоннинг бозор иқтисодиётига, ижтимоий тарихий тараққиётнинг навбатдаги, эски ижтимоий онгга, қарашларга зид бўлган янги босқичига ўтишида давлатнинг ташкилотчилик ролига устувор вазифа сифатида қаралгани объектив эҳтиёж инъикоси эди”¹.

Шунинг учун ҳар қандай меъёрий-хуқуқий хужжатнинг ижтимоий-хуқуқий борлиқдан, кишилар онги, турмуш тарзи ва маданиятидан жой олиши мураккаб, зиддиятли ва ранг-баранг омиллар орқали кечишини унутиб бўлмайди. Айниқса давлат ва жамиятни бошқаруви “мураккаб ижтимоий тизимлар қаторига киради. Ушбу ўзгариш ва ривожланиш ядросини эса субъект ва объект ўртасидаги муносабатлар, уларнинг динамикаси ташкил қиласи”². “Бошқарув тизимида фаолият кўрсатадиган субъект ва объектлар кун сайин ўзгарувчан эҳтиёжларни, қизиқишлар ва талабларни бошқарув фаолиятига олиб киради, натижада тизим фаолиятини у ёки бу томонга буриб юборади. Айнан шу нуқтаи назардан ҳам бошқарув тизимидағи субъект ва объект муносабатлари интеграл мураккаблик касб этади”³. Мазкур ўзига хослик бошқарув институтининг фаолиятини ҳам, у қўллайдиган ташкилий хуқуқий механизмларни ҳам интеграл ҳодисага айлантиради. Хуқук феноменининг интеграл хусусиятини мана шу маънода тушунмоқ ва талқин қилмоқ зарур. Куйи поғонадаги бошқарув институтлари

¹ Норқулов С. Фуқаролик жамияти ва ижтимоий онга трансформация жараёнлари. – Тошкент: Наврӯз, 2015. – 182 б.

² Ўша жойда.

³ Норқулов С. Фуқаролик жамияти ва ижтимоий онга трансформация жараёнлари. – Тошкент: Наврӯз, 2015. – 35 б.

ходимларининг ҳуқуқий билимини, саводхонлигини кўпинча уларнинг ишчанлиги, янгиликка мойиллиги, кишиларни уюстира олиши ва ўз кетидан эргаштира олиши каби раҳбарлик санъати билан боғлашади. Ҳақиқатан ҳам раҳбарлик санъати замонавий билимларни, ҳуқуқий-меърий хужжатлардаги асосий қоидаларни билишни тақозо этади. Профессорлар А.Сайдов ва У.Тожихоновларнинг фикрича, мансабдор шахсларнинг ҳуқуқий маданиятини аниқлаш учун уларнинг “амалдаги қонунчиликка бўлган муносабатларини ва уни қандай баҳолашларини билиб олиш” талаб қилинади. Мазкур ҳуқуқий маданиятнинг етакчи функцияси “тартибга солишдир”¹.

Мазкур функцияга хос бўлган “типик мотивлар”га жамият манфаатларини ҳимоя қилиш; фуқароларнинг шахсий манфаатларини ҳимоялаш; муассасаларнинг манфаатларини ҳимоялаш; хизмат жамоаси манфаатларини ҳимоялаш; ортодоксал юридик мотив (“қонун бу қонун”); хизмат юзасидан фаолият натижалари билан қизиқиш; жамоанинг иқтисодий манфаатини (у қонун талабларига мос келмаса ҳам) амалга оширишга интилиш; хизмат гурухи хулқ-авторига йўналтирилган конформ мотив; юқори турувчи ва маҳаллий раҳбариятнинг хулқ-авторига йўналтирилган мотив; хизмат одатлари; хизмат бурчларига етарли даражада риоя қилмаганлик учун юридик жавобгарлик хавфи; жамоадаги ўртоқлар, танишлар ва қариндошларнинг айблашларидан қўркиш; эгоцентрик хулқ-автор; хизмат бурчларини бажаришда ноҳуш оқибатларга олиб келадиган масъулиятсизлик ва бепарволик; шахсий моддий манфаатни ўйлаш натижасида келиб чиқадиган хулқ-автор”².

¹ Тожихонов У., Сайдов А. Ҳуқуқий маданият назарияси. 2 томлик. 2 т. – Тошкент: ЎзР ИИВ Академияси, 1998. – 22 б.

² Тожихонов У., Сайдов А. Ҳуқуқий маданият назарияси. 2 томлик. 2 т. – Тошкент: ЎзР ИИВ Академияси, 1998. – 22-23 б.

Бу мотивларнинг ҳар бири ҳуқуқий маданиятни кенг қамровли ҳодиса сифатида қарашга ундейди, демак, улар ҳуқуқий маданият белгиларини ҳам аниқлаштиришга ёрдам беради. Юқоридаги ҳуқуқ феномени, ҳуқуқий маданият ва бошқарув институтларининг дифференциал хусусиятлари ҳақидаги барча фикр-мулоҳазалар бизга бошқарув институтлари ходимларининг фазилатларини икки гурухга, яъни бошқариш санъати ва ҳуқуқий маданиятга ажратишга асос беради. Тадқиқотимиз мақсадидан келиб чиқиб биз бошқарув институтлари ходимларига хос ҳуқуқий маданиятни қўйидаги жиҳатлардан иборат деб кўрсатишимиз мумкин:

- 1) мамлакатнинг Асосий Қонуни, яъни Конституцияни билиш;
- 2) институт фаолиятини ташкил этиш, олиб бориш ва унинг норматив асослари ифодаланган меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларни яхши билиш;
- 3) инсон ҳуқуқлари ва эркинликларига оид халқаро нормалардан хабардор бўлиш;
- 4) меҳнат низоларини ҳал этиш учун юридик механизмлардан фойланиш тажрибасига эга бўлиш;
- 5) ҳуқуққа оид даврий нашрларни мудом ўқиб бориш;
- 6) ҳуқуқий талабларни умуминсоний қадриятлар билан уйғунлаштиришдек юридик аксиологик установкани ўзида шакллантириш;
- 7) бозор демократиясидан мақсадли фойдаланган тарзда меҳнат жамоасининг коллегиал бошқарувини йўлга қўйиш;
- 8) ижтимоий-ҳуқуқий борлиқни такомиллаштиришга қаратилган Олий Мажлис Қонунлари ва давлат дастурлари, Президентнинг Фармонлари, Вазирлар Махкамасининг Қарорлари билан жамоани таништириб бориш, агар лозим топилса, зарур таклиф ва мулоҳазалар билан тегишли давлат органларига чиқиш;

9) инновацион ғоялар ва тажрибаларни бошқарув институти фаолиятига татбиқ қилишнинг меъёрий-ҳуқуқий механизмларини, усулларини топа олиш;

10) ҳуқуқий маданиятни бошқарув амалиёти, кундалик ҳуқуқий хулқ-автор билан уйғунлаштириш, яъни билим ва амал бирлигига эришиш.

Бошқарув институти ходими давлат ва жамият олдида алоҳида масъулликни ўз устига олган мутахассисдир. Унинг барча хатти-ҳаракати аввало, мутахассислиги нуқтаи назаридан баҳоланади. Бошқариш фаолиятининг дифференциал хусусиятларини билиш, бу борада амалий кўникмага эга бўлиш раҳбарлик санъатига қўйиладиган талаблар қаторига киради¹.

Аммо бугунги ижтимоий борлик, жамиятдаги ўзгаришлар мазкур профессионал фазилатларни ҳуқуқий маданият негизидагина самарали олиб бориш мумкинлигини тасдиқламоқда. Агар профессионал фазилатлардаги ноқисликни, ноетукликни психологик воситалар, усуллар билан тўлдириш, қоплаш мумкин бўлса, ҳуқуқий саводсизликни улар билан қоплаб бўлмайди. Ҳуқуқ мудом аниқликни, қарор қабул қилишда мавжуд нормаларга таянишни тақозо этади. Агар мансабдор шахсада бундай аниқлик ва нормативлар ҳақида етарли тасаввур, билим бўлмаса, у ҳуқуқшунос маслаҳатчига мурожаат этиши мумкин.

Ижтимоий-ҳуқуқий борлиқни регуляция қиласидиган шунчалик ранг-баранг нормалар, меъёрий-ҳуқуқий хужжатлар борки, уларнинг ҳаммасидан хабардор юриш асло мумкин эмас. Масалан, бугун Ўзбекистонда 15 мингдан зиёд меъёрий-ҳуқуқий хужжатлар амал қиласиди. Бироқ бошқарув институтлари ходимларининг ҳуқуқий маданияти ушбу ижтимоий-ҳуқуқий базанинг ҳаммасини билишни шарт қилиб қўймайди, балки бошқарув институтининг самарали фаолият олиб бориши, унда инсон ҳуқуқлари ва

¹Раззаков Ш. Раҳбарлик санъати. – Тошкент: LESSON PRESS нашриёти, 2017. – 97-103 б.

эркинликлари талабларига тўла риоя этилиши учун зарур бўлган энг муҳим хуқуқий-меъёрларни билиш назарда тутилади.

Хуқуқий маданиятлилик даражасини ўлчаш меъёрларини топиш осон эмас. Бошқарув институтлари ҳам, улардаги ходимларнинг функциялари ҳам ўта кенг ва ранг-баранг. Зероким хуқуқий маданият уларнинг хусусиятларига, динамикасига ва кундалик бажарадиган вазифаларига қараб ўзгариб туради. Шунинг учун бу борадаги хуқуқий маданиятни ўлчаш қатор илмий ва амалий қийинчиликларни уйғотаверади. Баъзи хуқуқшунос ва социологларнинг саъй-харакатлари туфайли яратилган илмий назарий моделларни бошқарув фаолиятига татбиқ этиш кутилган натижа бермайди. Бизнинг юқорида кўрсатиб ўтган белгиларимиз ҳам умумий характерга эга бўлиб, уларни бирданига амалиётда қўллаш қийин. Шунинг учун бу йўналишдаги илмий изланишлар давом эттирилиши, хуқуқий маданиятнинг социометрик механизмлари яратилиши учун хуқуқий маданиятни ўлчаш технологияси ишлаб чиқилиши зарур.

Бошқарув институтлари – кишиларни, аҳолини, халқ оммасини маълум бир мақсадлар, ғоялар ва вазифалар атрофида бирлаштириб, “жамият” деб аталадиган ижтимоий организмнинг тўлақонли, креатив яшашини таъминлашни ўз зиммасига олган субъектлардан иборат тизим. Мазкур тизим ўзига хос дифференциал хусусиятларига эга. Уларга институционал ташкил этилганлик, иерархик субординацион алоқалар, координацион ёки коллегиал бошқариш, аниқ мақсад ва вазифаларга эга бўлиш, ижтимоий-хуқуқий борлиқда амал қиласидиган нормаларга бўйсуниш, қонун ижодкорлиги, кишиларни ўз атрофига бирлаштириш ва улар ташаббусини умумманфаатларга йўналтириш каби ижтимоий муҳим вазифалар киради.

Бошқарув институтларини олий, юқори ва қуий поғоналарда қарашиб улар зиммасига юклатилган ижтимоий вазифаларни ва уларнинг хуқуқий маданият, хуқуқий

маданият билан боғлиқ жиҳатларини, муаммоларини аниқлаш имконини берди. Давлатимиз раҳбари Ш.М.Мирзиёев ташаббуси билан бошланган ислоҳотлар, демократик тараққиётнинг янги босқичига ўтишга ташланган дадил қадамлар бошқарув институтларининг учала поғоналари фаолиятига танқидий ёндашувни тақозо этади. Ўтган ўн йилликларда бошқарув институтларида шаклланган “мен сенга тегмайман, сен менга тегма” усулида ишлаш, мансаб вазифаларини сунестемол қилиш, таъмагирлик, коррупция, халқдан узоклашиш, инсон манфаатларини химоя қилиш ўрнига ўз манфаатлари учун куйиниш каби иллатлар илдиз отдики, уларни танқидий таҳлил этмай, натижада эзгу режалар ҳам бажарилмай қофзларда қолиб кетди. Йўқ нарсани бор қилиб кўрсатиш, факат расмиятчилик учун ўзини ишлаётган қилиб кўрсатиш, мансабдор шахсларнинг “ердан оёғи узилиши” халқ оммасида норозиликлар уйғотмаслиги мумкин эмас эди. 2016 йилдан етти ой ўтганда Президент ва Вазирлар Маҳкамаси порталига 1 миллиондан зиёд, 2018 йил августигача эса 2 миллиондан ортиқ арз, мурожаатлар тушгани мамлакат қай ахволга бориб етганини кўрсатади.

Шунинг учун ҳам Президент Ш.М.Мирзиёев давлат раҳбари сифатида фаолиятининг биринчи куниданоқ бошқарув институтларида илдиз отган юкоридаги иллатлардан халос бўлиш тактикасини қўллади ва қисқа вақтда бу борада халқ оммасининг ташаббусига, қўллаб-кувватлашига эришди. Биз учун муҳим томони шунда эдикӣ, бошқарув институтлари ходимларида, ҳуқуқий маданият етишмаслиги боис уларда халқдан узилиш одатлари шакллангани аниқланди. Ҳатто, бошқарув соҳасида юқори профессионал билим ва кўникмаларга эга шахслар ҳам ҳуқуқий маданиятининг пастлиги сабабли ўз лавозимларини сунестемол қилиши, коорупцияга ва таъмагирликка берилиши, ўз манфаатлари ва осон обрў орттириш учун ғайриқонуний ишлар қилиши мумкин эканлиги аниқланди.

ІІІ БОБ. МИЛЛИЙ ТАРАҚҚИЁТНИНГ ЯНГИ БОСҚИЧИДА БОШҚАРУВ ИНСТИТУТЛАРИ ХОДИМЛАРИНИНГ ҲУҚУҚИЙ МАДАНИЯТИНИ ЮКСАЛТИРИШ МАСАЛАЛАРИ

Бугун Ўзбекистон Республикасида амалга оширилаётган ўзгаришларнинг моҳиятан демократик воқелик экани, ижтимоий ҳаёт кун тартибига қўяётган муаммолар, аввало, ижтимоий-ҳуқуқий борлиқни янгилаш, модернизациялаш орқали амалга оширилиши мумкинлиги очиб берилади. Республикамиз Президенти Ш.М.Мирзиёев ташаббуси билан қабул қилинган Ҳаракатлар стратегияси ва жамиятни янгилашга қаратилган Фармонлар, дастурлар ва концепцияларда белгилаб берилган вазифалардаги бошқарув институтлари фаолиятига оид фундаментал ғоялар ёритилади. Бу ҳужжатлардаги ғояларни, вазифаларни реал ҳаётга жорий этиш осон кечмаётгани, айниқса, қуйи поғонадаги бошқарув институтлари янги даврда ишлашга тайёр эмаслиги таъкидланади ва аниқ мисоллар билан кўрсатиб берилади.

3.1. Демократик тараққиётнинг янги босқичи ва унинг бошқарув институтлари ходимлари фаолиятига детерминистик таъсири

Кейинги уч йил ичida Ўзбекистонда амалга оширилаётган ислоҳотлар даври “демократик тараққиётнинг янги босқичи” деб номланмоқда. Ўзбекистон Республикаси мустақилликка эришгандан сўнг кенг кўламли демократик ўзгаришларни амалга оширмоқда. Улардаги позитив жиҳатларни инкор қилиш мумкин эмас. “Мамалакатимизда мустақиллик йилларида амалга оширилган кенг кўламли ислоҳотлар, дейилади Ш.М.Мирзиёевнинг “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар

стратегияси тўғрисида”ги Фармонида (2017 йил 7 февраль) миллий давлатчилик ва суверенитетни мустаҳкамлаш, хавфсизлик ва ҳуқуқ тартиботни, давлатимиз чегаралари дахлсизлигини, жамиятда қонун устуворлигини, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини, миллатлараро тотувлик ва диний бағрикенглик муҳитини таъминлаш учун муҳим пойдевор бўлди, халқимизнинг бунёдкорлик салоҳиятини рўёбга чиқариш учун зарур шарт-шароитлар яратди.

Иқтисодиётда маъмурий буйруқбозлика асосланган бошқарув тизимидан мутлақо воз кечилиб, бозор ислоҳотлари босқичма-босқич амалга оширилгани ва пул-кредит сиёсати пухта ўйлаб олиб борилгани макроиктисодий барқарорликни, иқтисодиётнинг юқори суръатлар билан ўсишини, инфляцияни прогноз кўрсаткичлари даражасида сақлаб қолишни таъминлади ҳамда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик, фермерлик харакатини ривожлантириш учун кенг имкониятлар ва қулай шароитлар яратилишига хизмат килди”¹.

Ушбу муваффақиятлар билан бирга демократик қадриятларнинг реал ҳаётдан жой олишига, мамалакатни илгари силжитишга халақит берадиган тўсиклар ҳам пайдо бўлди, уларни бартараф этмаслик ижтимоий ислоҳотларни сўз ўйинларига, тараққиётни санохонликка айлантириши мумкин эди. Халқ ҳаётидан узилиб қолиш, унинг манфаатларини оғиздагина қўллаб-қувватлаш бошқарув институтлари фаолиятидан чуқур жой олиши, натижада ушбу иллатни миллий хусусият даражасига кўтариш одатга айланиши турган гап эди.

Шунинг учун Ҳаракатлар стратегиясида қайд этилади: “Айни вақтда мамлакатимиз босиб ўтган тараққиёт йўлининг чуқур таҳлили, бугунги кунда жаҳон бозори конъюнктураси кескин ўзгариб, глобаллашув шароитида рақобат тобора

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида / Расмий нашр. – Тошкент: Адолат, 2017. – 3 б.

кучайиб бораётгани давлатимизни янада барқарор ва жадал суръатлар билан ривожлантириш учун мутлақо янгича ёндашув ҳамда тамойилларни ишлаб чиқиш ва рўёбга чиқаришни тақозо этмоқда”¹.

Ш.М.Мирзиёев давлатимиз раҳбари лавозимиға чиққан биринчи кунларданоқ, демократик тараққиётнинг янги босқичи олдиғаги вазифа халқ, оддий кишилар манфаатларига хизмат қилиш эканини алоҳида таъкидлади. “Бугун оддий одамлар биздан нимани кутаяпти? Энг аввало, давлат идораларига қилган мурожаатлари ўз вақтида, холисона ва қонуний ҳал этилишини кутмоқда. Лекин, айрим раҳбарларнинг аҳоли ариза ва шикоятларини кўриб чиқишида сансоларлик, масъулиятсизлик, ортиқча расмиятчиликка йўл қўяётгани одамларни бездирмоқда.

Биргина 2016 йилнинг 9 ойида Бош прокуратурага 137 минг, Олий судга 67 минг, Адлия вазирлигига 52 мингдан зиёд келиб тушган мурожаатларнинг салкам 30 фоизи бевосита тергов-суд фаолияти ва суд қарорлари ижроси соҳасидаги масалалар билан боғлиқ. Энг ачинарлиси шундаки, мансабдор шахсларнинг ҳаракатсизлиги оқибатида тақрорий мурожаатлар сони ортиб бормоқда. Қани, айтингчи, бу ахволда аҳолининг умуман суд-хуқуқ тизимиға ишончи ва уни мустаҳкамлаш тўғрисида гапириш мумкинми ўзи?”². Шунинг учун Ш.М.Мирзиёев мамлакат тараққиётининг янги босқичида амалга ошириладиган ижтимоий вазифа – жамиятда қонун устуворлигини таъминлаш эканини таъкидлайди. “Жамиятда қонун устуворлигини таъминлаш амалга оширилаётган барча ислоҳотлар самарадорлигига эришиш, аҳоли турмуш даражасини ошириш, мамлакатда тинчлик, тотувлик ва барқарор вазиятни таъминлашнинг асосий кафолатидир”³.

¹ (Ўша асар. 3-4 б.)

² Мирзиёев Ш.М. Миллий тараққиёт йўлнимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз. Т.1. – Тошкент: Ўзбекистон НМИУ, 2017. – 48-49 б.

³ Ўша асар. 48 б.

Ўтказилган социологик тадқиқот натижалари шуни кўрсатмоқдаким, респондентларимиз ҳам қонун устуворлиги масалаларига алоҳида эътибор беришади. Уларнинг 41 фоизи “бошқарув ишларида қонунларга риоя этилавермайди”, 29 фоизи эса “раҳбарият умуман қонунларни билмайди” ёки “уларни назар-писанд қилмайди”, деб кўрсатади. Ахвол айниқса, бирламчи ташкилотларда чидаб бўлмас даражада. “Раҳбарингиз ҳуқуқий саводини қандай баҳолайсиз?” деган саволга респондентларнинг 61 фоизи “Қониқарсиз”, 24 фоизи “Қониқарли” ва 6 фоизи “Яхши” деб жавоб берган. “Қониқарсиз” деб жавоб берганлар ичida олий маълумотлилар 87 фоизни, ўрта-маҳсус маълумотлилар 9 фоизни ташкил этади. Қолган 4 фоиз респондент жавоб бермаган. Кўриниб турибдики, олий маълумотли кишилар бошқарув ишларига, раҳбарият фаолиятига юқори талаб қўядилар. Улар бошқарув субъектлари, мансабдор шахслар фаолиятини танқидий баҳолашга мойилдирлар.

Ўзаро мулоқотлар, интервью ва баҳслар жараёнида биз респондентларнинг Ўзбекистон Республикаси Конституциясидан қанчалик хабардорлигини билиш ниятида “Асосий Қонунимизни ким ишлаб чиқкан ва қабул қилган?” деб сўрадик. Деярли 90 фоизга яқин респондент “Ислом Каримов”, 5 ёки 6 фоизи “Президент ва Олий Мажлис”, атиги 3 фоизи “Парламент” деб жавоб қайтарди. Биз уларнинг барчасини ҳуқуқий саводсиз дея олмаймиз, респондентларимиз ичida ўз ишини яхши биладиган мутахассислар етарлича топилади. Улар баъзан ҳуқуққа оид оддий саволларга тўғри жавоб беролмасалар-да, жамоани бошқаришда катта тажриба ортирганлар. Жамоа ўртасида маълум бир эътибор, хурмат қозонгандар.

Аммо уларнинг аксарияти (80 фоиздан зиёди) бошқарув органлари, мансабдор шахслар Президент, Вазирлар Маҳкамаси олдида масъулдир, дейиши ҳайрат уйғотади. Бу ўринда респондентларимизнинг Асосий Қонуннинг 2-моддасидан мутлақ бехабарлиги кўзга ташланади.

Ваҳоланки, унда “Давлат органлари ва мансабдор шахслар жамият ва фуқаролар олдида масъулдирлар”¹, деб белгилаб кўйилган. Мазкур юридик нормани билмаслик бошқарув фаолиятини қандай бошқарилаётганидан дарак беради. “Республикамизда қонун устуворлигини ким ўрнатади?” деган қўшимча саволимизга олган жавобимиз ҳам қоникарли бўлмади.

Интервью берган респондентларнинг деярли 90 фоизга яқини саволимизга “Президент”, 4 фоизи “Ўзбекистон Республикасининг Олий Мажлиси” ва атиги 2 фоизи “Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси” деб жавоб беради. “Бошқарув институтлари ва мансабдор шахслар қайси қонунларга мувофиқ фаолият юритадилар?” деган саволимизга юқоридаги респондентларимизнинг ярмидан кўпи “Махсус қонунларга”, деярли учдан бири “Президент Фармонларига”, 7 фоизга яқини эса “Вазирлар Маҳкамаси томонидан қабул қилинган меъёрий хужжатларга” деб кўрсатади. Улар ўз фаолиятида аввало Конституцияга мувофиқ фаолият юритишлари зарурлигини (15-модда) билишмайди. Ҳа, оддий нарсаларни билмаслик ёки уларни ёдда тутмаслик кишилар ўртасида кенг тарқалган ҳолдир. Лекин бошқарув институтлари ходимлари кишиларнинг тақдири, ишончи ва умидларини реал ҳаётий муаммолар билан боғлаб, уларда оптимизмни, ислохотларга ижобий муносабатларни шакллантирадиган мутахассислардир. Давлат улар зиммасига халқ ишончини, меҳрини қозонишни топширган, улар давалат номи билан фаолият юритадилар. Бу ишонч ҳақиқий билимга қурилганидагина кутилган натижаларга олиб келади.

Респондентлар Асосий Қонундаги фундаментал ғояларни тўғри ифодалайдилар, инсон манфаатларига хизмат қилиш, давлат ҳокимиятининг бирдан бир манбаи халқ, кишилар миллати, жинси, келиб чиқишидан қатъи назар сўз,

¹ Қаранг: Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. – Тошкент: Ўзбекистон, 2018. – 4 б.

эътиқод, ижод, ишлаш ҳуқуқларига эга, хусусий мулкка эгалик қилиш мумкин. Бироқ конституциявий нормаларни ижтимоий онга сингдириш муаммолигича қолмоқда. Бу ўтган ўн йилликларда олиб борилган тадқиқотларда ҳам қайд этилади. Масалан, ҳуқуқий маданиятни маҳсус тадқиқ қилган Х.Маматов қўйидагиларни ёзади: “Ўзбекистонда қонун устуворлигига асосланган ҳамда фуқаролар учун инсон ҳуқуқлари ва эркинликларига риоя этилишини тўла кафолатловчи ҳуқуқий демократик давлат барпо этишга катта эътибор берилмоқда.

Бироқ давлат ҳокимияти, маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органлари ва мансабдор шахслар Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, конституциявий қонунлари ва бошқа ҳужжатларини тўлиқ ўзлаштириши ва лозим даражада бажариши муҳим муаммолардан бири бўлиб қолмоқда. Мамлакатда ҳуқуқий маданиятни юксалтиришга жиддий эътибор берилаётганига қарамай, фуқаролар ўз конституциявий ҳуқуқ ва эркинликларини тўла амалга оширмаётгани муайян даражада уларнинг ҳуқуқий саводхонлиги пастлигидан далолат беради...”¹.

Ҳуқуқий маданият, ҳуқуқий билим ҳуқуқий муаммоларга,adolat изловчиларга эксцитатив (мафтункор, жозибали) воқеликдир, бошқа ҳолларда улар қўпчиликни, оммани қизиқтираверадиган, ўзига жалб этаверадиган нарсалар эмас. Аслида ҳар бир фуқаро ўзининг конституциявий ҳуқуқлари ва бурчларини билиши, уларга амал қилиб яшashi даркор. Маънавий-ахлоқий қадриятлар ва нормалар, императивлар қанчалик муҳим бўлмасин улар қонунлардек низоларни, баҳсли муаммоларни, тўқнашув ва коллизияларни адолатли ҳал қиломайди. Цивилизацияда яшаш бу қонунларга амал қилиб, уларга бўйсуниб яшаш демакдир.

¹ Маматов X. Ҳуқуқий маданият ва Ўзбекистонда фуқаролик жамиятининг шаклланиш муаммолари. – Тошкент: YURIST MEDIA MARKAZI нашриёти, 2009. – 113 б.

Ўзбекистонда амалга оширилаётган янги демократик ўзгаришлар, ислоҳотлар халқ манфаатларига, одамларга, одамлар давлаттага эмас, балки давлат, унинг институтлари одамларга хизмат қилиши зарур, деган фундаментал ғояга асосланган. Бу конституциявий норма ўтган ўн йилликларда қуруқ шиорга айлантирилди. Қабул қилинган қонунлар ва давлат дастурларида халқ ва демократия ҳақида айтилган фикрларни реал ҳаётга татбиқ этишнинг юридик механизмлари яратилмади, давлатнинг халқчиллиги таъминланмади, кишилар ўз ҳаётига қонунларнинг ижобий воқелик сифатида таъсирини сезмадилар. Адолат айрим шахсларни ҳимоя қилувчи воситага айланди.

Бошқарув институтларидаги айрим мансабдор шахслар ғайриқонуний хатти-ҳаракатлари учун лавозимидан олинган бўлсада, улар фаолиятидаги қинғирликлар, ўғирликлар халққа етказилмади, ундан яширилди. Масалан, фақат 2005 йилнинг ярим йилида 14 мингдан зиёд мансабдор шахсларга нисбатан интизомий, маъмурий ва моддий жавобгарликлар кўлланилган¹.

Аmmo бу жиноятлар, ғайриқонуний хатти-ҳаракатлар жамоатчиликка етказилмаган, уларни келтириб чиқарган илдизлар ҳақида на оммавий ахборот воситаларида, на маҳсус тадқиқотларда омма қизиқадиган маълумотлар берилган. Шундай ёндашув натижасида бошқарув институтлари билан халқ ўртасида бир-биридан бегоналашиш, узоклашиш юз берди. Президент қабулхоналарига келиб тушаётган мурожаатлар ўтган ўн йилликларда шаклланган ва илдиз отишга улгурган салбий ҳоллардан, иллатлардан дарак беради.

Янги давр олдидағи вазифаларни кўрсатиб берар экан, Ш.М.Мирзиёев дейди: “Афсуски, биз раҳбар бўлдикми, дарров юриш-туришимиз ўзгаради. Одамларнинг дардини

¹Қаранг: Ахрапов Б.Ж. Проблемы ответственности за должностные преступления против порядка управления. Автореферат на соиск. уч. степени докт. юрид. наук. – Ташкент: 2008. – С. 4.

гўёки билмаймиз ё билишни хоҳламаймиз. Ўйлайманки, бу масаланинг жуда муҳимлигини инобатга олиб, уни давлат сиёсатининг устувор вазифалари даражасига кўтариш пайти келди. Шунда бизнинг дунёқарашимиз ҳам ўзгаради, шу билан бирга, ҳаётимиз ҳам ўзгаради”¹.

Одамларнинг дарди билан яшаш давлат институтлари, умуман, бошқарув вазифаларини ўз зиммасига олган барча тизимларнинг муқаддас бурчи бўлиши даркор. Бунга эришиш халқимизнинг азалий орзуси, истаги бўлиб келган. Бобомиз Юсуф Хос Ҳожиб ёзади: “Кимнинг сири (кўнглидаги нияти) бугунги халққа ёруғ равшан бўлса, тили, сўзи, ширин, мулойим, хуш муомала бўлсин. Бу дунё, давлат бевафо, бекарордир, у гоҳ ийғлатади, гоҳ тўзиди. Сен бу ўткинчи баҳтга ишонма, баҳт бугун бу ерда бўлса, эртага у ерда. Баҳт бир келиб қайтиб кетгувчи нарсадир. Эй давлат соҳиби, сен бу давлат билан турайин десанг, халққа яхшилик қил. Сенга беклиқ, улуғ мартаба мерос бўлса, ўзингни камтарин тут”².

Буюк бобомиз Абу Наср Форобийнинг кратологик қарашлари давлатни халққа хизмат қилдиришдек сиёсий-фалсафий концепцияга қурилган. У ёзади: “Фозил шаҳар давлат ҳокими халқ фаровонлигини ошириш учун ўзи зарур деб билган чора-тадбирларни амалга оширишда (чала иш қилмасдан, муҳим тадбирни тўлиқ амалга ошириш йўлида) қатъиятли, саботли, журъатли, жасур бўлиши, кўркоқлик ва ҳадиксирашларга йўл қўймаслиги зарур”³.

Файласуфнинг бу ўғитлари билан Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев дадил амалга ошираётган ислоҳотлар, унинг давлат бошқарув институтларининг, мансабдор шахсларнинг халқ дарди, ташвишлари билан яшашга ундаши ўртасида яқинлик, уйғунлик мавжуд. Давлатимиз раҳбари таянаётган

¹ Мирзиёев Ш.М. Миллий тараккиёт йўлимизни қатъият билан давом этириб, янги босқичга кўтарамиз. Т.1. – Тошкент: Ўзбекистон НМИУ, 2017. – 49 б.

² Юсуф Хос Ҳожиб. Кутадғу билиг. – Тошкент: Фан, 1971. – 160-161 б.

³ Форобий, Абу Наср. Фозил одамлар шаҳри. – Тошкент: Абдулла Қодирий номидаги Халқ мероси нашриёти, 1993. – 160 б.

фундаментал ғоя, ижтимоий борлиғимизга тааллукли парадигма халқимизнинг қалбида асрлар давомида яшаб келаётган орзу, умидларга таянганида, уларни ифода этаётганидадир. Президентимиз 2017 йилни “Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили” деб эълон қилганида ва Халқ қабулхоналарини очганида ана шу парадигмадан келиб чиқкан. Респондентларнинг ўзлари фаолият юритаётган институтга оид меъёрий-хукуқий хужжатлардан яхши хабардорлиги кузатилади. Бу ўринда суд, адлия ва ички ишлар идоралари ходимларидағи хукуқий маданиятни кузатиш, ўрганиш билан чекланамиз.

Социологик сўровномамизда қатнашган респондентларнинг деярли учдан бири ушбу институтларда ишлайди. “Фаолиятингизга оид янги қонунлардан хабардормисиз?” деган саволга уларнинг 72 фоизи “Ха”, 19 фоизи “Унча эмас”, 6 фоизи “Йўқ” деб жавоб қайтаради.

Сұхбатлар ва интервью пайтларида улар Олий Мажлиснинг ”Жамиятда хукуқий маданиятни юксалтириш миллий дастури” (1997), ”Ўзбекистон Республикасининг жиноят кодекси” (1994), Ўзбекистон Республикасининг ”Ахборот олиш кафолатлари ва эркинлиги тўғрисида”ги қонун (1997), ”Оммавий ахборот воситалари тўғрисида”ги қонун (1998), ”Тезкор қидирув фаолияти тўғрисида”ги қонун (2012), ”Норматив хукуқий хужжатлар тўғрисида”ги қонун (янги таҳрирда) (2012), ”Давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари фаолиятининг очиқлиги тўғрисида”ги қонун (2014), ”Ўзбекистон Республикасининг Конституциявий суди тўғрисида”ги қонун (2017), ”Фуқароларнинг мурожаатлари тўғрисида”ги қонун (2017), ”Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”ги қонун (2017), ”Хукуқий ахборотни тарқатиш ва ундан фойдаланишни таъминлаш тўғрисида”ги қонун (2017) лардан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг ”Қонун хужжатларини тарқатиш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-2761-сон қарори (2017), ”Истиқболли бошқарув кадрларни танлов асосида танлаб

олишнинг замонавий тизимини яратиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3755 қарори (2018), “Хукуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида”ги ПҚ-2833-сон қарор (2014) лари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Адвокатура институти самарадорлигини тубдан ошириш ва адвокатларнинг мустақиллигини кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5441-сонли фармони (2018), “Ички ишлар органларининг фаолияти самарадорлигини тубдан ошириш, жамоат тартибини, фуқаролар ҳукуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини таъминлашда уларнинг масъулиятини кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5005-сонли Фармони (2018), “Давлат ҳуқуқий сиёсатини амалга оширишда адлия органлари ва муассасалари фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5415-сонли (2018) Фармонлари, Вазирлар Маҳкамасининг “Ҳукуқий тарғибот ва маърифат бўйича давлат органлари ишларини мувофиқлаштириш бўйича Идоралараро кенгаш тўғрисида” Низом (2012) билан яхши таниш эканлиги кузатилди.

Суд, адлия ва ички ишлар идоралари ходимларининг ўз соҳасига оид мөъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлардан яхши хабардорлиги фақат билим нуқтаи назаридангина позитив аҳамиятга эга. Аммо Президентимиз таъкидлаганидек барча бошқарув субъектларини, айниқса қонунлар қабул қилувчи Парламентдаги депутатлардан тортиб то маҳаллаларда ишлашга йўналтирилган ички ишлар идоралари ходимлари, нозирларгача халқ ичига бориши керак. “Парламентимиз, дейди давлатимиз раҳбари, жойларда олиб борилаётган ишларнинг ҳақиқий аҳволини ўрганишда бир қолипга тушиб қолди. Кўпинча республика ва вилоят даражасидаги масалалар ўрганилмоқда, деб ахборот берилади, бироқ қарайб 6 ойдан буён 2 мингдан ортиқ муаммо ҳал этилмасдан қолмоқда. Олий Мажлис палаталари Вазирлар Маҳкамаси, маҳаллий давлат органлари билан биргаликда депутатларнинг ўрганишлари жараёнида жойларда

аниқланган, вилоятлар ва республика миқёсида ҳал этилиши керак бўлган муаммоларни ечиш бўйича зарур чораларни кўриши лозим”¹.

Президент бошқарув институтлари фаолиятидаги расмиятчиликка, кўзбўямачиликка, сохта ҳисоботлар беришга, масъулиятсизликка барҳам бермоқчи. Бу иллатларга берилган давлат идоралари ходимлари ўзининг ҳуқуқий маданиятини юксалтириш, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш ҳақида қайғурмайди. Ҳуқуқшуносларнинг фикрича, “маъмурий буйруқбозликка асосланган жамиятга хос бўлган ҳуқуққа зид тафаккур юритиш услуби ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ходимлари фаолиятида намоён бўлган ҳолатларда, у ҳуқуққа зид турли ҳаракатларнинг бош сабабларидан бирига айланади. Ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари ходимларининг жинойи ишларга қўл уришларини аксарият ҳолларда уларнинг жиноятчилар билан аввалдан тил бириктириб, келишиб олганликлари, уюшган жиноятчи гуруҳларда қатнашганликлари, ўз хизмат мавқеи, ҳуқуқий билимлари ва оператив қидирув ахборотларидан ғаразли мақсадларда фойдаланганликлари билан изоҳлаш мумкин”².

Ҳуқуқшунослар ички ишлар идоралари ходимларида ҳуқуқий билим (ғоявий-руҳий) ва ҳуқуқий хатти-ҳаракат (ижтимоий амалий) мудом уйғун келишини таъкидлашади. “Энг умумий маънода ҳуқуқий маданиятнинг ғоявий-руҳий мазмуни ҳуқуқий тушунчалар, ҳуқуқий қоида ва тамойилларни, ҳуқук ижодкорлиги ва ҳуқуқни кўллаш фаолияти тажрибасидек ҳуқуқий тагзаминларни мустақил равища батафсил ва чуқур ўрганишни ифодалайди. Бу эса ҳуқуқни муҳофаза этиш органлари ходимининг қонунийлик принципига мувофиқ тарзда ўз касбий бурчларини самарали

¹Мирзиёев Ш.М. Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз. Т1. – Тошкент: Ўзбекистон НМИУ, 2017. – 576-577 б.

² Тожиҳонов У., Сайдов А. Ҳуқуқий маданият назарияси. Икки томли. 2-т. – Тошкент: ЎзР ИИВ Академияси, 1998. – 34 б.

бажариши учун зарурдир. Мазкур жараёнда ҳуқуқий билимларнинг ўрни уларнинг жонли мушоҳададан мавхум тафаккургача юксалиб бориши учун муайян ахборот замини бўлишдан иборатдир”¹.

Демак, ҳуқуқий билим социодинамик ҳодиса, у фақат ҳуқуқий ахборотлардан хабардорлик даражасигина эмас, у аста-секин, албатта, ижтимоий амалий жараён билан боғлиқ тарзда, абстрак тафаккурга ўсиб боради. Яъни бошқарув инти тути ходимида инсон, ҳаёт, борлик мазмуни ҳақидаги фалсафий ҳуқуқий дунёкарашни шакллантиради. Ҳуқуқ фалсафаси “ҳуқуқни англашнинг олий маънавий шакли” хисобланади.

“Ҳуқуқ фалсафаси ҳуқуқ маъноси ва табиатига нисбатан, расмий ҳокимиятнинг тасаввури ва ўзбошимчалигидан мустакил, объектив тарзда, юзага келадиган ғоялардан бошланади. Мазкур ғоялар ҳуқуқнинг ички боғлиқлиги ва бирлиги, эрк ва адолат, инсон ҳуқуқи ва эркинликлари, ҳуқуқнинг устуворлиги, қонуннинг ҳуқуқийлиги ва ҳуқуқий давлат ҳақидаги барча, шунингдек, замонавий тасаввурлар ва концепцияларнинг асоси бўлди. Бугун ушбу ҳуқуқий ғояларнинг замонавий жаҳон ҳамжамияти томонидан қадриятлар ва императивлар сифатида эътироф этилгани ҳуқуқ фалсафасининг ҳам буюк ва шубҳасиз хизматларидир”².

Ҳуқуқ фалсафаси ҳуқуқни англашнинг юксак шакли. Ҳуқуқий маданият пировард натижада ҳуқуқ фалсафасига, яъни ҳуқуқ феноменининг инсон ва жамият ҳаёти, ижтимоий муносабатларни йўлга қўйиш, социал бошқариш ва у учун жавобгарлик, масъул ходимларнинг профессионал ўсиши каби мухим соҳаларга бориб тақалади. Бу фалсафанинг экзистенционал моҳиятини, инсон ва жамият ҳаётидаги бошқариш институтлари ходимлари ва ҳуқуқ-шунослар

¹ Ўша аср. 37 б.

² Нерсесянц В.С. Философия права. Учебник. – Москва: НОРМА ИНФРА М., 1998. – С. 5.

чукурроқ англайди. Улар, профессионал фаолиятига кўра, хукуқ феномени ва ундан фойдаланиш технологиясига ҳар куни, ҳар қадамда дуч келадилар, ижтимоий муносабатлардаги ва кишилараро зиддиятлар, коллизиялар уларни хукуқ фалсафасини ҳаёт фалсафаси тарзида қабул қилишга ўргатади.

Демак, хукуқ ва хукуқий маданият шунчаки билим эмас, у, ўз навбатида, ҳаёт фалсафасидир. “Ходим билиш лаёқатининг ўсиши натижасида унинг хукуқий онги таркибида хукуқий назария (Хукуқий тушунчалар, тамойиллар, қоидалар, дастурлар)нинг ўрни беқиёс бўлади. Бинобарин, унда хукуқий воқеликни илмий муҳокама қилишга мойиллик шаклланади. Шу боисдан хукуқий ҳосилаларнинг ташқи жиҳатларинигина эмас, балки уларнинг моҳиятини англаб етишнинг, улардаги сиёсий йўналишни, ижтимоий мавқени билиб олишнинг имкони туғилади”¹.

Айнан шу нуқтаи назардан хукуқий маданиятнинг деярли барча томонлари хукуқий билимда, хукуқ фалсафасида ўз аксини топиши мумкин.

Буларнинг ҳаммаси хукуқий маданиятни хукуқ фалсафаси билан бевосита боғлиқ, ўзининг ички тизимлари ва имманент хусусиятларига эга воқелик сифатида қарашга ундайди. Шунинг учун ҳам юридик институтлар ходимларининг хукуқий билимларига ва уларнинг хукуқий хатти-ҳаракатларига бошқа билимлар ва хатти-ҳаракатлардан фарқ қилувчи экзистенция сифатида қарашни асосли, деб биламиз. Бу У.Тожихонов ва А.Сайдовнинг фикрича, уч йўналишда тадқиқ этилиши мумкин.

“Биринчидан, хукуқий хатти-ҳаракат ва ижтимоий-хукуқий фаоллик хукуқни муҳофаза қилиш органлари ходимларининг хукуқий билимларини тўлдириб боришнинг муҳим манбаи. Хукуқий маданиятнинг ушбу кўрсаткичлари атрофдаги хукуқий воқеликни бевосита идрок этишга,

¹ Тожихонов У., Сайдов А. Хукуқий маданият назарияси. Икки томлик. 2 т. – Тошкент: ЎзРИИВ Академияси, 1998. – 37-38 б.

назарий ҳуқуқий билишни амалга ошириш учун зарурий далилларни тўплашга ёрдам беради. Ана шу жараёнда ёшларда ўкув юртида олинган билимларнинг касбий фаолиятнинг эҳтиёж ва хусусиятлари билан мутаносиб уйғунлашуви содир бўлади.

Иккинчидан, касбий фаолият такрорий қўлланиш зарурияти билан узвий ҳуқуқий билимларнинг ўзлаштирилиши ва мустаҳкамлашувининг муайян усулидир.

Учинчидан, ҳаётий ҳуқуқий фаолият мавжуд ҳуқуқий билимлар чинлиги ва етарлигининг зарурий кафолати, шунингдек, уларни кенгайтиришнинг рағбатлантирувчи муҳим омили”¹. Ушбу диалектик боғлиқликда, интенсив алоқаларда ҳуқуқ феномени ҳаёт фалсафаси ва ҳуқуқ фалсафасига айланади. Экзистенционал поғонада юридик институтлари ходимларининг барча ҳатти-ҳаракатлари ижтимоий-ҳуқуқий борлиқнинг ҳуқуқ фалсафасидир. Бу ҳатти-ҳаракатлар мудом ижтимоий аҳамиятга эга ҳуқуқ экзистенциядир. Шунинг учун ҳам жамият ва давлат улар фаолиятига алоҳида аҳамият беради, улардан ҳуқуққа ортодоксал ёндашишни талаб этади.

Демократик тараққиётнинг янги босқичи ижтимоий амалий жараёнларга, натижаларга кўпроқ урғу бераётган бўлса-да, у бошқарув институтлари фаолиятини, тизимини модернизациялаш ва зарур кадрлар таёrlашни ҳам кун тартибига қўяди. Бошқарув институтлари тизимига доир ўзгаришлардан бири сифатида Давлат хизматлари агентлигининг ташкил этилганини мисол қилиб келтириш мумкин. Сир эмаски, идоралар ўртасидаги узвийликнинг йўқлиги, баъзан бюрократик тўсиқлар кишиларнинг вақтини, кучини оларди, сансалорликни тугатишнинг ҳеч имкони йўқ эди.

Кишиларнинг оддийгина маълумот олиши учун узундан-узун навбат кутиши, вақтини кетгизиб мансабдор кўрсатмаларини бажариши шарт эди. Ёш болаларни

¹Тожихонов У., Сайдов А. Ҳуқуқий маданият назарияси. Икки томлик. 2 т. – Тошкент: ЎзР ИИВ Академияси, 1998. – 39-40 б.

мактабга, боғчага жойлаштириш оиласлар учун муаммолар муаммоси эди. Агентлик ташкил этилгач мазкур вазифалар талаб этиладиган хужжатлар сони қисқартирилди, зарур хужжатларни идоралараро интеграция орқали олиш мумкин бўлди. 2017 йили Агентлик идораларига 1 кунлик аҳоли оқими 20-30 киши бўлган бўлса, 2018 йилда Агентлик кунига 350-600 кишига давлат хизматлари кўрсатмоқда. Бу ҳам кишиларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш, уларнинг ортиқча қофозбозликдан ҳалос этиш эди. Масалан, ҳисобкитобларга кўра, тадбиркор қуриб битирган бинони фаолияти учун яроқли деб қабул қилишларига эришиш учун ўртacha 6 ой вақтини кетказган. Давлат хизматлари агентлиги бундай расмиятчиликка чек қўйди. Болани боғчага жойлаштириш муддати 10 кундан 1 иш кунигача қисқартирилди, лозим бўлган 5 та хужжат бекор қилинди, энди факат сўровнома варағини тўлдириш етарли. Аммо ўтган ўн йилликларда шаклланган эскича бошқарув, қофозбозлик, ҳатто ғайриқонуний хатти-ҳаракатлар жойларда сақланиб қолаётганини кўрсатади. 2018 йилнинг биринчи ярмида Агентлик ва унинг худудий бошқармалари ходимлари томонидан 9829 та қонун бузилиши аниқланган. Уларнинг 5705 таси ҳокимлик органлари, 776 таси муҳандислик коммуникация тармоқларига улаш, 538 таси қурилиш ва 47 таси кадастр идоралари хиссасига тўғтирилди. Аниқланган қонун бузилиш ҳолатлари юзасидан 4 мингга яқин таъсир чоралари қўлланилиб, 183 нафар шахс вазифасидан озод этилган, 155 нафар шахс эса маъмурий жавобгарликка тортилган¹.

Ҳа, давлатимиз раҳбари ташаббуси билан хизматлар кўрсатишнинг замонавий кўринишлари ташкил этилаётган, уларга инновацион усуллар жорий этилаётган бўлса-да, айрим шахслар, гурухлар ғайриқонуний ҳаракатлар содир этишдан ўзини тиймаяпти. Янги босқичнинг дадил қадамлар

¹ Қаранг: Тўрахўжаев Ҳ.Тезкорлик, қулайлик, шаффоффлик // Халқ сўзи, 2018, 14 август.

билин ижтимоий реалликка айланиши, инновацион ўзгаришларнинг турмуш тарзимизга айланиши осон рўй берадиган эмас. Эскича ишлаш, айниқса, таъмагирлик, қоғозбозлик, кишилар ташвишларига бепарволик таъсирчан юридик механизмларсиз бартараф этиладиган эмас.

Демократик тараққиётни давр талабларига мос фикрлайдиган, инновацион ғояларни ўзлаштириб, уларни ижтимоий ҳаётга татбиқ эта оладиган кадрларнинг фидойилиги, фаоллиги билангина таъминлаш мумкин. Бу аксиома. Янги босқич янгича фикрлайдиган ва ишлайдиган мутахассисларга эҳтиёж катта эканлигини кўрсатди. Давлатимиз раҳбарининг чет элларда таҳсил олаётган ёки ишлаётган мутахассисларни Ўзбекистонга чақириши, Президент ҳузуридаги Давлат бошқаруви академиясини ислоҳ қилиши, унинг ҳузурида истиқболли ёш мутахассисларни қайта тайёрлайдиган ва малакасини оширадиган Ёшлар муаммоларини ўрганиш ва истиқболли кадрларни тайёрлаш институти ва Корпоратив бошқарув илмий таълим марказини ташкил этиши, “Бошқарув кадрларини тайёрлаш бўйича Президент дастури”ни қабул қилиши каби саъй-харакатлари ана шу эҳтиёжлар ифодасидир.

Демократик тараққиётнинг янги босқичи суд-хукуқ тизимини, ички ишлар идоралари ходимлари, умуман барча юридик ва бошқарув институтлари фаолиятини давр талабларига мувофиқ ўзгартиришни таъминловчи Қонунлар ва Фармонлар қабул қилишни тақозо этди. Бу ишларнинг ижтимоий-сиёсий аҳамияти ва кўлами нихоятда кенг ва салмоқли эди, албаттга. Масалан, “Баъзи давлат органлари ва ташкилотларининг фаолияти такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айrim қонун ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг Қонунига мувофиқ амалдаги меъёрий-хукуқий ҳужжатларга 300 дан зиёд ўзгартириш ва қўшимчалар киритилган. Улардан

маълум бўладики, қанчалик улкан норма ижодкорлиги ишлари қисқа даврда бажарилган.

Норма ижодкорлиги жамият ва маҳсус институтлар хукуқий маданиятининг асосий кўрсаткичларидан биридир. Шу нуқтаи назардан айтиш мумкинки, норма ижодкорлиги хукуқий маданиятнинг олий шакли, олий кўринишидир. Унда ижтимоий-хукуқий борлиққа хос хукуқий билим ва хукуқий тажриба ўз квантэссенциясини топади. Ижтимоий-хукуқий борлиққа оид бор юридик таълимотлар, хукуқ фалсафаси ва юридик аксиологик қарашлар, тажрибалар норма ижодкорлигига мужассамлашиб, жамият қандай сиёсий-хукуқий парадигмага таянаётганини, мавжуд хукуқий муаммоларни қандай ҳал этишга киришганини ва ниҳоят, қандай тарзда ва механизмлар ёрдамида ўз келажагини қурмоқчи эканини намоён этади. Аммо норма ижодкорлиги билан ижтимоий-хукуқий борлиқ ўртасида маълум бир фарқлар бор. Агар қабул қилинган нормалар бутун ижтимоий борлиқнинг ички хусусиятлари, зиддиятлари, ривожланиш ва трансформация жараёнларини олдиндан ифодалаб берганида эди, инсоният аллақачон бекам-кўст жамиятда яшаётган бўларди.

Қонунлар ҳеч қачон ижтимоий хаётнинг барча томонларини қамраб ололмайди, бунга даъвогар ҳам бўлолмайди. Қонун, норма ижодкорлиги, ижтимоий-хукуқий борлиқнинг, хукуқий маданиятнинг олий кўриниши бўлсада, унинг реал ҳаётда тўла, бекам-кўст ҳаракат қилишини кутиш қийин. Қонун, норма ижодкорлигининг ўзи ҳам реал ҳаёт талаблари таъсирида ўзгариш, янгиланиш хусусиятига эга, бу эса меъёрий-хукуқий хужжатларга мутлақлик эмас, нисбийлик баҳш этади. Қонун норма ижодкорлигининг хукуқий маданиятнинг олий кўриниши экани унга ҳам давр, ўзгараётган дунё ва ижтимоий муносабатлар орқали қарашга undайди.

Ижтимоий ҳаёт динамизмига мувофиқ бўлиш қонун, норма ижодкорлигининг бош тамойилидир. Давлатимиз раҳбарининг 2018 йил 8 августда қабул қилган “Норма

ижодкорлиги фаолиятини такомиллаштириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги Фармони бир томондан, жамиятимиз ва давлатимизнинг ҳуқуқий маданиятини ифода қилса, иккинчи томондан, ҳуқуқшунос ва юридик институтлар кадрларининг қандай нормаларга, янги тамойилларга мувофиқ ишлаш, фаолият юритиш зарурлигини ўзида акс эттиради. Мутахассисларнинг эътирофича, “юртимизда узоқ йиллар давомида янги, инновацион усул ва принципларнинг норма ижодкорлиги фаолиятига татбиқ этилмагани, бугунги кунда амалга оширилаётган ислохотларни тезкор ва самарали, ҳуқуқий таъминлай оладиган норматив ҳуқуқий база шаклланишига ўзига хос тўсик бўлди.

Хусусан, идоравий ҳужжатларнинг салмоғи ҳаддан зиёд ошиб кетди. 1992 йилда норматив ҳуқуқий ҳужжат қабул қилиш ваколатига эга субъектлар 7 тани ташкил этган бўлса, бугунги кунга келиб улар сони 50 тадан ошди. Бу эса жамиятдаги ижтимоий муносабатлар кўпроқ идоравий норматив ҳуқуқий ҳужжатлар билан тартибга солинишини кўрсатмоқда.

Рақамларга эътибор берсак, айни вақтда мамлакатимизда 15 308 та норматив ҳуқуқий ҳужжат амалда бўлиб, улардан 716 таси қонун, 1253 таси Олий Мажлис қарори, 2972 таси Президент Фармон ва қарорлари, 5664 таси ҳукумат қарори, 3340 таси идоравий меъёрий ҳужжат ва 1343 таси маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг қароридир¹. Шу билан бирга норма ижодкорлигига демократик тараққиёт талабларига мувофиқ келмайдиган одатлар шакллангани кўзга ташланади, қонунлар қабул қилишда халқ оммасидан келиб тушадиган таклифлар деярли ҳисобга олинмаётгани аниқланади. Ўзбекистон Республикаси Президент ҳузуридаги Лойиха бошқаруви миллий агентлиги бошқармаси бош мутахассиси Ф.Қорабоевнинг билдиришича, норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойихалари муҳокамаси порталида

¹ Ҳакимов Р. Норма ижодкорлигига инновация // Халқ сўзи, 2018, 11 август.

фуқаролар ва тадбиркорлик субъектлари фикр мулоҳазаларининг атиги 12,7 фоизигина кўриб чиқилади, холос.

Айни вақтда меъёрий-хукукий хужжатларни баҳолашда фақатгина regulation. Gov.uz потали имкониятларидан фойдаланилади, ваҳоланки, бундай порталларни кўпайтириш имкони ва зарурияти мавжуд¹. Қабул қилинган янги Қонун мавжуд меъёрий-хукукий хужжатларни “ақлли тартибга солиш”га қаратилгандир.

Бошқарув институтлари фаолиятининг очиқлигини, шаффофлигини таъминлаш янги босқичнинг талабидир. Ошкораликсиз, очиқликсиз демократия йўқ. Бошқарув институтлари қабул қиласидаги қарорлар, улар фаолияти мудом ҳалқ, жамоатчилик назорати остида бўлиши керак, бу демократик ҳаёт тарзининг талаби ҳисобланади. Жамиятнинг хукукий маданияти ва кишиларнинг хукукий саводхонлиги ҳам ана шу воқеликларда, ушбу воқеликларни хукукий қадриятлар сифатида эъзозлаганида ўз аксини топади.

Республика “Ижтимоий фикр” жамоатчилик фикрини ўрганиш маркази томонидан 2017 йилда ўтказилган социологик сўровномалар натижалари кўрсатадики, йилнинг I чорагида респондентларнинг 47,1 фоизи амалга оширилаётган ислоҳотларни ижобий баҳолаган, XI чорагида эса бу кўрсаткич 48,8 фоизга етган. Хоразм, Бухоро, Жиззах, Наманган, Андижон вилоятлари, Қорақалпоғистон Республикасида долзарб ижтимоий-иктисодий муаммоларни ҳал қилиш бўйича давлат бошқаруви ва маҳаллий ҳокимият органлари иши даражаси ҳамда самарадорлигидан фуқароларнинг қониқиши даражаси 50 фоиздан юқори кўрсаткич берган. Сурхондарё, Қашқадарё, Тошкент ва Навоий вилоятларида эса бу кўрсаткичлар анча паст, яъни 38 фоиздан камни ташкил этади.

¹ Қаранг: Хидиров Қ. Норма ижодкорлиги фаолиятини такомиллаштириш концепцияси амалда // Ҳалқ сўзи, 2018, 17 август.

Вилоят, шаҳар, тумандаги ижроия ҳокимият органларининг иши ҳақидаги ахборотнинг очиқлиги даражаси 2017 йилнинг I чорагида респондентлар томонидан 40,7 фоиз, II чорагида 49,2 фоиз, ахборот тўлиқ эмас, юқоридаги тартибда, 33,9 фоиз ва 35,7 фоиз, ахборот ёпиқ ва ундан фойдаланиш мумкин эмас 7,9 фоиз ва 6,4 фоиз деб баҳоланган. Юқоридаги бошқарув институтларининг фаолияти даражаси ва самарадорлигини респондентларнинг қониқарли деб 47,1 ва 48,8 фоизи, қисман қониқарли деб 34,2 ва 46,4 фоизи, мутлақо кониқарсиз деб 6,6 ва 4,3 фоизи, қониқмаслик эса 12,1 ва 0,5 фоизи ҳисоблайди.

Сўровнома натижаларидан келиб чиқиб марказ мутахассислари хуносага келишади: “Одамлар давлат органларининг очиқлиги, йиғилиб қолган муаммоларни ҳал қилишга тайёрлигига гувоҳ бўлаяпти. Реал ўзгаришлар, яъни яхши ҳақ тўланадиган ишга жойлашиш имконияти очилаётгани, ойлик маош барқарорлашаётгани, ишбилармонлик муҳити яхшилананаётганини кўриб, мамлакатимиз раҳбари сиёсатини тўлиқ кўллаб-куватламоқда. Сўровда иштирок этганларнинг мутлақ кўпчилиги фикрича, Ўзбекистон Республикаси Президентининг Халқ қабулхоналари жамиятда ижтимоий адолатни таъминлайди ва мамлакатни ҳар томонлама ривожлантиришнинг стратегик мақсадларига эришиш воситаси бўлиб ҳисобланади”¹.

Президент қабулхоналари ва виртуал қабулхонаси давлат раҳбарининг халқ билан бевосита мулоқотини ташкил этиш институти сифатида шаклланган. “Хорижий оммавий ахборот воситаларида эътироф этилганидек, Шавкат Мирзиёев кўплаб амалдорларни айланиб ўтиб, фуқароларнинг шикоятларини тўғридан-тўғри қабул қиласидиган ва Президент девонига етказадиган Виртуал қабулхонани ташкил этиш орқали шу пайтга қадар халқдан

¹Давлат бошқаруви самарадорлиги янги мезонлар асосида баҳоланмоқда // Халқ сўзи, 2017, 8 июль

узоқлашиб кетган ўзбек сиёсий моделини ижобий маънода ларзага келтириди. Натижада, аксарият амалдорларнинг нафақат қарор қабул қилишдан, балки оддий инсонлар муаммоларини тушунишдан йироқлиги ҳам аён бўлди”¹.

Ҳозирги кунга (2018 йил сентябрь) қадар қабулхоналарга келиб тушган мурожаатлар 2 миллиондан ошиб кетди. Мазкур мурожаатларнинг аксарияти маҳаллий бошқарув институтлари ва органларининг бефарқлиги, тўғри ишламаётганликлари, кишилар дардини эшишиб, уларнинг қонуний талабларини бажаришни орқага суриб келаётганликлари ҳақидадир. Бу ҳоллар жойлардаги бошқарув институтлари ва масъул шахсларнинг хуқуқий маданиятининг қай даражада эканидан дарак беради. Шу билан бирга, барча айбларни бошқарув институтлари ходимлари устига юклаш, улар фаолиятидан камчилик қидириш муаммо ечимини топишга ёрдам бермайди.

Масалан, Президент қабулхоналарига келиб тушаётган мурожаатлар ичida уй-жойи йўқлиги, фуқаролик ололмаётгани, чет элларда яқинлари қолиб кетиб Ўзбекистонга қайтиб келолмаётгани ҳақида фақат давлат раҳбари ечиши мумкин бўлган арзлар ҳам бор. Уларни маҳаллий бошқарув институтлари ходимлари ҳал қилиши қийин. Шундай бўлса-да, қабулхоналарга келиб тушаётган мурожаатлар, улар аксариятининг ижтимоий-хуқуқий характери халқимизнинг бошқарув институтларига талаблари юқори ҳамда уларнинг хуқуқий саводхонлиги ҳаётда рўй берастган ўзгаришлар билан бирга намоён бўлаётганини кўрсатади. Бу демократик тараққиётимиз янги босқичи талабларига ҳамоҳанг ва улар уйғундир.

¹Қаранг: Раҳмат Ў. Халқ билан мулоқотнинг ноёб тизими // Халқ сўзи, 2017, 23 сентябрь.

3.2. Бизнес бошқарув, корпоратив бошқарув ва ўзини ўзи бошқарув институтлари ходимларида ҳуқуқий маданиятини шакллантириш омиллари

Ҳар қандай бошқарув институти аниқ ходимлар ва мутахассислардан иборат, мақсад ва вазифаларни амалга оширувчи илк, бирламчи гурухдир. Мазкур бирламчи гурухдаги имманент хусусиятлар, кишилараро муносабатлар, мақсад ва вазифаларга эришиш жараёнида юз берадиган коллизиялар ёки тўсиклар, уларни бартараф этиш борасидаги ижтимоий, психологик ва маънавий омиллар социометрик таҳлил дейилади¹.

Кичик гурухдаги ушбу таҳлил кейин катта жамоага, ҳатто жамиятга татбиқ, экстрополяция қилинади. Илмий адабиётларда бундай гурухлар баъзан “илк поғона”, “бирламчи ташкилот”, “бошқарув тизимининг илк босқичи” деб ҳам аталади. Хуллас, мавзу бошқарувнинг илк поғонаси, қарорнинг бажарилиши учун масъул бирламчи ташкилот ва ундаги ходимларнинг ҳуқуқий саводхонлиги устиладир. Ушбу бирламчи ташкилотлар ранг-баранг ва хилма-хилдир. Уларнинг барчасини қамраб олиш ва тадқиқот натижаларини экстрополяция қилиш имконияти йўқ. Шунинг учун социометрик таҳлил обьектлари қилиб бизнес жамоа, корпоратив жамоа (бошқарув) ва ўзини-ўзи бошқарув институтлари танланди. Улар ҳуқуқий маданият модели (10 йўналиши) синтезидан ўтказилиб таҳлил қилинади.

Эксперимент технологияси: синов тажриба бошида жамоанинг ижтимоий фикри (маҳсус савол-жавоблардан иборат анкета, 3 - илова) орқали ўрганилади. Муаммо аниқлангач, ҳуқуқий маданиятни оширишга қаратилган маҳсус маърифий тадбирлар (маърузалар, сухбатлар, консультациялар, фикрлар алмасиш, диспутлар, бевосита

¹ Қаранг: Российская социологическая энциклопедия. Под ред. Г.В.Осипова. – Москва: НОРМА ИНФРА М., 1998. – С. 528.

аралашув орқали кузатув, экспресс савол-жавоблар) ўтказилади (мазкур тадбирлар дастури 2 иловада берилган). Синов тажриба охирида жамоанинг ижтимоий фикри (ўша анкета орқали) қайта ўрганилади ва олдинги жавобларга таққосланади. Қиёсий таҳлил муаммоларни аниқлаш ва ечиш усусларини топишга ёрдам бериши керак.

Бизнес жамоа маълум бир фойда, наф олиш ниятида ташкил этиладиган ва бошқариладиган меҳнат жамоасидир. Бозор иқтисодиёти шароитида, давлатимиз ва жамиятимиз томонидан кичик бизнес, хусусий мулк ва тадбиркорлик қўллаб-қувватланаётган пайтда бизнес жамоаларини социометрик таҳлил обьекти қилиб олишимиз табиий ҳолдир. Мазкур жамоаларда хукукий маданиятни юксалтириш муаммолари ва уларнинг ечимларини излаш тадқиқот мақсадига мувофиқдир. Кузатув обьекти қилиб Урганч шаҳридаги “Ота Полвон” номидаги “Аква” эшик-ромлар ишлаб чиқариш ва ўрнатиш хизмати билан шуғулланувчи ишлаб чиқариш фирмаси, бизнес жамоаси танланди. Жамоанинг паспорти қуйидагicha: 1995-1999 йилларда ёғоч эшиклар, ромлар ва ёғоч ускуналари етказиб берувчи хусусий тадбиркорлик билан шуғулланувчи ҳунармандлик устахонаси ҳисобланган. 2001 йили эшик-ромлар ишлаб чиқарувчи микрофирма, 2012 йили эса “Аква” эшик-ромлар ўрнатувчи кичик корхона сифатида рўйхатдан ўтган.

- Корхонадаги ишчи-хизматчилар сони 18 нафар.
- Мавсумий ёлланиб ишловчилар 9 нафар.
- Жами жамоа аъзоларининг сони 27 нафар.

Уларнинг 21 нафари эркак, 6 нафари хотин-қизлар. Улардан 4 нафари олий маълумотли, 9 нафари ўрта маҳсус маълумотли, қолганлари ўрта мактаб ва колледжни битирган.

Эксперимент бошида берилган “Сиз ишлаётган фирма қуйидаги қайси қонунларга мувофиқ ташкил этилган?” (2 иловага қаранг) саволга олган жавобимиз натижалари қуйидагича бўлди:

- Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига 14 киши;
- Президент Фармонларига 11 киши;
- умуминсоний қадриятларга 6 киши;
- меҳнат шартномаларига 3 киши;
- Мехнат кодексига 3 киши;
- кичик бизнес ва тадбиркорликка оид маҳсус қонунларга 2 киши;
- даврий нашрларга 0;
- инновацион дастурларга 0;
- хулқ-автор нормаларига 0.

Жавоблардан маълум бўладики, жамоа бизнес аъзоларидан атиги икки киши ўзи фаолият олиб бораётган фирманинг қандай меъёрий-хуқуқий хужжатлар асосида ташкил этишини аниқ билади. Конституция ва Президент Фармонларини кўрсатган ишчи-хизматчилар оммавий ахборот воситаларидан узук юлук эшитган хабарларга мувофиқ жавоб берганлар. Аслида эса фирмаларни, корхоналарни ташкил этиш, қайта ташкил этиш ва тугатишнинг умумий, хуқуқий, иқтисодий асослари: Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси, “Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида”, “Ижара тўғрисида”, “Чет эл инвестициялари тўғрисида”, “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорлар хуқуқларининг кафолатлари тўғрисида”, “Масъулияти чекланган ва қўшимча масъулиятли жамият тўғрисида”, “Қишлоқ хўжалиги корпоративи (ширкат хўжалиги) тўғрисида” ва “Фермер хўжалиги тўғрисида”ги каби қонунлар билан тартибга солинади¹.

Экспериментдан кейин ўша саволга олган жавобларимизда кескин ўзгариш кўзга ташланади. Энди респондентлардан 21 киши муассасани ташкил этиш ва бошқарища кичик бизнес ва тадбиркорликка оид маҳсус

¹ Қаранг: Синдаров К., Жуманазаров И. Тадбиркорлик субъектларини текширишнинг хуқуқий асослари. –Тошкент: Янги аср авлоди, 2006. – 19-20 б.

конунларга, 2 киши эса Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига, 2 киши Президент Фармонлариға таянилади, деб билдиради. 1 киши Мехнат кодексини ва яна 1 киши меҳнат шартномаларини кўрсатган. Ўтказилган маърифий тадбирлар натижасида муассасаларни ташкил этиш ва бошқаришда маҳсус норматив ҳужжатларга таянилади деган фикрга келганлар сони 2 кишидан 21 кишига кўтарилган. Бу, бизнинг фикримизча, сезиларли кўрсаткичдир. Бизнес жамоа аъзолари зарур хукукий ахборотларни етарли даражада ўзлаштириш қобилиятларига эга. Экспериментдан олдин олган жавобларимиз эса уларнинг мавжуд норматив ҳужжатлардан ва хукукий ахборотлардан хабардор эмаслигидан дарак беради. Демак, мазкур бўшлиқни ҳар доим тўлдириш мумкин.

Навбатдаги “Мехнат жамоангизда хукукий муаммоларга оид маҳсус тадбирлар ўтказиб туриладими?” деган саволимизга экспериментдан олдин респондентлардан 17 киши “Йўқ!, 7 киши “Ҳар доим эмас”, 3 киши “Ҳа” деб жавоб берган. “Йўқ” деб жавоб берганларнинг аксарияти экспериментдан кейин биринчи саволга жавобларини ўзгартирган кишилардир. Айнан ушбу кишилар ўзида норматив ҳужжатлар ва хукукий ахборотлардан бехабар юрганларини билдиришади. “Ҳа” деб жавоб берганлар ва биринчи саволга тўғри жавоб берган бизнес жамоа раҳбари ва ҳисобчисидир.

Табиий ҳолки, улар кундалик фаолиятида юридик нормаларга ва меъёрий ҳужжатларнинг бажарилиши хақида турли ахборотлар, ҳисботлар бериб борадиган шахслардир. Колган ишчи-хизматчилар эса, амалий фаолият билан банд, улар меҳнат фаолияти жараённида эшитган ахборотларнигина эсида сақлаб қоладилар. Экспериментдан кейин “Йўқ” деб жавоб берган кишилар сони 22 киши (5 кишига) ошган. Демак, маърифий тадбирлар ён атрофдаги ҳодисаларга, бошқарув фаолиятига танқидий ёндашишни шакллантиради. “Ҳар доим эмас” деган кишилар сони 7 дан 2 га тушган, 3

киши эксперимент олдида берган “Ха” деган жавобини қайтарган.

Мазкур саволларга олган жавобларимиз билан “Ижтимоий-ҳуқуқий муаммолар билан қизиқиб, улар ечимини топишга интиласизми?” деган саволга олган жавобларимиз ўртасида узвийлик бор. Бу саволга экспериментдан олдин респондентлардан 18 киши “Йўқ”, 7 киши “Ҳар доим эмас” ва 2 киши “Ҳа” деб жавоб берган бўлса, экспериментдан сўнг улардан “Ҳа” деб жавоб берганлар сони 2 кишидан 21 кишига ошган, “Йўқ” деганлар сони 18 кишидан 4 кишига тушиб қолган. Мухими шундаки, маърифий тадбирлардан кейин бизнес жамоа аъзоларида ҳуқуқий муаммоларга қизиқиши ошиши кузатилади.

“Меҳнат жамоангиздаги бошқарувни янада яхшилаш учун нималар қилиш зарур, деб ҳисоблайсиз?” деган саволимизга бизнес жамоа аъзоларидан экспериментдан олдинги ва экспериментдан кейинги жавоблари қуйидагича эди: даромадни адолатли тақсимлаш 19 (22) киши; умумий йиғилиш ўтказиб туриш 16 (17) киши; раҳбарни сайлаш тизимини жорий этиш 14 (9) киши; раҳбарни алмаштириш 12 (18) киши; бошқарувни шаффоф қилиш 11 (9) киши; раҳбар ҳисоботини тинглаб туриш 10 (11) киши; қарор ва режалар қабул қилишда ошкоралик 8 (10) киши; демократик бошқаришни кенгайтириш 6 (5) киши.

Жавоблар кўрсатадики, меҳнат жамоасини келаётган даромадларнинг адолатли тақсимланиши масаласи кўпроқ безовта қиласи. Агар экспериментдан олдин жамоа аъзоларидан 19 киши (деярли 70 фоизи) даромадларни тақсимлаш тартибидан норози эканини билдирган бўлса, экспериментдан кейин улар сони уч кишига ёки 8 фоизга ортган. Бу келгусида меҳнат жамоаси билан унинг раҳбари, ҳайдовчиси ўртасида маълум бир тортишувларни келтириб чиқариши мумкин. (Тан олишимиз керакки, мазкур кузатувлардан 8 ой ўтгач бизнесс жамоада меҳнат низолари пайдо бўлган, ундан ишчи-хизматчиларнинг деярли ярми

бўшаб кетган. Буни жамоа раҳбарининг очкўзлигига йўйиш мумкин эмас, аммо у бозор конъюктураси ўзгариб, савдосотик тартиблари, айниқса, келтирилаётган товарлар нархлари ошиб, рақобат кучайиб бораётганини ишчиҳизматчиларига тушунтириб, билдириб бориши лозим эди.

Бизнинг фикримизча, раҳбарда хуқуқий-психологик омиллардан мохирона фойдаланиш кўникмасининг етишмаслиги туфайли жамоадан мохир ишчиҳизматчиларнинг кетиб қолишига сабаб бўлган). Мехнат жамоаси бошқаришда умумий йиғилишга катта эътибор беради. Респондентларнинг аксарияти, экспериментдан олдин 16, экспериментдан кейин 17 киши жамоа ишларини бошқаришда умумий йиғилиш муҳим вазифаларни бажариши мумкин. Масалан, жамоа аъзоларининг барчаси учун фойда, даромад келтирадиган меҳнат шартномалари тузиш, режалар қабул қилиш, бизнесни ривожлантиришга оид дастурлар тузиш, меҳнат жамоаси аъзоларининг эҳтиёжларини, соғлигини тиклаш, дам олишини уюштириш ёки тўй, юбилейларини ўткзишда ёрдам берадиган жамғармалар тузиш шулар жумласидандир. Меҳнат жамоасининг умумий йигини ўзини ўзи бошқариш функцияларини ҳам бажаради.

Жамоатчилик асосида ишлайдиган бундай орган жамоада демократик бошқариш тамойилларининг қарор топишига, меҳнат низолариниadolатли, конуний йўллар билан ҳал этишга ёрдам беради. У ҳар бир жамоа аъзосининг фикрини эшитади, маъкул бўлган қарорлар қабул қилиб, раҳбариятнинг энг яқин ҳамроҳига, ҳамкасбига айланади. Хусусий мулк шароитида бундай бошқарувни йўлга қўйиш, жамоатчилик бошқаруви билан хусусий мулк эгасининг раҳбарлик функцияларини бир-бирига мувофиқлаштириш, Р.Даль фикрига кўра, мураккаб вазифалардан биридир¹.

Ҳақиқатан ҳам, хусусий мулк эгаси ўз мулкидан истаганча фойдаланиш, олган даромадини мустакил

¹Қаранг: Даль Р.Введение в экономическую демократию. – Москва: Наука Инфра, 1999. – С. 19, 22.

тақсимлаш, хўжалигини ривожлантиришнинг ўзи маъқул топган тарзда ривожлантириш масалаларини ўзи ҳал этади. Бу вазифалар унинг мустақил ҳуқуқидир. Бироқ барча корхоналар, меҳнат жамоалари каби хусусий мулк ёки корхона эгаси Меҳнат кодексида белгилаб берилган тартибларда фаолият юритади, унинг қабул қиласидан қарорлари ишчи-хизматчилар манфаатларига, эҳтиёжлари ва соғлигига, кун кўриш талабларига зид келмаслиги лозим.

Шундай бўлсада, хусусий мулк эгаси билан меҳнат жамоаси манфаатлари ўртасидаги фарқлар сақланиб қолади, мавжуд қонунлар хусусий мулк эгаси эгоизмини ҳуқукий тарзда чегаралаш механизmlарини ҳали ишлаб чиқсан эмас. Масалан, меҳнат жамоаси қабул қиласидаги режа ёки қарорни хусусий мулк эгаси бажармаслиги мумкин. Агар меҳнат жамоаси ўз талабида туриб олса, хусусий мулк эгаси корхонасини банкрот деб эълон қилиши ёки фирмасини беркитиб қўйиши мумкин, бу унинг ҳуқуқидир.

Экспериментдан олдин респондентлардан 14 киши раҳбарни сайлаш тизимини жорий этиш зарур, деб кўрсатишган, экспериментдан кейин улар сони қисқарган, 9 кишига тушган. Раҳбарни сайлаш масаласи бошқаришдаги энг нозик, бирорта давлатда бу борада ижобий тажриба тўпламмаган. Ҳатто Европа иттифоқидаги давлатлар ҳам хусусий мулк шароитида раҳбар қандай, қайси механизм ва усувлар билан сайланади, деган саволга аниқ жавоб беролмайдилар. Тўғри, айрим тадқиқотчилар сиёсий сайловлар тизимини кичик гурухларга кўчиришни таклиф этадилар, давлат раҳбарларини сайлаш технологияси қуий, бирламчи ташкилотларга ҳам маъқул келади, деб хисоблайдилар. Капиталистик ишлаб чиқариш меҳнаткашларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари (масалан, касаба уюшмалари)ни тузишга монелик қилмайди, аммо улар хусусий мулк эгасининг қарорларига жиддий таъсир қилолмайди. Хусусий корхонанинг қандай ва кимлар билан шартномалар тузиши мулк эгасининг ихтиёридадир.

Раҳбарни сайлаш демократик бошқаришнинг энг таъсирчан шаклларидан биридир. Ўзига раҳбар сайлаган меҳнат жамоаси сиёсий ҳуқуқларини рўёбга чиқаради, кимнинг ва қандай сифатларга эга шахс қўл остида фаолият юритишини мустақил ифода этади. Бошқаришдаги бор сир, санъат, ҳикмат раҳбарнинг жамоа, бошқалар билан тил топишида, агар шу санъат керакли даражада бўлмаса, жамоада низолар пайдо бўлаверади. “Раҳбарлик санъати том маънодаги бошқариш илми билан муомала маданиятининг бир нуқтада жисплашуви, яхлитликка айланишидир.

Ҳаётий тажрибаси ва билими кишининг шахсий имкониятлари билан мужассамлашган раҳбарни “раҳбарлик санъатининг устаси” дейиш мумкин. Бошқача қилиб айтганда, юксак инсоний фазилатларга эга бўлиш билан бир вактда ўз иш услубида бошқарувчиликнинг илмий асосларини кўллай оладиган инсонгина раҳбарлик санъатининг соҳиби бўлиши мумкин. Шундай етук шахс ўз фаолияти орқали ҳар қандай жамоавий ишда салмоқли натижаларга эришиб корхонаси, эл-юрти, Ватанига наф келтиришга муваффақ бўла олади”¹.

Қизиқарли ҳол шундаки, экспериментдан кейин респодентлардан 18 киши раҳбарни алмаштириш фикрини билдиришган. Экспериментдан олдин улар сони 12 та эди. Демак, ҳуқуқий-маърифий тадбирлар раҳбар, бошқарув олдига катта талаб қўйиши мумкин. Бу ўринда ҳуқуқий тарғибот ишлари кишилар онги ва тасаввурларига тез таъсир этади, улар бошқариш ишларига катта талаблар қўяди, деган холосага келиш мумкин. “Ҳуқуқий тарғиботга мафкуравий ва маърифий ишларнинг барча хусусиятлари тааллуқлидир; у ҳуқуқий амалиётни, ҳуқуқий фанларнинг назарий қоидаларини ўзлаштиришнинг асосий жиҳати ҳуқуқий билимларни, амалдаги қонунчилик тўғрисидаги ахборотни, қонунга хурмат муносабатини шакллантириш мақсадида уни

¹ Рассоқов Ш. Раҳбарлик санъати. – Тошкент: LESSON PRESS нашриёти, 2017. – 5 б.

кўллашнинг амалий тажрибасини ёйиш билан ўзаро боғлайди.

Ҳуқуқий тарғибот ёрдамида шахс ҳуқуқий ахборотнинг мазмунини ўзининг баҳолаш мезонларига кўра тўплайди ва ўзлаштиради, шундан сўнг ҳуқуқий ахборот туфайли шахс жамиятни, унда содир этилаётган жараёнларни, ҳуқуқий воқеликни баҳолаш имконига, ички заруриятга кўра ўз хатти-харакатини уюштириш, қонунга хурмат-эътибор муносабати каби омилларга эга бўлади”¹.

Бошқариш ишларини шаффоф қилиш фикрини тажриба синовдан олдин 9 киши билдирган бўлса, тажриба синовдан кейин улар 11 кишига етган. Бу ўзгаришни ҳам маърифий-ҳуқуқий тадбирлар таъсири сифатида қараш мумкин. Ҳуқуқий маданият у ёки бу нормалардан, меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлардан хабардорлик даражасигина эмас, у кишини ижтимоий-ҳуқуқий борлиққа фаол муносабатда бўлишга ундейди. Ҳуқуқий саводхон киши бошқариш усуllibарига кўпроқ талаб кўяди, иложи борича уни такомиллаштиришга интилади. Биз меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларни билишни инкор қилмоқчи эмасмиз, бундай билимсиз ҳуқуқий маданият тўғрисида гап ҳам бўлиши мумкин эмас. Масалан, Парламент томонидан қабул қилинган барча қонунларни, дастурларни билиш муҳим ҳисобланади ва бу мақтовга лойиқ фазилатдир.

Аммо уларни реал ҳаётга, ижтимоий муносабатларга, бошқарув ишларига татбиқ этиш ундан ҳам муҳим фазилат ҳисобланади. Бундан ташқари, қонунларни оғзаки ёки назарий билиш бошқа-ю уларни реал ҳаётга, мавжуд муаммоларга татбиқ этиш мутлақ бошқа нарса. Мазкур фарқ мудом сақланиб қолади. Бу аслида ижтимоий-ҳуқуқий борлиқнинг кенг, мураккаб ва онгнинг чекланган, тор хусусиятларга эга экани билан боғлиқдир. Инсон онги ҳар қандай ахборотларни англаб олишга, ўзига жо этиш

¹Тожиҳонов У., Саидов А. Ҳуқуқий маданият назарияси. Икки томлик. 2 т. – Тошкент: ЎЗР ИИВ Академияси, 1998. – 93 б.

имконига эга, бироқ айрим қолган ҳар бир инсон, шахс онги, тафаккури чеклангандир.

Шунинг учун ҳуқуқий маданият қанча ва қандай қонунлар борлигини ёдлашдан иборат эмас, балки ижтимоий ҳаёт талаб этадиган ва фаол шахс сифатида яшашга ёрдам берадиган нормаларни билиш ҳуқуқий маданиятнинг асосий мезонидир. Бизнес жамоа учун зарур ҳуқуқий маданият муассаса, корхона, фирма фаолиятини мақсадли ташкил этиш, кўпроқ фойда олиш учун зарур меъёрий хужжатларни билиш, бошқариш ишларида ишчи-хизматчиларнинг моддий манфаатдорлигини қондириш (даромадларнинг адолатли тақсимланиши) кабиларда намоён бўлади. Ишчи-хизматчилар (респондентлар) бошқарув фаолиятини бизнес жамоа мақсадларига мувофиқ баҳолайдилар, олган даромадларидан манфаатдор эканликларини билдирадилар. Улар меъёрий-ҳуқуқий хужжатлар, фирмага оид маҳсус қонунлар нималардан иборатлиги билан қизиқиб юрмайдилар, лекин маҳсус маърифий-ҳуқуқий тадбирлар орқали уларда ижтимоий-ҳуқуқий ва бошқарув ишларини такомиллаштириш муаммоларига қизиқиш уйғотиш ҳамда уларнинг ҳуқуқий саводхонлигини ошириш мумкин.

Социометрик таҳлилиминг иккинчи объекти Хоразм вилоят Гурлан туманидаги “Намуна” қишлоқ хўжалиги корпоративидир.

Корпоратив паспорти:

Корпоратив аввал пахта етиштириш билан шуғулланган, илгор қишлоқ хўжаликларидан бири бўлган. 1992 йилдан бошлаб унинг ҳудудларида фермер хўжаликлари, мева-сабзавот етказувчи дехқон хўжаликлари, 2012 йилда қишлоқ хўжалик маҳсулотларини саклаш, қадоқлаш, консервалар тайёрлаш, уларни сотиш билан шуғулланувчи корпоративлар юзага келган. “Намуна” қишлоқ хўжалиги корпоратив сифатида 2012 йилда рўйхатдан ўтган.

- унда ишловчилар 31нафар;
- мавсумий ёлланиб ишловчилар 60-65 нафар атрофида;
- аёллар 19 нафар;
- эркаклар 12 нафар;
- олий маълумотлилар 4 нафар;
- ўрта маҳсус маълумотлилар 21 нафар;
- ўрта маълумотлилар 6 нафар.

Бундан мақсадимиз тажриба синовдан олдин ва ундан кейин корпоратив жамоа аъзоларининг ўзи меҳнат қилаётган корпоратив ташкил этилиши тартибларидан қанчалик хабардор эканини аниқлаш ва улардаги ҳуқуқий маданиятни ошириш йўлларини билиш, агар зарур бўлса, уларни корректив (ҳуқуқий меъёрларга мувофиқ тузатиш, тўғирлаш, янгилик олиб кириш) қилишдан иборат.

“Сиз фаолият юритаётган корпоратив жамоа қуйидаги қайси қонунларга мувофиқ ташкил этилган?” деган саволимизга олган жавобларимиз қуйидагича тақсимланди. Қавс ичida синовдан (маҳсус уюштирилган маърифий-ҳуқуқий тадбирлардан) кейин олган жавобларимиз келтирилган.

- Президент Фармонларига 21 (4) киши;
- Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига 17 (3) киши;
- Вазирлар Маҳкамаси қарорларига 14(3) киши;
- вилоят ҳокими қарорига 9 (3) киши;
- корпоративлар тузиш ҳақидаги маҳсус қонунларга 8 (28) киши;
- “Тадбиркорлар фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида”ги қонунга 8 (2) киши;
- “Рақобат тўғрисида”ги қонунга 2 (0) киши;
- “Сиёсий партиялар тўғрисида”ги қонунга 1 (0) киши;
- Меҳнат кодексига 1(0) киши;
- Оила кодексига 0 (0) киши.

Респондентлардан 21 киши экспериментдан олдин корпоративлар Президент Фармонларига мувофиқ ташкил этишини кўрсатган. Шундай жавоб бизнес жамоа жавобларида ҳам кузатилган эди. Демак, жамиятимизда, кишиларимизда барча ўзгаришларни, ислоҳотларни давлатимиз раҳбари номи билан боғлаш анъанаси шаклланган. Президентимиз кўрсатаётган ташаббуслар, халқ оммаси ғами ва ташвишлари билан яшашга даъвати кишиларимиз томонидан қўллаб-кувватланмоқда, шу боис улар барча эътиборга лойиқ ташаббусларни унинг номи билан боғлашга интиладилар.

Аммо маърифий-хуқуқий тадбирлардан, тажриба синовдан кейин улар корпоративлар қандай қонунларга мувофиқ ташкил этилишини аниқ биладилар. Жавобдаги 21 киши 4 кишига тушиб қолади. Ваҳоланки, машғулотлар пайтида корпоративларнинг маҳсус қонунлар орқали ташкил этилиши қайта-қайта такрорланган, чамаси респондентлар ичida етказилаётган ахборотни адекват қабул қилишга мойил бўлмаган, ўй, хаёли бошқа муаммолар билан банд кишилар (улар сони 4 та) ҳам бўлган.

Жавоблар ичida Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига деган жавоб иккинчи ўринни эгаллайди. Экспериментдан олдин респондентлардан 17 киши корпоративни ташкил этишда Конституцияга таянилган деган фикрда эди. Маърифий-хуқуқий тадбирлардан кейин улар сони 3 кишини ташкил этган. Респондентлар экспериментдан кейин фикрларини ўзгартиришган, корпоративлар маҳсус меъёрий-хуқуқий хужжатларга, қонунларга мувофиқ ташкил этилишини англаб етганлар.

Навбатдаги ўринни Вазирлар Маҳкамаси қарорлари эгаллайди. Тажриба синовгача корпоратив аъзолардан 14 киши меҳнат жамоасини тузишда, ташкил этишда Вазирлар Маҳкамасининг қарорларидан келиб чиқилади, деган фикрни билдиришган эди, экспериментдан сўнг улар сони 3 кишига тушган. Умуман корпоратив аъзоларида бирор ташкилот ёки

бошқарув институти юқори идоралар рухсати билангина ташкил этилади, деган фикр барқарор позицияни эгаллайди. Бизнес жамоа аъзоларида ҳам шундай фикр устувор эди.

Бу, бизнинг фикримизча, шарқона ахлоқ, одобтаъсиридан бўлса ажаб эмас. Фалсафа фанлари доктори Ф.Мусаевнинг ёзишича, шарқона бошқарув ўзининг анъаналарига эга. Улардан бири “субординация ва иерархик муносабатларда кам тажрибали ва кам билимлик кишининг тажрибалироқ, билимлироқ кишига итоат этади”¹.

Яна у ёзади: “Ўрта Осиё мутафаккирлари подшохни комил инсон сифатида тасвирлаганларида, биринчидан, хукмдор ўз фазилатлари билан қолган барча амалдорлар ва фуқаролардан юқори туриши лозим, у энг олижаноб ва эзгу ниятларга эга бўлгани, энг хайрли мақсадларни кўзлагани туфайли элга, халққа мураббийлик, оталик қила олади, деб билганлар. Иккинчидан, подшоҳ давлат ва жамият ишларини мукаммал билгани, фуқароларнинг фаровон яшашга, адолатли ҳаёт қуришга интилишларидан тўла хабардор бўлгани учун бошқарувни субординация ва иерархия талабларига мувофиқ ташкил қила олади. Учинчидан, подшоҳнинг вазифаси амалдорларни иқтидори ва қобилиятига қараб лавозимларга тайинлашдир. Одамлар ўзидан иқтидорлироқ, тажрибалироқ, билимлироқ кишиларга бўйсуниши даркор. Акс ҳолда, давлат ва жамият ишларини оқилона ташкил этиш ва бажариш мумкин эмас”². Демак, респондентларнинг юқоридаги жавоби халқимизнинг маълум бир тарихий маданий анъаналаридан келиб чиқади.

Биз учун энг муҳими шунда бўлдики, экспериментдан олдин корпоратив аъзоларидан 8 киши меҳнат жамоасини ташкил этиш ва бошқаришда маҳсус қонунлардан келиб чиқилади, деган бўлса, тажриба синовдан кейин улар сони 28 кишига қўтарилган. Демак, маърифий-хукуқий тадбирлар

¹ Қаранг: Мусаев Ф. Демократик давлат қуришнинг фалсафий ҳуқуқий асослари. – Тошкент: O’zbekiston NMIU, 2007. – 37 б.

² Ўша асар. – 38-39 б.

корпоратив аъзоларининг фикрларига жиддий таъсир кўрсатган, уларнинг нотўғри фикрларига тузатиш киритган. Тўғри, респондентлардан 3 киши ҳали ўз фикрини ўзгартирган ёки тадбирлар мақсадига формал, бефарқ ёндашган. Шундай бўлсада, тажриба-синов кишиларда хукуқий маърифий тадбирлар орқали уларнинг хукуқий билимларига, хукуқий саводхонлигига ижобий таъсир этиши мумкин, деган хulosага олиб келади.

Корпоратив аъзоларига “Корпоратив жамоада хукукка оид маърифий тадбирлар ўтказиб туриладими?” деган савол билан мурожаат этгандик. Респондентлардан 14 киши “Йўқ”, 11 киши “Мунтазам эмас”, 4 киши “Ҳа” деб жавоб берган. 2 киши жавоб бермаган. Респондентлар ичida “Йўқ” деб жавоб берганлар кўпчиликни ташкил этади, “Ҳа” деганлар эса 4 кишидир. Лекин 11 киши жамоада маърифий-хукуқий тадбирлар онда-сонда бўлса-да, ўтказилиб туришини кўрсатадилар.

Навбатдаги саволимиз корпоративдаги бошқарувни янада яхшилаш борасидаги фикрларни ўрганишга қаратилган эди. “Корпоратив бошқарувни янада яхшилаш учун нималарни таклиф этасиз?” деган саволга олган жавобларимиз қуйидагича тақсимланди:

- фаолият доирасини кенгайтиришни 23 (24) киши;
- бошқарувни янгилашни 18 (18) киши;
- янги кадрларни жалб этишни 17 (13) киши;
- жамоа аъзолари фикрини тинглаб боришни 13 (13) киши;
- даромадларни адолатли тақсимлашни 12 (11) киши;
- раҳбарият ҳисботини тинглаб боришни 9 (14) киши;
- ҳисоб-китоб ишларини яхшилашни 7 (9) киши;
- раҳбариятни алмаштиришни 4 (3) киши;
- мени корпоратив бошқарувига сайлашни 3 (4) киши;
- янги Низом қабул қилишни 3 (0) киши.

Жавоблар кўрсатадики, корпоративда ишchanлик, меҳнат жамоаси манфаатлари билан яшаш муҳити

шакллантирилган. Буни фаолият доирасини кенгайтириш зарур, деган фикрнинг етакчи ўринда туриши исботлайди. Шу билан бирга корпоратив аъзоларининг ярмидан кўпи (18 киши) бошқарувни янгилаш тарафдоридир.

Бу фикр экспериментдан олдин ҳам, ундан кейин ҳам ўзгармай қолган. Бу жавоб раҳбариятни алмаштириш маъносини англатмайди, чамаси корпоративни бошқаришга янги элементлар киритиш зарур. Раҳбариятни алмаштириш фикрини синов-тажрибадан олдин 4 киши билдирган бўлса, экспериментдан кейин улар сони 3 кишига тушган. Демак, юқоридаги жавоб раҳбариятни алмаштириш билан боғлиқ эмас. У янги кадрларни жалб этиш 17 (13) киши ва жамоа аъзоларининг фикрини тинглаб бориш 13 (13) киши билан боғлиқ. Мазкур жавоб корпоратив аъзоларининг ўз ҳуқуқ ва эркинликларидан хабардорлиги даражасини ҳам англатади, дейиш мумкин.

Бу ҳуқуқ ва эркинликларни респондентларнинг деярли ярми аниқ идрок этадилар, қолган ярми ҳуқуқ ва эркинликларини бошқа жавобларда ифода этадилар. Барча ходимлар ўзининг ҳуқуқ ва эркинликларини аниқ билади дейиш қийин, бундай жамоа учрамайди. Лекин кишиларда уларни билишга қизиқиши борлиги муҳим аҳамиятга эга. Маърифий-ҳуқуқий тадбирлар ушбу қизиқишига қурилади ва уларни қондириш орқали экспериментдан кўзланган мақсадга эришилади¹.

Шунинг учун мазкур экспериментда проективлик, яъни келажакка йўналтирилганлик мавжуд. Респондентларнинг жавобларидағи ўзгаришларни қайд этиш етарли эмас, бу ўзгаришлар динамикаси ҳуқуқий маданият даражасига ҳам ижобий таъсир этиши даркор. Тўғри, илмий тадқиқотларда эмпирик баҳолаш ва экспериментал баҳолаш усуслари мавжуд. Эмпирик баҳолаш кишининг кундалик кузатувлари ва тажрибаларига таянишни ифодаласа, экспериментал

¹Қаранг: Эксперимент // Российская социологическая энциклопедия. – Москва: НОРМА ИНФРА М., 1998. – С. 630-632.

баҳолаш “илмий концепциянинг ёки гипотезанинг хаётлигини, объект (предмет)нинг реал ҳолатини идеал ҳолатга кўтариш йўлларини аниқлашдан иборатдир. Аммо эксперимент илмий концепция ёки гипотезанинг тўғрилигини тасдиқлаши шарт эмас. Бу тақдирда илмий ишдан воз кечилмайди, чунончи, у бошқа тадқиқотлар учун намуна, ибрат вазифасини ўташи мумкин. Яъни бошқа тадқиқотчиларни хатолар ва ёндашувларни такорламасликка ўргатади”¹.

Айтмоқчи бўлган фикримиз шундаки, эксперимент биз назарда тутган мақсадга олиб келмаслиги ёки объект (предмет) ҳақидаги тасаввурларимизни ўзгартириб юбориши мумкин. Бундан чўчимаслик керак, биз ортирган тажриба, экспериментал баҳолаш усули бошқа тадқиқотчилар учун маълум бир фойда келтириши шубҳасиз.

Аммо юқоридаги жавоблар флюктуацион кечиш хусусиятига эга, яъни жавобларнинг тўлқинли ўзгариши кузатилади. Уларнинг вазиятга, респондентлар кайфиятига ва меҳнат жараёнида юзага келган антипатия симпатияга қараб ўзгариши табиий ҳолдир. Масалан, биз корпоратив аъзоларида, бизнес жамаодаги қаби, даромадларни адолатли тақсимлаш устувор ўринни эгаллайди, деб ўйлагандик, йўқ, биз кутгандек чиқмади. Жавоблар 12 (11) кишидан иборат бўлди, яъни биз кутган жавобларнинг деярли учдан биридан сал кўпроқдир.

Раҳбарият ҳисоботини тинглаб бориш 9 (14) ва ҳисобитоб ишларини яхшилаш 7(9) кишини ташкил этган. Экспериментдан олдинги жавобларнинг ижобий, яъни бошқаришдаги масъулликни ошириш томонга ўзгаргани аниқланади. Булар аслида демократик бошқаришни яхшилашга оид фикрлардир.

Корпоратив бошқарувда бир жиҳат яққол кўзга ташланиб турди. Жамоа аъзоларининг бир муҳитда, яъни бир

¹ Қаранг: Алимасов В., Мамадалиев Ш. Илмий тадқиқот: методология, методика, ижодиёт. Иккинчи қисм. – Тошкент: ЎзР ИИВ Академияси, 2016. – 15-16 б.

қишлоқда яшагани, уларнинг фикрларида яқинлик кўплиги. Улар иш соатларининг чекланмагани, ҳатто шанба ва якшанба кунлари ҳам ишлаши, корпоратив қошида ошхона, ювиниш хоналари, иссиқ сув йўқлиги ҳам таажжубга солмайди. Корпоративдаги санитария-гигиена ҳолати ҳам талаблар даражасида эмас. Шундай бўлса-да, корпоратив жамоасининг аксарияти иш берувчининг бошқарув фаолиятидан мамнундир. Мазкур парадоксни, бизнинг фикримизча, тарихий-маданий анъаналар ва ижтимоий мухитдаги тор қарашлар таъсири, деб баҳолаш мумкин. Замонавий корхоналарда ишлаган ва маданий-маиший хизмат жаҳон стандартлари талабларида ташкил этилган меҳнат жамоаларини кўрган ходим корпоративдаги нокулайликлардан бошқарувга танқидий муносабат билдирган бўларди, албатта.

Социометрик таҳлилиминг навбатдаги обьекти ўзини ўзи бошқариш органидир. Ўзининг ижобий ижтимоий анъаналарига, аҳоли билан ишлашнинг замонавий усусларига эга Урганч шаҳридаги “Жалолиддин Мангуберди” номли маҳалла фуқаролар йиғини кузатув обьекти қилиб олинди. Ўзини ўзи бошқариш органининг паспорти:

Маҳалла ўзини ўзи бошқариш органи сифатида 2012 йил ташкил этилган.

Маҳалла худудида 2474 киши истиқомат қиласди.

- оиласлар сони 611 та;
- аёллар 1428 киши;
- эркаклар 1046 киши;
- олий маълумотлилар 483 киши;
- ўрта маҳсус маълумотлилар 801 киши;
- фуқаролар йиғинининг доимий фаоллари 26 киши (савол-жавоблар асосан ушбу фаоллар орасида ўтказилди).

Биринчи саволимиз респондентларнинг ўзлари яшаётган маҳалладаги Фуқаролар йиғини қайси қонунларга мувофиқ ташкил этилганидан хабардорлигини аниқлашга қаратилди.

Респондентлардан:

- 21 (4) киши Конституцияга;
- 17 (4) киши Президент Фармонларига;
- 11 (3) киши вилоят, туман ҳокимларининг буйруғига;
- 8 (1) киши Вазирлар Маҳкамаси қарорларига;
- 4 (2) киши маҳалла фаоллари қарорига;
- 4 (18) киши “Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида”ги қонунга;
- 2 (1) киши “Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг очиқлиги тўғрисида”ги қонунга;
- 1 (1) киши “Жамоат бирлашмалари тўғрисида”ги қонунга;

1 (1) киши “Давлат тасаррүфидан чиқариш ва хусусийлаштириш тўғрисида”ги қонунга, деб жавоб берган. Колган саволларга жавоблар 0 кишини ташкил этади.

Биринчи ва иккинчи жавоблар олдинги жамоалардаги жавобларга яқин. Демак, ҳар учала обьектларда ҳам олий бошқарув институтларига ишониш юқори позицияни эгаллади. Аслида эса бошлангич бошқарув институтлари, меҳнат жамоалари ва ўзини-ўзи бошқарув органларини ташкил этиш ва бошқаришга оид маҳсус қонунлар бор. Мазкур меъёрий-хуқуқий ҳужжатдан респондентларнинг атиги 4 таси хабардор экан. Маърифий-хуқуқий тадбирлардан кейин уларнинг сони 18 кишига етади.

Шундай бўлсада, респондентларнинг 8 таси ўзининг экспериментдан олдинги фикрида қолган. Бу ўринда ё маърифий-хуқуқий тадбирлар пайтида маҳсус қонунларга етарли урғу берилмаган ёки респондентларнинг ўзи, бизга номаълум сабабларга кўра, бошқа, нотўғри жавобларни кўрсатишган. Бироқ респондентларнинг деярли 70 фоизи (экспериментдан олдин 10 фоиз атрофида эди) тўғри жавоб кўрсатгани эътиборсиз қолиши мумкин эмас. Маҳсус маърифий-хуқуқий тадбирлар туфайли ўзини-ўзи бошқариш органлари ходимларининг 60 фоизидаги олдинги нотўғри фикри ўзгарган ва у шунча респондентларда тўғри хуқуқий

тасаввур пайдо қилган. Ҳа, бу маърифий-хуқуқий тадбирлар ижобий таъсирининг натижасидир.

Бундан ташкари, маърифий-хуқуқий тадбирлар респондентлар ўртасидаги муносабатларга йўналтирилганлик, интенсивлик баҳш этган ва уларда бирига ёрдам бериш мотивларини уйғотган. Натижада респондентларнинг у ёки бу бошқарув ишини бажариш пайтидаги фаоллиги, бири-бирини амалий қўллаб-қувватлаши ошган.

“Фуқаролар йигини маърифий-хуқуқий тадбирлар ўтказиб турадими?” деган саволимизга 19 (18) киши “Йўқ”, 4 (6) киши “Доим эмас” ва 3 (1) киши “Ҳа” деб жавоб берган. Кейинги қайта сўровда 1 киши жавоб бермаган. Респондентларнинг деярли 75 фоизига яқини фуқаролар йигинининг маърифий-хуқуқий тадбирлар ўтказишини қониқарсиз, салбий баҳолашга мойил. Суҳбатлар пайтида биз маҳаллада онда-сонда оммавий тадбирлар ва ички ишлар органлари ходимлари билан учрашувлар ўтказганидан хабар топдик. Бироқ бу онда-сонда ўтказиладиган тадбирлар кутилган натижалар беравермайди. Буни фуқаролар йигини раиси ва унинг муовинлари ҳам тан олишади. Улар бундай тадбирлар уюштиришга тайёр эканликларини билдиришади, аммо юридик институтлар ходимларида вақт топилавермайди.

Айниқса, ҳозирги демократик янгиланиш даврида бошқариш институтлари ходимларининг вақти ўта тифиз, улар гоҳо ўн - ўн бир соатлаб ишлашга мажбур. Тепадан келаётган кўрсатмалар ва торшириқлар сони кескин ошган, мамлакатимизда амал қилаётган 15300 дан зиёд месъёрий-маъмурий хужжатлар ходимлардан ўта ҳаракатчанликни, шошишни талаб қилимоқда, улар ҳатто қайси кўрсатмани аввал бажариш кераклигини билишолмайди. Бундай пайтда бошқариш институти ходимлари аҳоли билан эркин мулоқотлар ўтказишга вақт топишолмаслиги табиий ҳолдир.

Шунинг учун ҳам Президентимизнинг “Норма ижодкорлиги фаолиятини такомиллаштириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги Фармонида мазкур соҳада

тарқоқлик юзага келгани, бу эса турли ҳуқуқий коллизияларни, талқинларни ва мураккабликларни келтириб чиқар-аётгани қайд этилади. Унда: “қонунчилик базасини тизимлаштириш, ижтимоий муносабатларни ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солиш барқарорлигини таъминлаш; норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ишлаб чиқиш ва қабул қилиш жараёнлари сифатини ошириш, шунингдек, уларнинг ижроси мониторингини такомиллаштириш; норма ижод-корлиги жараёнига замонавий ахборот коммуникация технологияларини жорий этиш; норма ижодкорлигига “ақлли тартибга солиш” модели элементларини қўллаш; норма ижодкорлиги фаолиятининг институтционал асосларини такомиллаштириш” асосий вазифалар қилиб белгиланади¹.

Маҳаллада маърифий-ҳуқуқий тадбирлар олиб борилмагани туфайли аҳоли ўртасида ҳуқуқбузарликлар, оиласвий низолар ва ажралишлар, болалар ўртасида такасалтанглик, безорилик, тамаки чекиш ва спиртли ичимликлар ичиш одатий ҳолга айланиб бораётгани кузатилади. Масалан, 2018 йилнинг январидан сентябрь ойигача 6 та оғир жиноят, 29 та ўғирлик ва фирибгарлик, ўсмиirlар ўртасида 60 дан ошиқ ҳуқуқбузарликлар амалга оширилган, 43 та оиласвий низолар муҳокама қилинган, 4 та оиласва ажралиш рўй берган. Бошқа давлатларга ишга кетганлардан 3 таси хақида саккиз йилдан бери хабар йўқ.

Фуқаролар йиғини ишламаяпти, дейиш мумкин эмас. У ҳар бир оила ва ўсмиirlар билан учрашиб туради, ота-оналар билан доимо алоқада, аммо ташқи мухит таъсири кучли чиқаётгани сезилади. Умуман, маҳалла, Фуқаролар йиғини фаолиятининг самарасини ошириш янги, илмий асосланган технологияни тақозо этади. Отанг яхши, онанг яхши, деган панд-насиҳат, дидактика энди кишиларга таъсир этмаяпти.

¹Қаранг: Ўзбекистон Республикасининг Президенти Фармони. “Норма ижодкорлиги фаолиятини такомиллаштириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”. // Халқ сўзи, 2018, 9 август.

Маҳалла фаоллари жуда нари борса, ўсмирларга таъсир этиш учун улар ота-онаси билан гаплашади холос. Ваҳоланки, тарбиявий жараён шахсий психологик хусусиятларни ҳисобга олиб, уларга мувофиқ келадиган таъсир этиш механизмларини ишлаб чиқсанда кутилган натижалар бериши мумкин. Маҳаллаларда ўтказилаётган тадбирларда аҳоли қатламлари хатти-ҳаракатлари ва келгуси фаолиятини англаш, илмий асосланган дастур, олдиндан режалаштирилган, назарда тутилган, антиципация сезилмайди. Натижада тадбирлар номигагина, ҳисбот учун ўтказилади. Дискрет (узилган, бир бирига боғланмаган) хусусиятдаги тадбирлар эмас, перманент (узлуксиз, бир бирига боғланган) ва антиципатив (олдиндан англанган, назарда тутилган) маърифий-хуқуқий тадбирларгина ижобий натижалар бериши мумкин. “Фуқаролар йигинининг аҳоли билан алоқаларини қандай баҳолайсиз?” деган саволга олган жавобларимиз ҳам ушбу хуносанинг тўғрилигини тасдиқлади. Респондентлардан 13 киши “Қониқарсиз”, 7 киши “Қониқарли” ва 6 киши “Яхши”, деб жавоб берган. Савол-жавобга тортилганларнинг ярми (50 фоизи) Фуқаролар йигини аҳоли билан алоқалар ўрнатишда мавжуд имкониятларидан ҳали тўла фойдаланмаяпти, деган фикрни билдиришга мойилdir.

“Фуқаролар йигини фаолларининг ҳуқуқий саводхонлиги ва билимини ошириш учун Сизнингча, нималар қилиш зарур?” деган саволга олган жавобларимиз куйидагича бўлди:

- Фуқаролар йигини фаолиятига ёшларни жалб қилиш 16 (18) киши;
- ходимларни янгилаш 15 (16) киши;
- фаоллар сонини кенгайтириш 11 (10) киши;
- ходимларнинг ҳуқуқий билимларини ошириш 10 (22) киши;
- фаолларни маънавий ва моддий рағбатлантириш 8 (13) киши;

- фаоллар кенгашини тез-тез ўтказиб туриш 4 (7) киши;
- оилавий муаммолар билан кўпроқ шуғулланиш 4 (10) киши;
- ёшлар тарбиясига эътибор қаратиш 4 (10) киши;
- хуқуқий маърифий тадбирларни тез-тез ўтказиш 4 (10);
- болаларнинг бўш вақтини уюштириш 3 (5) киши.

Фаоллар, экспериментдан олдин ҳам, экспериментдан кейин ҳам, Фуқаролар йигинига ёшларни кўпроқ жалб этиш фикрини билдирадилар. Улар маҳалла катта ташкилий ишларни амалга ошириши зарурлигини, кекса ёшдаги Фуқаролар йигини раислари эса уларни бажаришга жисмонан қодир эмаслигини ҳис қиласидилар. Кекса ёшдаги раҳбарлар кўп ҳам ташаббус кўрсатиб ишлайвермайдилар, уларнинг ҳаётий тажрибаси ҳар доим ҳам янги давр талабларига мувофиқ келавермайди. Кузатишлардан маълумки, кекса кишилар серҳаракатчанликни, ташаббускорлик билан, дадил ишлашни ёқтиравермайдилар, улар психологиясида “етти ўлчаб бир кес” деган нақл устувор ўрин эгаллайди. Бугунги ҳаёт оқими, янгиланишлар талаби тезкор, ташаббускор, ҳатто таваккалчи бўлишга ундейди, ҳаётдан орқада қолиш жамоани орқага судрайди, стагнацияга олиб келади. Тўғри, кейинги 2016 йилги оқсоқолларни сайлашда маҳаллаларга 35-50 ёшдаги кишилар ҳам сайланди, чамаси, улар сони ҳали кам.

Бундан ташқари, кекса авлоднинг ижтимоий гурухдаги мавқеи юқори бўлсада, у фаоллар ўртасидаги алоқаларни янгилаш ёки янги қадриятлар, тасаввурлар, демократик тушунчалар билан бойитиш тарафдори бўлиб чиқавермайди. Онгдаги консерватизм, жисмоний қувватнинг камлиги, етарли эмаслиги фаоллар ташаббусига гоҳо зид келади. Ушбу ижтимоий геронтологик масалалар бошқарув фаолиятида ўз аксини топмай қолмайди.

Респондентларнинг барқарор шаклланган фикри фаоллар сонини кенгайтириш керак. Бу Фуқаролар йигини фаолиятини аҳоли ҳаёти билан чамбарчас боғлайди, унинг

тадбирларини самарали ва таъсирчан қилади. Бизнинг фикримизча, социометрик таҳлил объектимиз қилиб олган маҳалла ўз атрофига етарлича фаолларни йиққан, улар билан ҳамкорликда фаолият юритади. Фуқаролар йиғини ходимлари билан бирга улар сони 26 кишини ташкил этади. Ҳа, улар ичида катта ва кекса ёшдаги кишилар аксариятни ташкил этади, ўрта ёшдагилар саноқли. Чамаси, респондентлар Фуқаролар йиғинига ёрдам бераётган фаоллар сонини ёш, ташаббускор, серҳаракатчан кишилар билан кенгайтиришни назарда тутадилар.

Респондентлардан 10 киши экспериментдан олдин фаоллар ҳуқуқий билим ва саводхонлигини ошириш зарур деб кўрсатган бўлсалар, маҳсус маърифий-ҳуқуқий тадбирлардан кейин улар сони 22 кишига ортган. Фаоллар маърифий-ҳуқуқий тадбирлардан кейин ҳуқуқий маданиятнинг қанчалик катта аҳамиятга эга эканини, аҳоли билан ишлашда фақат тадбирлар ўтказиш, сухбатлар уюштириш эмас, балки ушбу тадбирларнинг ижтимоий-ҳуқуқий жиҳатлари кишиларга самарали таъсир этишини англайдилар.

Айниқса, оилавий низоларни ечиш, ҳуқуқбузарликлар ва жиноятлар олдини олиш билан боғлиқ тадбирларни уюштиришда ижтимоий-ҳуқуқий таъсир механизмларидан унумли фойдаланиш муҳимлигига икror бўладилар. Шунинг учун ҳам улардан экспериментдан олдин 4 киши маърифий-ҳуқуқий тадбирларни тез-тез ўтказиб туриш зарур, деган фикрни изҳор қилган бўлса, синов-тажрибадан кейин улар сони 10 киши (икки ярим баробар)га ошган. Демак, маърифий-ҳуқуқий тадбирлар ўзини ўзи бошқариш органларининг фаолиятини самарали, таъсирчан қилади, фаоллар саъй-ҳаракатларини аҳоли кўзи олдида муҳим, зарур воқеликка айлантиради, улар обрўсини оширади. Бу фикримиз ўзини-ўзи бошқарув органларининг оилавий низоларни, болалар ва ўсмирлар ўртасидаги ҳуқуқбузарликлар ҳамда гайриахлоқий хатти-ҳаракатларнинг олдини олиш кабиларга ҳам тааллуқлидир.

ХУЛОСА

Демократик хукукий давлат қуриш мақсади хукуқ феноменини энг эъзозланадиган, жамият ва инсон ҳаётининг барча томонлари билан боғлиқ ўзига хос социоаксиологик воқеликка, қадриятга айлантиради. Илғор давлатлар тажрибаларидан маълумки, инсон хукуқи ва эркинликлари барқарор қадриятга, кишилар интиладиган ижтимоий-хукукий борликнинг асосий меъёрларига, императивларига айлангандагина демократия қарор топади, кишилар бошқарув институтлари фаолиятидан мамнун бўладилар. Хукуқ феномени шунчаки эсланадиган воқелик эмас, у инсон ва жамият тараққиётини белгилаб берувчи, ижтимоий борлиқда қайси қадриятлар устувор бўлганини кўрсатувчи, халқлар азалдан интилиб келган орзуларига эришганини (эришмаганини) ифодаловчи кўрсаткичdir.

Меъёрий-хукукий нормаларни давлат бошқарув институтлари ишлаб чиқади ва ижтимоий муносабатларга татбиқ этади, хукуқ нормаларига риоя этиш ва уларнинг талабларини бажаришни назорат қиласди ва таъминлайди. Аммо хукуқнинг бош субъекти давлат ва унинг бошқарув институтлари бўлсада, уни реал ҳаётга, муносабатларга кўчириш жамиятнинг бошқа тизимларидаги бошқарув институтлари саъй-харакатларига ҳам боғлиkdir. Демак, хукуқ феномени бутун жамиятнинг, мавжуд бутун бошқарув институтларининг ташаббуси туфайли барқарор воқеликка, қадриятга айланади. Агар ушбу институтлар қўллаб-кувватламаса, хукуқ феноменини ўзининг кундалик амалиётида ишлатмаса, ҳар қандай идеал, мукаммал қонун, хукукий нормалар кутилган натижалар бермайди.

Хукукий маданиятнинг ошиб бориши хукукий билим, хукукий онг, хукукий тажриба, хукукий таълим, хукукий маданият кабилар билан узвий боғлиқ. Унинг ядросини хукуқ ташкил этади. Хукукий нормалар ва уларга оид меъёрий

хужжатларни билиш, ўзлаштириш ҳуқуқий маданиятка оид воқеликлар хисобланади.

Бирор институт ёки ташкилотни ҳуқуқий билимсиз бошқариш мумкин эмас. Ҳар қандай ижтимоий бирлик ҳуқуқни акциденцияга айлантиради, усиз бошқарув фаолиятини йўлга қўйиш амри маҳол. Шунинг учун бошқарув тўғрисида гап кетганида шу заҳоти ҳуқуқ феномени, унинг субординация ва иерархиядаги ўрни, ходимлар ўртасидаги тақсимланиши кўз олдимишга келади. Ҳуқуқнинг регулятив функцияси бошқарув функциясига жуда яқин. Бироқ улар ўртасидаги фарқ фаолиятда кўлланиладиган механизмлардадир.

Ҳуқуқ фалсафаси ва ҳуқуқшуносликда ўтказилган тадқиқотлар натижалари кўрсатадики, ижтимоий-ҳуқуқий борлиқда мавжуд бошқарув институтлари умумий меъёрий-ҳуқуқий талабларга бўйсунади, уларнинг ижтимоий функциялари ўша борлик орқали белгиланади, лекин ҳар бир институт ўзининг дифференциал хусусиятларига ҳам эга. Ушбу дифференциал хусусиятлар ижтимоий-ҳуқуқий борлиқнинг таркибий қисми сифатида келади, аммо бутуннинг адекват инъикоси эмас. Улар ўртасидаги ўзига хосликлар бутун билан қисм, улар ўртасидаги иерархик муносабатлар ифодаси кабидир. Бошқарув институтлари ходимларининг ҳуқуқий маданияти икки биринчиси, ижтимоий-ҳуқуқий борлик, иккинчиси, бошқарув институтининг дифференциал белгилари орқали белгиланади. Агар ижтимоий-ҳуқуқий борлик бошқарув институтлари ходимларининг хатти-ҳаракатларини ташки пировард натижаларга, дифференциал белгилар эса уларни ички вазифаларга йўналтиради. Биринчиси экстравертив, иккинчиси интравертивдир. Бошқарув институтлари ранг-баранг ва косубстанционал хусусиятларга эга ижтимоий бирликлардир. Уларнинг барчасини қамраб олишнинг имкони йўқ, асло. Шунинг учун мазкур тадқиқотда ўша ранг-баранг вокелик маълум бир тизим тарзидан олиб қаралади.

Бу тизимга давлат (олий, ўрта ва маҳаллий давлат бошқарув) бошқарув институтлари, бизнес жамоа бошқаруви, корпоратив бошқарув институтлари ва ўзини ўзи бошқарув органлари киради. Социометрик таҳлил ва эксперимент объектлари қилиб олинган ушбу бошқарув институтлари муаммони ҳал қилиш, унга ечимлар топиш имконини беради.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

I Бўлим. Норматив-хуқуқий хужжатлар ва методологик аҳамиятга молик нашрлар:

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. – Тошкент: Ўзбекистон, 2018. – 42 б.

2. Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 23 июлдаги 226-сон қарори. Ҳуқуқий тарғибот ва маърифат бўйича давлат органлари ишларини мувофиқлаштириш бўйича идоралараро кенгаш тўғрисида Низом.

3. Указ Президента Республики Узбекистан об утверждении концепции административной реформы в Республике Узбекистан // Народное слово, 2017 г. 9 сентябрь.

4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2001 йил 4 январдаги “Ўзбекистон Республикаси Конституциясини ўрганишни ташкил этиш тўғрисида”ти Фармойиши // Халқ сўзи. – Тошкент: 2001. 5 январь.

5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони. “Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари билан ишлаш тизимини тубдан такомиллаштиришга доир чора-тадбирлар тўғрисида” // Халқ сўзи. 2016. 29 декабрь.

6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони. “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида. – Тошкент: Адолат, 2017.-10-11 б.

7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони.“Давлат ҳуқуқий сиёсатини амалга оширишда адлия орган ва муассасалари фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” // Халқ сўзи. 2018. 14 апрель.

8. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони. “Ўзбекистон Республикасида маъмурий ислоҳотлар

концепциясини тасдиқлаш тұғрисида” // Халқ сүзи. 2017. 9 сентябрь.

9. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони. “Тошкент шаҳар бошқарувининг алоҳида тартибини жорий этиш бўйича ҳуқуқий эксперимент тұғрисида” // Халқ сүзи, 2018, 17 август.

10. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони. “Норма ижодкорлиги фаолиятини такомиллаштириш концепциясини тасдиқлаш тұғрисида” // Халқ сүзи. 2018. 9 август.

11. Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори. “Фаол тадбиркорлик ва инновацион фаолиятни ривожлантириш учун шарт-шароитларни яратиш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тұғрисида” // Халқ сүзи. 2018. 8 май.

12. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1997 йил 25 июнданғы “Хуқуқий тарбияни яхшилаш, аҳолининг хуқуқий маданияти даражасини юксалтириш, хуқуқшунос кадрлар тайёрлаш тизимини такомиллаштириш, жамоатчилик фикрини ўрганиш ишини яхшилаш ҳақида”ги Фармони // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси. 1997. -№7 -14-31 б.

13. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қарори. “Қонун ҳужжатларини тарқатиш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тұғрисида” // Халқ сүзи. 2017. 9 февраль.

14. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қарори. “Истиқболли бошқарув кадрларини танлов асосида танлаб олишнинг замонавий тизимини яратиш чора-тадбирлари тұғрисида” // Халқ сүзи. - 2018. 31 май.

15. Ўзбекистон Республикасининг “Давлат бошқарувини янгилаш ва янада демократлаштириш ҳамда мамлакатни модернизация қилишда сиёсий партияларнинг ролини кучайтириш тұғрисида”ги Конституциявий қонун: //

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси. 2007. -№4. 2018 б.

16. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қарори. “Тошкент шаҳрида жамоат тартибини таъминлаш, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашиш самарадорлигини ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” // Халқ сўзи. 2018. 20 июнь.

17. Ўзбекистон Республикасининг Қонуни. “Баъзи давлат органлари ва ташкилотларнинг фаолияти такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида” // Халқ сўзи. 2018. 24 июль.

18. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони. “Тошкент шаҳри бошқарувининг алоҳида тартибини жорий этиш бўйича ҳуқуқий эксперимент тўғрисида” // Халқ сўзи. 2018. 18 август.

19. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 13 июнданги “Ёшларнинг ҳуқуқий таълимини такомиллаштиришнинг комплекс дастури тўғрисида”ги Қарори // Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси қарорлари тўплами. – Тошкент. 1994. -143 б.

20. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 1 майдаги “Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон Декларацияси қабул қилинганлигининг 60 йиллигига бағишлиланган тадбирлар дастури тўғрисида”ги ПФ-3994-сонли Фармони // Халқ сўзи. – Тошкент: 2008. 2 май.

21. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Микро фирмалар ва кичик корхоналарни ривожлантиришни рағбатлантириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 2005 йил 20 июнданги ПФ-3620-сонли Фармони. Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўплами. 2005. 25-26-сон. 12-24 б.

22. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони. “Ўзбекистон Республикасини янада

ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида” :
Расмий нашр. – Тошкент: Адолат, 2017. – 52 б.

23. Ўзбекистон Республикасининг “Ижара тўғрисида”ги 1991 йил 19 ноябрь қонуни // Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси. 1993 йил, №9-сон. – 102 б.

24. Ўзбекистон Республикасининг “Хусусий корхона тўғрисида”ги қонун // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2004 й. 1-2-сон, 8 -модда; Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2006 й., 12-13-сон, 100-модда, 2007 й., 52-сон, – 18-29 б.

25. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссиялар фаолиятини такомиллаштириш ҳақида”ги Низоми // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. -2000. – 122 б.

26. Ўзбекистон Республикасининг “Истеъмолчи-ларнинг хукуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги қонун // Ўзбекистоннинг янги қонунлари. №13 – Тошкент: “Адолат”, 1996. -32 б.

27. Каримов И. Янгича ишлаш ва фикрлаш–давр талаби. 5-жилд. – Тошкент: Ўзбекистон, 1997. – 384 б.

28. Каримов И. Хавфсизлик ва барқарор тараққиёт йўлида. 6-жилд. – Тошкент: Ўзбекистон, 1998. – 429 б.

29. Каримов И.А. Ўзбекистон XXI асрга интилмоқда. – Т.: Ўзбекистон, 1999.

30. Каримов И.А. Бизнинг бош мақсадимиз жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ этишдир. Ўзбек халқи ҳеч қачон, ҳеч кимга қарам бўлмайди. Т.13. –Т.: Ўзбекистон, 2005. – 194 б.

31. Каримов И. Юксак маънавият–енгилмас куч. – Тошкент: Маънавият, 2008. – 176 б.

32. Каримов И.А. Мамлакатни модернизация қилиш ва иқтисодиётимизни барқарор ривожлантириш йўлида. Т. 16. – Тошкент: Ўзбекистон, 2008. – 368 б.

33. Каримов И.А. Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси. – Т.: Ўзбекистон, 2010.

34. Мирзиёев Ш.М. Эркин ва фаровон, демократик Ўзбекистон давлатини биргаликда барпо этамиз. –Т.: Ўзбекистон, 2016. – 56 б.

35. Мирзиёев Ш.М. Танқидий таҳлил, қатый тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик-ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қоидаси бўлиши керак.–Т.: Ўзбекистон, 2017. – 104 б.

36. Мирзиёев Ш.М. Қонун устуворлиги ва инсон манфаатларини таъминлаш – юрт тараққиёти ва халқ фаровонлигининг гарови. – Т.: Ўзбекистон, 2017. – 48 б.

37. Мирзиёев Ш.М. Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз. 1-жилд, – Т.: Ўзбекистон, 2018. – 592 б.

38. Мирзиёев Ш.М. Халқимизнинг розилиги бизнинг фаолиятимизга берилган энг олий баҳодир. 2-жилд, – Т.: Ўзбекистон, 2018. – 508 б.

39. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. – Т.: Ўзбекистон, 2019. – 64 б.

II Бўлим. Дарслик, монография, илмий мақола, патент, илмий тўпламлар:

40. Абдукаримов И.Т. Молиявий ҳисоботни ўқиш ва таҳлил қилиш йўллари. – Тошкент: Иқтисодиёт ва хуқуқ дунёси, 1998. -288 б. Абзалов Э.М. Правовая культура и правонарушение молодёжи. – Ташкент: 1997. – 68 с.

41. Алексеев С.С. Право: азбука теория философия: Опыт комплексного исследования. – Москва: Статут, 1999, – 568 с.

-
42. Алимасов В., Мамадалиев Ш. Илмий тадқиқот: методология, методика, ижодиёт. Иккинчи қисм. – Тошкент: ЎзР ИИВ Академияси, 2016. – 48 б.
43. Алимов Г. Х.А. Правовой статус и деятельность органов государственной власти в Республике Узбекистан. – Ташкент: Издательский центр Академия, 2004. -102 с.
44. Атауллаев М. Жамиятни модернизациялашда хукуқий қадриятларнинг ўрни (фалсафий-хукуқий жиҳатлар) –Тошкент: Университет, 2017. – 186 б.
45. Ахмедшаева М.А. Ҳозирги замон давлат ва хукуқ назарияси муаммолари. Ўқув қўлланма. Масъул мухаррир проф. З.М.Исломов.–Тошкент: ТДЮИ нашриёти, 2009. – 138 б.
46. Ахтаров Б.Ж. Проблемы ответственности за должностные преступления против порядка управления. Автореферат на соиск.уч. степени докт. юрид. наук – Ташкент: 2008. -32с.
47. Бабенко А.Н. Правовые ценности (вопросы теории). – М.: 2001. – 204 с.
48. Баранов П.П., Окусов А.П. Аксиология юридической деятельности: Учебное пособие. – Ростов-на-Дону: РЮИ МВД России, 2003. -168 с.
49. Баранов П.П. Правосознание и правовое воспитание // общая теория права: курс лекций под. ред. Проф. Бабаева В.К. – Ниж. Новгород. 1993. – 208 с.
50. Баратов М.Х. Давлат – фуқаролик хуқуқининг субъекти сифатида // масъул мухаррир: И.Б.Зокиров. – Тошкент: ТДЮИ, 2005. – 88 б.
51. Блондель Ж. Политическое лидерство. Путь к все объемлющему анализу. – Москва: Рипор, 1992. – 204 с.
52. Бобоев Х. ва бошқалар. Маданиятшунослик. – Тошкент: Янги аср авлоди, 2001. -168 б.
53. Боймуродов Н. Раҳбар психологияси. –Т.: Янги аср авлоди, 2016.-78 б.

54. Бошқарув таҳлили. Ўқув қўлланма. М.Қ.Пардаев. А.Х.Шоалимов, И.Р.Пардаев, Ж.И.Исройлов. – Т.: Иқтисодиёт ва ҳуқуқ дунёси, 2005. – 308 б.
55. Волкогонова О., Титаренко И. Этническая идентификация и искушение национализмом // Христианство. Под общ. ред. А.Е.Тараса - Минск: Харвест, 2003. -368 с.
56. Вопленко Н.Н. Правосознание и правовая культура: Учебное пособие. – Волгоград: Изд.-во Волгу, 2000.-134с.
57. Гегел Г. Философия права - Москва: Мысль, 1990. - 463с.
58. Гоббе Т. Сочинения в 2 томах. Т. 1– Москва: Мысл, 1989.-604с.
59. Давлат бошқаруви самарадорлиги янги мезонлари асосида баҳоланмоқда // Халқ сўзи, 2017. 8 июль.
60. Давлат қурилиши ва бошқаруви // Муаллифлар жамоаси.Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши Академияси. – Тошкент : НМИУ, 2007. -1386.
61. Даль Р.А. Введения в экономическую демократию. - Москва: Наука. С П, ИХПА, 1991.-122с.
62. Добровольский В.И. Применение корпоративного права: практическоеруководство для корпоративного юриста. – М.: Вольтерс Клювер, 2008.-234.
63. Жалилов Ш.И. Давлат Ҳокимияти маҳаллий органлари ислоҳоти: тажриба ва муаммолар. – Тошкент: 1994.-242б.
64. Жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш миллий дастури // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Аҳборотномаси 1997.-№9. -3-216.
65. Жўракулов Ф. Ҳокимият бўлинишининг ижтимоий фалсафий асослари: хориж тажрибаси ва миллий амалиёт. – Тошкент: Нишон ношир, 2015.-204б.
66. Ёқубов А. “Кутадғу билиг” да давлатчилик концепцияси// масъул мухаррир: Ф.Ас-Салом.-Тошкент:

Абдулла Қодирий номидаги халқ мероси нашриёти, 1997. -82 б.

67. Законотворчество: проблемы и решения. - Москва : Юристъ, 1998.-264.

68. Ильин И.А. Фалсафа ва ҳаёт // Тафаккур, 2018, №4. – 46-52 б.

69. Инсон ҳукуклари умумий назарияси. – Тошкент: ЎзР ИИВ Академияси, 2012. -462б.

70. Исламов З. Ҳокимият ва ҳуқуқий маданият // Ҳаёт ва қонун.-1998, №1.-12-146.

71. Исмоилов Н.М. Қонун ижодкорлик фаолиятида миллий қадриятларнинг ўрни // Миллий қадриятлар ва шахс ижтимоий ҳимоясининг ҳуқуқий механизмини такомиллаштириш. -Тошкент: ЎзР ИИВ Академияси, 2007. – 42-44 б.

72. Исмоилова Р. Ҳуқуқий маданият ва социология // Ҳаёт ва қонун. – 1998, №3. 28-30 б.

73. Кант И. Сочинения в шести томах. Т.Н. часть 2. – М.: Мысль, 1965. – 468 С.

74. Карагусов Ф.С. Основы корпоративного права и корпоративное законодательство Республики Казахстан. – Алматы: Бастау, 2011. – 224 с.

75. Каманина Т.Б. Корпоративное право.- Москва : Юристъ, 1999. -200с.

76. Крамник В.В. Социально-психологический механизм политической власти. – Ленинград: ЛГУ, 1991.-182с.

77. Макиавелли Н. Государь: рассуждения о первой декаде тита Ливия; о военном искусстве: сборник – Минск: Ооо Попурри, 1998.-542с.

78. Маликова Г. Ўзини ўзи бошқариш кучли фуқаролик жамиятининг таянчи. –Тошкент: ТДЮИ, 2005.-124б.

79. Маматов Х. Ҳуқуқий маданият ва Ўзбекистонда фуқаролик жамиятининг шаклланиш муаммолари. –

Тошкент: YURIST MEDIA MARKAZI нашриёти, 2009. -174 б.

80. Маҳмудов Р.М. Шахснинг ҳуқуқий маданиятлашуви: назария ва методика. – Тошкент: Ўзбекистон, 1998. – 69 б.
81. Менежмент асослари. – Тошкент: Иқтисод-молия, 1999. – 208 б.
82. Мирхамидов М. Янги ҳуқуқий онг зарур // Ҳаёт ва қонун. – 1998, №3 – 18-20 б.
83. Московичи С. Машина, творящая богов. – М.: Лидер М., 1998. – 402 с.
84. Мусаев Ф. Демократик давлат қуришнинг фалсафий – ҳуқуқий асослари. – Тошкент: Ўзбекистон, 2007. - 192 б.
85. Нерсесянц В.С. Философия права – Москва: Изд. гр. НОРМА ИНФРАМ, 1998. -684 с.
86. Нерсесянц В.С.Юриспруденция. Введение в курс общей теории права и государство. – Москва: Юрист, 1998. - 304 с.
87. Ниёзов Ш. Ички ишлар: Ҳуқуқий онг ва маданият // Ҳаёт ва қонун. -1997, №2. – 19-20 б.
88. Нишонова Н. Давлат бошқарув тизимида хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий фаолияти (фалсафий таҳлил) – Тошкент: Фан, 2013. – 186 б.
89. Нишонова Н. Давлат бошқарув тизимида хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий фаолияти (фалсафий таҳлил) – Тошкент: Фан, 2013. – 188 б.
90. Норқулов С. Фуқаролик жамияти ва ижтимоий онгда трансформация жараёнлари. – Тошкент: Наврўз, 2015. – 182 б.
91. Одам ва олам. Қилга осилган қилич. Қадимги ривоятлар ва тарихий ҳикоялар Мухтор Худойкулов талқинида - Тошкент: Наврўз, 2014. – 204 б.

-
92. Одилқориев Х.Т., Якубов Ш.У. Миллий ҳуқуқий тизим ва ҳуқуқий қадриятлар. Монография. – Тошкент: SMI ASIA, 2010. – 302 б.
93. Одилқориев Х.Т., Тультеев И.Т. Икки палатали парламент. Қайта ишланган ва тўлдирилган иккинчи нашри. – Тошкент: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси нашриёти, 2005. – 168 б.
94. Одилқориев Х.Т. Ҳуқуқий қадрият ва шахс ижтимоий ҳимояси // Миллий қадриятлар ва шахс ижтимоий ҳимоясининг ҳуқуқий механизмларини такомиллаштириш. – Тошкент: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2007. –10-16 б.
95. Одилқориев Х.Т. Суд ҳокимияти ва касбий ҳуқуқий маданияти // Суд-ҳуқуқ ислоҳотлари: Ҳозирги ҳолати ва такомиллаштириш истиқболлари. – Тошкент: ТДЮИ, 2007. – 8-14 б.
96. Олламов Я.Й. Фуқаронинг ўзини ўзи бошқариши халқ ҳокиятчилигининг асоси. – Тошкент: Шарқ, 2011. – 188 б.
97. Олламов Я.Й., Сайдова Х.А. Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш ҳуқуки: назария ва амалиёт масалалари. –Т.: ТДЮИ нашриёти, 2006. – 82 б.
98. Очилова Г. Янги ҳуқуқий онг ва маданият // Ҳаёт ва конун. – 1998, №2. – 28-31 б.
99. Пардаев М.Қ., Шоалимов А.Х., Пардаев И.Р., Исройлов Ж.И. Бошқарув таҳлили. Ўқув қўлланма, М.Қ.Пардаев таҳрири остида.-Тошкент: Иқтисодиёт ва ҳуқуқ дунёси, 2005.
100. Парсонс Т. Система современных обществ. – Москва: Аспект Пресс, 1998. – 212 с.
101. Политическая психология. – Москва: Академ. проект, – Екатеринбург. Деловая книга, 2003. – 220 с.
102. Право человека. – Ташкент: Адолат, 1992. – 66 с.
103. Рazzаков Ш. Раҳбарлик санъати – Тошкент: LESSON PRESS нашриёти, 2017. – 102 б.

104. Раҳмат Ў. Халқ билан мулоқотнинг ноёз тизими // Халқ сўзи, 2017. 23 сентябрь.
105. Раҳмонқулов Ҳ. Фуқаролик ҳуқуқининг объектлари. Ўқув кўлланма. – Тошкент: ТДЮИ, 2009. – 98 б.
106. Раҳмонқулов Ҳ.Р., Гулямов С.С. Корпоратив ҳукуқ. Дарслик. – Тошкент: ТДЮИ, 2007. – 102 б.
107. Румянцева В. Лидер: опыт изучения психологии неформального лидерства – СПБ: Питер, 1996. – 200 с.
108. Рўзиев Р. Мехнат шартномалари – Тошкент: Фалсафа ва ҳукуқ институти нашриёти, 2009. – 308 б.
109. Рўзиназаров Ш. Муаллифлик ва турдош ҳукуқлар: уларни амалга оширишнинг қонуний кафолатлари // Ниуқ va burch, 2006. – 122 б.
110. Сайдов А.Х., Тожихонов У., Тошкулов Ж. Мустақиллик ва ҳуқуқий мағкура. –Тошкент: 1995. – 48 б.
111. Сайдов А., Тожихонов У. Давлат ва ҳукуқ назарияси. Икки жилдли. 1 жилд. Давлат назарияси. – Тошкент: Адолат, 2001. -288 б.
112. Сайдов А.Х. Иммануил Кантнинг фалсафий ҳуқуқий мероси ва замонавий юриспруденция. З нашриёти. – Тошкент: Инсон ҳукуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси миллий маркази, 2012. -254 б.
113. Сайдов Б.А. Ҳуқуқшунос кадрлар тайёрлаш тизимини модернизация қилиш – давр талаби // Давлат ва ҳукуқ назариясининг долзарб муаммолари мавзусидаги илмий анжуман материаллари. – Тошкент: Ўзбекистон миллий университети нашриёти, 2010. – 48 б.
114. Синдаров К., Жуманазаров И. Тадбиркорлик субъектларини текширишнинг ҳуқуқий асослари. – Тошкент: Янги аср авлоди, 2006. – 164 б.
115. Современное государство и право: вопросы теории и истории. – Владивосток, 1992. -242 с.
116. Соғлом оила жамият ривожланишининг асоси // Халқ сўзи, 2018. 6 июль.

117. Тожихонов У., Саидов А., Одилқориев Х. Давлат ва ҳуқуқ асослари. – Тошкент: 2002. – 202 б.
118. Тожихонов У., Саидов А. Ҳуқуқий маданият назарияси. 2 т.–Тошкент: ЎзР ИИВ Академияси. 1998.–302 б.
119. Тайлор Э. Первобытная культура. – Москва: Политиздат, 1989.
120. Тўрахўжаев X. Тезкорлик, кулайлик, шаффофлик // Халқ сўзи. 2018, 14 август.
121. Тўхтабаев А. Ҳудудларни ривожлантиришга сарфланадиган маблағлар қаердан пайдо бўлди? Халқ сўзи, 2018. 2 август.
122. Форобий, Абу Наср. Фозил одамлар шаҳри. – Тошкент: Абдулла Қодирий номидаги Халқ мероси нашриёти, 1993. – 246 б.
123. Фромм Э. Анатомия человеческой деструктивности. – Москва: 1990. – 564 с.
124. Хайдаров X. Ислоҳотлар қонунияти. – Т.: Ўзбекистон, 2010. – 202 б.
125. Халилов Э. Ижтимоий турмушда ҳуқуқий онгнинг ўрни // Правосознание в структуре общественной жизни. – Тошкент: Ўзбекистон, 1997. – 62 б.
126. Халипов В.Ф. Введение в науку о власти. – М.: Феникс, 1996. – 264 с.
127. Ханс Петер Гассер. Международное гуманитарное право. Введение. – Москва: Юристъ, 1999. – 362 с.
128. Хакимов Р. Норма ижодкорлигида инновация // Халқ сўзи, 2018. 11 август.
129. Хидиров К. Норма ижодкорлиги фаолиятини такомиллаштириш концепцияси амалда // Халқ сўзи, 2018. 17 август.
130. Хрестоматия памятников феодального государства и права стран Европы.–Москва: Гос. изд. норид. лит. 1961.–664 с.
131. Худойшукуров З. Қонун устуворлиги, қатъий интизом ва ижро маъсуллияти // Халқ сўзи. 2018. 7 августъ.

132. Хўжалик (тадбиркорлик) ҳукуки. – Тошкент: ТДЮИ, 2003. – 169 б.
133. Экперимент. Российская социологическая энциклопедия. Москва: НОРМА ИНФРА М., 1998. – 550-552 с.
134. Юсуф Хос Хожиб. Қутадғу билиг. – Тошкент: Фан, 1971. – 402 б.
135. Ўразбаев Ш.З. Мустақил Ўзбекистоннинг Конституцияси – Тошкент: Ўзбекистон, 1994. – 62 б.
136. Қадимий ҳуқуқий ёдгорликлар: Ҳаммурапи қонунлари. Доро I нинг Беҳустун қояларидағи ёзувлари. Таржима асар. – Т.: Адолат, 2016 – 82 б.
137. Қаюмов Ў. Мустақил Ўзбекистон янги демократик жамиятнинг шаклланиши // Ижтимоий фикр. Инсон ҳуқуқлари. 2006. №8.21-26 б.
138. Ҳусанов О.Т. Ўзбекистон Республикасининг давлат ҳокимияти вакиллари ва ижроия ҳокимияти органлари. – Тошкент: Университет, 1994. – 102 б.
139. Ҳусейнова А. Фуқаролик жамияти ва аёллар. – Бухоро: Agro Print, 2009. – 87 б.
140. Ҳуқуқий демократик ислоҳотлар // Маъсул муҳаррир: А.Сайдов. – Тошкент: Ўзбекистон, 1997. – 142 б.

III Бўлим. Чет тиллардаги адабиётлар:

141. Беляев М.И. Концепция русского национального государства. – Москва: Милогия, 2006. - С. 25-26.
142. Davies P. Governers Principles of Modern Company Law L.: Sweet Maxwell 1997.
143. Mehrdad Haghayeghi, Islam and Politics in Central Asia (N.Y., St. Martin's Press, 1995). Islam Karimov, Uzbekistan on the Threshold of the twenty-first Century (Richmond, Surrey: Curzon Press, 1997). – 278 p.

144. Мукаев Р.Т. Политология. Пособие для общеобразовательных учебных заведений. Москва: И.Д. Дрофа, 1997, – Б. 372.
145. Смирнова Н., Моисеев Н.Н. О политической науке и о будущем человечества // Полис, 2008, №1. – С. 187.
146. Stanley L., Paulson. Introduction In Hans Kelsen Introduction to problems legal theory. – Oxford. 1992. – P. 204.
147. Цыганков П.А. Теория международных отношений. – М.: Гардарики, 2004. – С. 288.
148. P.Kraakman and ... The Anatomy of corporate law. – OXFORD University Press, 2004. – P. 203.

МУНДАРИЖА

КИРИШ	3
I БОБ. ҲУҚУҚИЙ МАДАНИЯТНИНГ ФАЛСАФИЙ ТАЛҚИНИ	6
1.1. Ҳукуқ ва ҳуқуқий маданият фалсафий тадқиқот объектлари сифатида	6
1.2. Бошқарув фаолияти ва ҳуқуқий маданиятнинг ижтимоий ва аксиологик моҳияти	27
II БОБ. БОШҚАРУВ ИНСТИТУЛари ХОДИMLARI ВА УЛАРНИНГ ҲУҚУҚИЙ МАДАНИЯТИНИНГ СОЦИОЛОГИК ТАҲЛИЛИ	49
2.1. Ижтимоий бошқарув институтларининг дифференциал белгилари ва улар ходимлари фаолиятининг ижтимоий меъёrlари (социометрияси)	50
2.2. Марказий бошқарув ва маҳаллий бошқарув институтлари ходимларининг ҳуқуқий маданияти.....	76
III БОБ. МИЛЛИЙ ТАРАҚҚИЁТНИНГ ЯНГИ БОСҚИЧИДА БОШҚАРУВ ИНСТИТУЛари ХОДИMLАРИНИНГ ҲУҚУҚИЙ МАДАНИЯТИНИ ЮКСАЛТИРИШ МАСАЛАЛАРИ	98
3.1. Демократик тараққиётнинг янги босқичи ва унинг бошқарув институтлари ходимлари фаолиятига детерминистик таъсирি	98
3.2. Бизнес бошқарув, корпоратив бошқарув ва ўзини ўзи бошқарув институтлари ходимларида ҳуқуқий маданиятни шакллантириш омиллари	119
ХУЛОСА	142
ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ	145

Хатамов Фарход Фахритдинович

БОШҚАРУВ ИНСТИТУЛари ХОДИМЛАРИНИНГ
ҲУҚУҚИЙ МАДАНИЯТИ

Монография

ISBN 978-9943-6553-1-7

© Тошкент, “Zilol buloq” нашриёти, 2021

Мухаррир: Диляфрўз Эшбоева
Компьютерда саҳифаловчи: Мухаррам Зоитова
Техник мухаррир: Шоҳжаҳон Абдурахимов

Нашриёт лицензияси АI №303. 21.06.2017
“Zilol buloq” нашриёти, Тошкент ш., Камарнисо к., 3-үй.

Босишига рухсат этилди: 13.01.2021. Қофоз бичими 60×84_{1/16}.
“Times New Roman” гарнитураси. 6,7 шартли босма табоқ.
10,0 нашр табоқ. Адади 100 нусха. Буюртма № 25.

СамДЧТИ нашр-матбаа марказида чоп этилди.
Манзил: Самарқанд ш, Бўстонсарой кўчаси, 93.